

“Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК
Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Техник олий ўқув юртлари барча йўналиш ва курс талабалари учун
француз тили морфологиясига оид услубий қўлланма

Тошкент – 2010

“Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК
Тошкент темир йўл муҳандислари институти

“Нашрга рухсат этаман”
Ўқув ишлари бўйича проректор,
Доцент **Ф.Ф. Каримова**
“_____” _____ 2010 йил

О.А. Алмирзаев, Т.А.Жураев

Техник олий ўқув юртлари барча йўналиш ва курс талабалари учун
француз тили морфологиясига оид услубий қўлланма

Нашрга розиман
Муаллиф: _____

Тошкент – 2010

“Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК
Тошкент темир йўл муҳандислари институти

“Нашрга рухсат этаман”
Ўқув ишлари бўйича проректор,
Доцент **Ф.Ф. Каримова**
“-----” ----- 2010 йил

О.А. Алмирзаев, Т.А.Жураев

Техник олий ўқув юртлари барча йўналиш ва курс талабалари учун
француз тили морфологиясига оид услубий қўлланма

Тошкент – 2010

Ушбу услубий қўлланма техник олий ўқув юртлари талабалари: бакалаврлар, магистрлар, аспирантлар ҳамда мустақил равишда француз тилини ўрганишни олдига мақсад қилиб қўйган шахсларга мўлжалланган.

Қўлланма мақсади – француз тилини ўрганаётган барча ўқувчиларга француз тили сўз туркумларини ўзбек тили билан таққослаган ҳолда ўрганиб чиқиб, француз тилида жумлаларни тўғри тузишда ва таржима қилишда ёрдам беришдан иборат.

Тузувчилар: О.А. Алмирзаев – асс.;

Т.А. Жураев – асс.

Тақризчилар: Т. Олтиев – ЎзДЖТУ иккинчи чет тиллари кафедраси доценти;

Г.Ш. Мухитдинова – ф.ф.н., доц.

Кириш

Ушбу услубий қўлланма ҳозирги замон француз тили грамматикасининг мураккаб қисми ҳисобланган морфология бўлими бўйича асосий маълумотларни ўз ичига қамраб олган.

Бу қўлланма асосан техник олий ўқув юртлари кенг аудиториясига: бакалаврлар, магистрлар, аспирантлар, ҳамда мустақил равишда француз тилини ўрганишни олдида мақсад қилиб қўйган шахслар учун мўлжалланган.

Муаллифлар бу қўлланманинг асосан амалий машғулотларда қўлланилишини ҳисобга олиб, француз тили сўз туркумларини ўзбек тили сўз туркумлари билан таққослаган ҳолда чуқур ўрганиб чиқиб, грамматик қоидаларни мисоллар ёрдамида атрафлича ёритиб беришга ҳаракат қилдилар. Француз тилини қиёсий аспектда ўрганиш ҳар икки тилнинг умумий ва хусусий томонларини аниқ тасаввур қилишга имкон беради, чунки француз тили аналитик тенденциялар ривожланган тиллар тизимида, ўзбек тили эса агглютинатив тиллар гуруҳига киради.

Ушбу қўлланмани тузишда қўлланмага қуйида келтирилган ҳозирги замон француз тили амалий грамматик асарлари асос қилиб олинди ва қатор луғатлардан фойдаланилди. Қўлланмада француз тилини ўрганишда қийинчилик туғдирадиган барча грамматик муаммолар мисоллар ёрдамида кенг ёритиб берилди.

Морфология

От (Nom ёки Substantif)

Отларда род (Genre des noms)

От ўзбек, француз ва рус тилларида 6 та мустақил сўз туркумларидан бири ҳисобланади. (Сўз туркумлари асосан анъанавий грамматика бўйича ўзбек, рус ва француз тилларида 10 та деб қабул қилинган: шундан 6 таси мустақил, 3 таси ёрдамчи ва ундов).

Француз тилида отлар иккита родга эга: мужской род (masculin) ва женский род (féminin). Ўзбек тилида эса отларда деярли род белгиси бўлмайди. Фақат киши исмларида Карим-Карима, Ҳалим-Ҳалима, Салим-Салима ва ҳоказоларда **-а** товуши қўшилиши ёрдамида род белгиси ажралиб туради.

Француз тилида отнинг ёзилишидаги шакли отнинг қайси родга мансублигини аниқлаб бера олмайди. Масалан: table – *стол* женский родга тегишли от, sable – *қум* эса мужской родга тегишли. Француз тилида отлар родини аниқлашда артиклар ва олмошли сифатлар (детерминативлар) қўлланилади:

le livre – *китоб* мужской род

la porte – *эшик* женский род.

Қатор ҳолларда шахсларнинг, ҳайвонларнинг жинсига қараб ҳам роди белгиланади:

le père – *ота* мужской род

la mère – *она* женский род

le mouton – *қўчқор* мужской род

la brebis – *қўй* женский род.

Жонсиз предметларни англатувчи қатор отларда род категорияси шаклий ҳисоблансада, айрим қоидалар мавжуд.

I. Женский родга мансуб отлар:

1. Қуйидаги суффикслар билан тугаган отлар: *-ade, -aie, -ande, -aille, -aine, -aison, -ille, -ison, -ation, -ition, -sion, -otion, -asse, -ance, -ée, -ence, -esse, -elle, -ette, -ie, -ière, -ise, -ure*:

la barricade, la chênaie, une offrande, la ferraille, la douzaine, la pendaison, la guérison, la fondation, la passion, une émotion, la paperasse, la souffrance, la poignée, une exigence, la finesse, la ruelle, la fillette, la causerie, la brindille, la gourmandise, la bonté, la morsure.

2. Касаллик номларини англатувчи отлар:

la grippe, la typhoïde, la bronchite каби (le choléra, le diabète, l'emphysème, le rhume, l'arthritisme каби мужской роддаги касаллик номларини англатувчи отлар бундан мустасно);

3. Фан ва санъатга оид сўзлар:

la médecine, la politique, la mathématique, la peinture, la musique каби.

4. Е ҳарфи билан тугалланган мамлакат номлари:

La France, La Russie (Le Cambodge, Le Mozambique, Le Mexique лардан ташқари);

5. Меваларга оид сўзларда:

la pomme, la poire, la pêche (un abricot, le citron, le melon кабилар бундан мустасно).

II. Мужской родга мансуб отлар:

1. Қуйидаги суффикслар билан тугаган отлар: *-age, -ail, -ard, -as, -at, -ament, -ier, -et, -ement, -in, -is, -isme, -on, -oir, -oire*:

le plumage, le vitrail, le poignard, le plâtras, le testament, un oranger, le cordonnier, un achat, le logement, le bâtiment, le coffret, le rondin, le roulis, le coupon, le miroir, le laboratoire.

2. Дарахтларнинг, металлларнинг, кимёвий элементларнинг номларини англатувчи отлар:

le chêne, le tilleul, le fer, le cuivre, le plomb каби;

3. Кунлар, ойлар, ва йил фаслларининг номларини англатувчи отлар:

le lundi, le mardi, un avril, le printemps;

4. Мамлакатлар номларини англатувчи отлар:

le Kazakhstan, l'Ouzbékistan, le Congo, le Ghana, le Vietnam;

5. Сифатлардан ҳосил бўлган отлар:

le bleu, le vrai, le français (à la russe=la manière russe иборалари бундан мустасно);

6. Феълнинг ноаниқ шаклидан ҳосил бўлган отлар:

le dîner, le souvenir;

7. Равиш ва предлоглардан ҳосил бўлган отлар:

le bien, le devant de l'armoire.

Отларда женский роднинг ҳосил бўлиши (Formation du féminin des noms)

I. Қўшимчанинг ўзгариши натижасида женский роднинг ҳосил бўлиши. Одатда женский родни ҳосил қилиш мужской роддаги отга талаффуз қилинмайдиган **-е** ҳарфини қўшиш натижасида рўй беради. Бунда қуйидаги ҳоллар юз беради:

1. Мужской роддаги отлар талаффуз қилинадиган унли ёки ундош билан тугаса, женский род ҳосил қилиш учун ўқилмайдиган **-е** ҳарфи қўшилганда, талаффузда ўзгариш рўй бермайди:

un ami – *дўст*

un Espagnol – *испан*

une amie – *дўгона*

une Espagnole – *испан аёли*

2. Мужской роддаги отлар талаффуз қилинмайдиган ундош билан тугаган бўлса, женский род ҳосил қилиш учун ўқилмайдиган **-е** қўшилганда, талаффузда ўзгаришлар рўй беради:

un Français – *Француз*, une Française – *Француз аёли*;

un parent – *қариндош*, une parente – *қариндош аёл*;

un frère cadet – *ука*, une soeur cadette – *сингил*;

un écolier – *мактаб ўқувчиси*, une écolière – *мактаб ўқувчиси (қиз бола)*;

un voisin – *қўшни*, une voisine – *қўшни (аёл киши)*;

3. Мужской родда **-х** ҳарфига тугаган отлар ўқилмайдиган **-е** ҳарфи қўшилганда, **х -se** га айланади:

un époux – *турмуш ўртоғи* (мужской род), une épouse – *турмуш ўртоғи* (женский род);

4. Мужской родда **-f** ҳарфи билан тугаган отларга **-е** ҳарфи қўшилганда, **f -v** га айланади:

un veuf – *бева* (мужской род), une veuve – *бева аёл* (женский род);

II. Махсус суффикслар ёрдамида женский роднинг ҳосил бўлиши.

1. Мужской родда **-eur** суффиксга тугаган отлар женский родга айлантирилганда, **-euse** шаклини олади:

un menteur – *алдоқчи* (мужской род), une menteuse – *алдоқчи аёл* (женский род);

un danseur – *раққос*, (мужской род), une danseuse – *раққоса* (женский род);

un vendeur – *сотувчи* (мужской род), une vendeuse – *сотувчи аёл* (женский род);

2. Мужской родда **-teur** суффикси билан тугаган отлар женский родга айлантирилганда, **-trice** шаклини олади:

un institut**teur** – мактаб ўқитувчиси (мужской род),

une institut**rice** – мактаб ўқитувчиси (женский род);

un act**eur** – актёр (мужской род),

une act**rice** – актриса (женский род).

3. Мужской родда **-e** ҳарфи билан тугаган отлар женский родга айлантирилганда, **-esse** суффикси кўринишини олади:

un poète – шоир (мужской род),

une poète**sse** – шоира (женский род);

un tigre – шер (мужской род),

une tigre**sse** – шер (женский род).

4. Мужской родда **-eau** суффикси билан тугаган отларнинг женский роди **-elle** кўринишига айланади:

un chame**au** – туя (мужской род),

une cham**elle** – туя (женский род).

III. Артикл ёрдамида женский роднинг ҳосил бўлиши.

Мужской родда талаффуз қилинмайдиган **-e** ҳарфига тугаган қатор отларнинг женский роди артикль ёрдамида ажралиб туради, иккала родда ҳам от бир шаклга эга бўлади:

un artiste – артист (мужской род),

une artiste – артист (женский род),

un pianiste – пианиначи (мужской род),

une pianiste – пианиначи (женский род).

IV. Айрим мужской роддаги отларнинг женский роди махсус сўзлар ёрдамида ифодаланади:

le mari – эр

le coq – хўроз

la femme – хотин

la poule – товуқ

le frère – ака (ёки ука)

le boeuf – буқа, ҳўкиз

la soeur – она (ёки сингил)

la vache – сизир

V. Қасбни, миллатни англатувчи айрим отларнинг махсус женский род шакли йўқ, баъзан бу отларга **femme** сўзи қўшиб айтилади:

Cette **femme** est un bon professeur. Бу аёл яхши ўқитувчи.

Un professeur **femme**. Ўқитувчи аёл.

Une **femme** professeur. Аёл ўқитувчи.

Отларда сон (Nombre des noms)

Француз тилида, бошқа тиллардаги каби, отлар кўпликда ва бирликда қўлланилади:

un garçon – *бола*, des garçons – *болалар*;

un livre – *китоб*, des livres – *китоблар*.

1. Француз тилида қатор отлар фақат кўпликда қўлланилади:

Les archives – *архивлар*, les lunettes – *кўз ойнаклар*.

2. Нарсалар ва мавҳум тушунчаларни англатувчи отлар одатда бирликда ўз ифодасини топади, кўпликда қўлланилганда эса шу отлардан тайёрланган нарсаларни ёки мавҳум тушунчанинг бошқача кўринишини англатади:

le cuivre – *мис*, les cuivres d'une orchestre – *оркестрнинг мисдан ясалган асбоби*;

la peinture – *бўёқли расм*, des peintures – *рангба-ранг бўёқли расмлар*;

la profondeur (de la mer) – *чуқурлик (денгизнинг)*

des profondeurs – *чуқур жойлар* ва ҳ.к.

3. Баъзи бир бирликдаги отлар кўпликда бошқача маънони англатиш ҳоллари ҳам рўй беради:

le ciseau – *кесгич*, les ciseaux – *қайчи*

la lunette – *дурбин*, les lunettes – *кўз ойнак*

la lumière – *шуъла*, les lumières – *билимлар*

le papier – *қоғоз*, les papiers – *ҳужжатлар*

la vacance – *вакансия (бўш ўрин)*, les vacances – *каникуллар* ва ҳ.к.

Отларда кўплик (сон)нинг ҳосил бўлиши

1. Одатда отларда кўплик бирликдаги отларга **-s** ҳарфини қўшиш йўли билан ҳосил бўлади:

un enfant – *бола*, des enfants – *болалар*

un livre – *китоб*, des livres – *китоблар*.

2. Бирликда **-s**, **-x**, **-z**, **-al**, **-ail**, **-au**, **-eau**, **-eu**, **ou** га тугаган отлар кўпликда:

а) бирликда **-s**, **-x**, **-z** ҳарфлари билан тугаган отлар кўпликда ўзгармайди:

le pays – *мамлакат*, les pays – *мамлакатлар*,

le nez – *бурун*, les nez – *бурунлар*,

la voix – *товуш*, les voix – *товушлар*,

б) бирликда **-al** га тугаган отлар кўпликда **-aux** қўшимчасини олади:

le cheval – *от*, les chev**aux** – *отлар*,
le journal – *газета*, les jour**naux** – *газеталар*

Эслатма: айрим отлар бундан мустасно, улар кўпликда **-s** қўшимчасини олади:
le bal – les bals, le cal – les cals, le carnaval – les carnivals,
le cérémonial – les cérémonials, le céréa – les céréals, le chacal – les chacals,
le choral – les chorals, le festival – les festivals, le narval – les narvals,
le récital – les récitals, le régal – les régals.

в) бирликда **-ail** билан тугаган отларда кўплик одатда **-s** ҳарфини қўшиш йўли билан ҳосил бўлади:

le rail – *рельс*, les rail**s** – *рельслар*,
l'éventail – *елнигич*, les éven**tails** – *елнигичлар*,

(Куйидаги отлар мустасно сифатида кўпликда **-aux** қўшимчасини олади:

le bai – les ba**ux**, le corail – les cor**aux**, l'email – les éma**ux**,
le travail – les trava**ux**, le vantail – les vanta**ux**,
le vitrail – les vitra**ux**, le soupirail – les soupira**ux**);

г) бирликда **-au**, **-eau**, **-eu** билан тугаган отлар кўпликда **-x** қўшимчасини олади:

le tuyau – *труба (қувур)*, les tuyau**x** – *трубалар (қувурлар)*,
le chapeau – *шляпа*, les chapeau**x** – *шляпалар*,
le cheveu – *соч*, les cheveu**x** – *сочлар*.

(Шу типдаги баъзи бир отлар мустасно сифатида кўпликда **-s** ҳарфини олади:

le bleu – les bleu**s**, le pneu – les pneu**s**, le landau – les landau**s**);

д) бирликда **-ou** билан тугаган отлар кўпликда **-s** ҳарфини олади:

le clou – *мих*, les clou**s** – *михлар*,
le trou – *тешик*, les trou**s** – *тешиклар*.

(Айрим отлар бундан мустасно, кўпликда **-x** ҳарфини олади:

le bijou – les bijou**x**, le caillou – les caillou**x**, le chou – les chou**x**,
le genou – les genou**x**, le joujou – les joujou**x**, le pou – les pou**x**).

3. Le ciel – *осмон*, l'aïeul – *аждод*, l'œil – *кўз* каби француз тилидаги отлар кўпликда куйидаги шаклни олади:
le ciel – les cie**ux**, l'aïeul – les aïeu**x**, l'œil – les yeu**x**.

Мураккаб отларда кўплик (сон)нинг ҳосил бўлиши (Formation du pluriel des noms composés)

1. Мураккаб отларда кўплик одатдаги йўл билан ҳосил бўлади:
le gendarme – *жандарм*, les gendarmes – *жандармлар*,
le portemanteau – *осгич*, les portemanteaux – *осгичлар*.

(Айрим отлар бундан мустасно: monsieur – messieurs, madame – madames, mademoiselle – mademoiselles, le bonhomme – les bonhommes, le gentilhomme – les gentilhommes).

2. Икки ва ундан ортиқ сўзлардан ташкил топган мураккаб отларда:

а) иккита отдан (**от+от**), сифат ва отдан (**сифат+от**) ва иккита сифатдан (**сифат+сифат**) ташкил топган мураккаб отларнинг иккала элементи ҳам кўпликда **-s** қўшимчасини олади:

le wagon-restaurant – *вагон ресторан*,
les wagons-restaurants – *вагон ресторанлар*,
la basse-cour – *орқа ҳовли*,
les basses-cours – *орқа ҳовлилар*,
le sourd-muet – *гунг (кар-соқов)*,
les sourds-muets – *гунглар (кар-соқовлар)*

б) феъл ва отдан (**феъл+от**) ташкил топган мураккаб отларда феъл ўзгаришсиз қолади, от эса кўплик қўшимчасини олади:

la monte-charge – *юк кўтаргич*,
les montes-charges – *юк кўтаргичлар*,
le couvre-lit – *кароват ёпинчиги*,
les couvre-lits – *кароват ёпинчиқлари*

в) равиш ёки предлог ва отдан ташкил топган мураккаб отларда ҳам фақат от кўплик қўшимчасини олади:

l'avant-poste – *олдинги пост (соқчи турадиган жой)*,
les avant-postes – *олдинги постлар (соқчи турадиган жой)*,
l'haut-parleur – *радиокарнай*,
les haut-parleurs – *радиокарнайлар*

г) ҳар хил сўз туркумларидан ташкил топган фразеологик бирикмани ташкил этувчи мураккаб отлар эса кўпликда ўзгармайди:

la tête-à-tête – *les tête-à-tête*
le va-et-vient – *les va-et-vient*
l'oui et le non – *les oui et les non* ва ҳ.к.

Артикль (Article)

Артикль ёрдамчи сўз бўлиб, отдан олдин қўлланилади ва унинг родини, сонини, аниқ ёки ноаниқ эканлигини кўрсатади.

Француз тилида отлардан олдин артиклар қўлланилиши шарт. Қатор ҳолларда артикл тушиб қолдирилади.

Артиклар учта кўринишда бўлади:

Аниқ артикль (**article défini**)

Ноаниқ артикль (**article indéfini**)

Қисмни билдирувчи артикль (**article partitif**)

Аниқ артикль (Article défini)

I. Аниқ артикль шакллари

	Мужской род	Женский род
Бирлик	le, l'	la, l'*
Кўплик	les	

Мужской род бирликдаги аниқ артикль **le** ва иккала род учун ҳам кўпликдаги **les** ўзларидан олдин келадиган **à** ва **de** предлоглари билан туташиб кетиб, туташ артикларни ҳосил қилади (articles contractés).

артикль \ предлог	à	de
le	au	du
les	aux	des

Je vais (à+le) *au* cinéma. *Мен кинога борапман.*

La porte (de+le) *du* magasin est ouverte. *Магазиннинг эшиги очик.*

Il explique la règle (à+les) *aux* étudiants. *У қонидани талабаларга тушултириб берапти.*

Il parle (de+les) *des* films. *У фильмлар тўғрисида гапириб берапти.*

Эслатма: **la** ва **l'** артикларни предлоглар билан туташмайди.

Je vais à la maison. *Мен уйга кетяпман.*

Il est à l'institut. *У институтда.*

*Бундай артикль элиде қилинган қисқартирилган артикль деб юритилади. Бу шаклни артикль унли ҳарф ёки ўқилмайдиган **h** билан бошланувчи отлардан олдин олади (-**e** ёки -**a** унлисининг тушиб қолиш ҳодисаси рўй беради):

l'ouvrier (m), l'heure (f), l'homme (m), l'histoire (f)

II. Аниқ артиклнинг қўлланилиши

Аниқ артикль қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

1) табиатан танҳо, битта предметни билдирувчи отлардан олдин:

le soleil – *қуёш*, la lune – *ой*, le ciel – *осмон*;

2) умумий кўринишда олинган тирик жонзотлар, нарсалар, предметларни англатувчи отлардан олдин:

L’homme est intelligent. *Одам ақлидир.*

Elle aime les fleurs.

У (*қиз ёки аёл киши*) гулларни севади.

Le fer, le cuivre sont des métaux.

Темир, мис металл ҳисобланади.

La patience est une bonne qualité.

Сабрлилик яхши хусусият ҳисобланади.

3) суҳбатлашаётган кишилар учун контекст бўйича аниқ бўлган ёки шу вазиятда битта ҳисобланган отлардан олдин:

Passez-moi le sel, s’il vous plaît. *Марҳамат қилиб тузни узатиб юборинг.*

Où avez-vous mis le livre? *Китобни қаерга қўйдингиз?*

Parlez-moi du voyage que vous avez fait. *Қилган саёҳатингиз тўғрисида сўзлаб беринг.*

Le livre de Salim. *Салимнинг китоби.*

J’entre ma chambre et ouvre la fenêtre. *Хонамга кираман ва деразани очаман.*

Ноаниқ артикль (Article indéfini)

Ноаниқ артикль шакллари:

Бирлик	Мужской род	Женский род
	un	une
Кўплик	des	

Ноаниқ артиклнинг қўлланилиши

Ноаниқ артикль қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

1) биринчи марта тилга олинаётган шахс ва предметларни англатувчи отлардан олдин:

Un homme entre dans la salle.

Қандайдир бир киши хонага кирапти.

C’est un homme grand et maigre.

Бу киши барваста ва озгин.

2) бир ёки бир неча бир-бирига ўхшаш бўлган предметларни билдирувчи отлардан олдин:

Donnez-moi un cahier et un crayon.

Менга дафтар ва қалам беринг.

À l'école on a besoin d'un professeur du français.

Мактабга француз тили ўқитувчиси керак.

Sur la table il y a des livres.

Столнинг устида китоблар бор.

3) отнинг сифатларидан бирини кўрсатувчи аниқловчига эга бўлган отлардан олдин:

Un petit banc. *Кичкина ўриндиқ.*

Un avril pluvieux. *Ёмғирли апрель.*

Il fait un vent violent. *Кучли шамол эсмоқда.*

Қисмни билдирувчи артикль (Article partitif)

I. Қисмни билдирувчи артиклнинг шакллари

сон \ родлар	Мужской род	Женский род
Бирлик	du, de l'	de la, de l'
Кўплик	-	

II. Қисмни билдирувчи артиклнинг қўлланилиши

1. Қисмни билдирувчи артикль қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

а) санаб бўлмайдиган отлардан олдин, нарсаларнинг ноаниқ миқдорини кўрсатишда:

Je mange du pain. *Мен нон еяман.*

Je bois de l'eau. *Мен сув ичаман.*

б) мавҳум тушунчани англатувчи отлардан олдин:

Il a du courage. *У жасоратли.*

Ce travail exige de la patience. *Бу иш сабр-тоқат талаб қилади.*

2. Қисмни билдирувчи артикль қуйида берилган типдаги қатор сўз бирикмаларида қўлланилади:

faire de la musique – *музыка билан шуғуланмоқ*

faire du sport – *спорт билан шуғуланмоқ*

mettre de l'ordre dans qch – *бирор нарсада тартиб ўрнатмоқ.*

Бундан ташқари, табиат ҳодисаларини англатувчи шахссиз ибораларда:

il fait du vent – *шамол эсиб турибди*

il y a de la pluie – *ёмғир ёғиб турибди*

De артикли ва предлоги (Article et préposition de)

1. От олдидан сифат келганда, **des** ноаниқ артикли ўрнида **de** предлоги қўлланилади:

de grands arbres – *катта дарахтлар*

d'autres livres – *бошқа китоблар*

Эслатма: Агар сифат+от типдаги бирикмалар бир маънони англатса, улар олдидан ноаниқ артикль сақланиб қолади:

des jeunes gens – *ёшлар*

des petits enfants – *неваралар*

des petits fours – *печеньелар*

2. Отнинг сонини, сиғимини билдирувчи равишлар отдан олдин келганда, улар орасига **du, de la, des** артикллари ўрнида **de** предлоги қўлланилади:

beaucoup de livres – *кўп китоблар*

peu d'attention – *оз (кам) эътибор*

un tas de journaux – *бир талай газеталар*

une verre d'eau – *бир стакан сув*

un groupe d'enfants – *бир гуруҳ болалар*

un kilo de pain – *бир кило нон*

Эслатма: **bien** равишидан кейин (кўп маъносида) ва **la plupart, la moitié, une partie, le reste** отларидан кейин ҳам артиклар мустасно сифатида сақланиб қолади:

bien des fautes – *кўплаб хатолар*

la plupart des étudiants – *талабаларнинг кўпчилиги*

la moitié de groupe – *гуруҳ ярмиси*

une partie du pain – *ноннинг бир қисми*

le reste du temps – *қолган вақт*

3. **Un, une, des** ноаниқ артикллари ва қисмни билдирувчи **du, de la** артикллари ўрнида инкор (бўлишсиз) маъносини англатувчи гапларда, яъни агар инкор абсолют характерга эга бўлса, **ne ... pas** инкор юкламасидан кейин **de** предлоги қўлланилади:

J'ai une montre. *Менинг соатим бор.*

Je n'ai pas de montre. *Менинг соатим йўқ.*

Je fais des fautes. *Мен хато қиламан.*

Je ne fais jamais de fautes. *Мен ҳеч қачон хато қилмайман.*

Je mange du pain. *Мен нон ейман.*

Je ne mange pas de pain. *Мен нон емайман.*

Эслатма: *ce n'est pas, ce ne sont pas* ибораларидан сўнг **un, du, de la, des** артикллари сақланиб қолади:

Ce n'est pas un livre. Бу китоб эмас.

Ce ne sont pas des pommes. Булар олма эмас.

Ce n'est pas du vin, ni de l'eau. Бу вино ҳам эмас, сув ҳам эмас

Артиклнинг атоқли отлар олдида қўлланилиши

1. Географик номларни билдирувчи, яъни қитъалар, мамлакатлар, вилоятлар, катта ороллар, тоғлар, океанлар, денгизлар, кўллар, дарёлар номлари каби отлардан олдин ҳар доим аниқ артикль қўлланилади:

L'Europe, La France, La Corse, Les Alpes, Le Pacifique, La Méditerranée, La Seine.

(Cuba, Chypre, Madagascar, Formose ороллари ва бошқалар бундан мустасно).

2. Шаҳарлар номларидан олдин ва шахсларни англатувчи атоқли отлардан олдин артикль қўйилмайди:

Paris, Nice, Pierre, Monsieur Durand

Эслатма: агар атоқли отлар ёнида аниқловчи ёки тўлдирувчи бўлса ёки қачонки артикль отга қўшилиб кетган бўлса, артикль қўлланилади:

Le Paris du XVII^e siècle. Le vieux Nice, Le Havre, La Havane; le petit Pierre, le célèbre Pasteur, Monsieur Legrand.

3. Кўпликдаги аниқ артикль кишилар фамилиясидан олдин қўйилса, шу фамилиядаги бутун оила аъзоларидан бирини англатади:
les Durand – Дюран оиласи

C'est un Durand, une Durand – Дюран оиласи аъзоси

Аниқ, ноаниқ ёки қисмни билдирувчи артикллarning таниқли мусаввирлар, композиторлар, ёзувчилар ва ҳоказо отларидан олдин қўлланилиши улар асарларининг номларини англатади:

Venez voir les Matisse de ma collection.

Менинг коллекциямга Матислар чизган расмларни кўргани келинг.

Je possède un Balzac complet.

Менда Бальзакнинг тўлиқ асарлар тўплами бор.

Ce théâtre joue du Molière et du Racine.

Бу театрда Мольер ва Расин пьесалари қўйилади.

Артиклнинг тушиб қолдирилиши (Omission de l'article)

Артикль қуйидаги ҳолларда қўлланилмайди:

1) отлардан олдин артикль ўрнида қўлланувчи детерминативлар (кўрсатиш, эгалик, сўроқ, баъзи бир ноаниқ сифатлар, сонлар) қўйилганда:

ce livre – бу китоб

mes livres – менинг китобларим

quel livre? – қайси китоб?

chaque livre – ҳар бир китоб

trois livres – учта китоб

2) ҳафта кунлари, ой номларини англатувчи сўзлардан ҳамда **midi, minuit** сўзларидан олдин:

Aujourd'hui nous sommes lundi.

Бугун бизда душанба кун.

Décembre sera froid. Декабр совуқ бўлади.

À midi nous avons une réunion.

Соат ўн иккида бизнинг мажлисимиз бор.

3) мурожаат қилганда:

Camarades, soyez attentifs! Ўртоқлар диққат қилинг!

4) муассаса эшиги ва деворларидаги ёзувлардан, номлардан, манзиллардан олдин:

Manuel de français. Француз тили дарслиги.

Vente de timbres-poste. Почта маркалари савдоси.

Rue Navoï 10. Навоий кўчаси 10-уй.

5) мақоллардан, ўхшатишлардан олдин:

Pauvreté n'est pas vice.

Камбағалликнинг айби йўқ (камбағаллик айб эмас).

Blanc comme neige. Қордек оппоқ.

6) баъзан отлар саналганда:

Rivières, vallées, lacs et cascades, voilà le Jura.

Дарёлар, водийлар, кўллар ва шаршара, мана Юра тоғининг қанақалиги.

7) илова қилинган отлардан олдин:

Paris, capitale de la France. Париж – Франциянинг пойтахти.

8) телеграф стилида:

Reçu colis, lettre suit. Посилка олинди, хат юборилди.

9) **avoir, prendre, donner, perdre, faire, rendre** феъллари билан ибора ташкил қилган отлардан олдин:

avoir sommeil – *уйқу келмоқ*
 prendre congé de – *хайрлашмоқ*
 donner raison à – *билан бир қарорга келмоқ*
 perdre connaissance – *ҳушидан кетмоқ*
 faire peur – *қўрқитмоқ*
 rendre justice à – *ҳақиқатни рўёбга чиқармоқ*

Эслатма: 1. Агар отнинг ёнида аниқловчиси бўлса, артикль сақланиб қолади:
 prendre part à qch – *бирор нарсада қатнашмоқ (иштирок этмоқ)*
 prendre une part active – *фаол қатнашмоқ*
 2. Баъзан артиклнинг қўлланилиши иборанинг маъносини ўзгартириб юборади:
 faire feu – *отмоқ (қуролдан)*
 faire le feu, du feu – *ўт, олов ёқмоқ*

10) **предлог+от** бирикмаларида агар от бошқа бир от аниқловчиси вазифасида келса (бу асосан **de, à, en** предлоглари билан содир бўлади):

une table de bois – *ёғоч стол*
 une voix de femme – *аёл овози*
 une tasse à café – *кофе чашқаси*
 un moulin à vent – *шамол тегирмони*
 une robe en soie – *ипак (шойи) кўйлак*
 un poème en prose – *прозаик поэма*
 une vie sans soucis – *беташвиш ҳаёт*

11) **предлог+от** бирикмаси равиш вазифасида келганда:

à pied – *яёв (пиёда)*
 avec plaisir – *жон деб (жоним билан, бажонидил)*
 sans peine – *меҳнатсиз, машаққатсиз*
 contre nature – *табиатга қарши*
 à haute voix – *баланд овозда*
 par coeur – *ёддан*
 avec patience – *сабр (тоқат) билан*
 sous clé – *қулфланган*

10 ва 11 пунктларда агар от ёнида аниқловчиси бўлса, артиклнинг қўлланилиши ҳоллари ҳам рўй бериши мумкин:

Une table de bois. *Ёғоч стол.*

Une table d'un bois très dur. *Қаттиқ ёғочдан ясалган стол.*

Avec patience. *Сабр (тоқат) билан.*

Il supporte ce malheur avec une patience étonnante.

У бу оғриққа чидамлилиқ билан тоқат қилди.

En предлогидан кейин от одатда артиклсиз қўлланилади:
en route – йўлда
en France – Францияда
être en prison – қамоқда бўлмоқ
en été – ёзда

Қуйидаги иборалар бундан мустасно:
en l'honneur – кимнингдир шарафига, en l'air – ҳавода,
en l'absence – йўқлигидан, en l'occurrence – бу ҳолда

12) касбни, доимий машғулоти билдирувчи гапда от кесим бўлиб келган отлардан олдин:

Salim est étudiant. Салим – талаба.

Il est professeur. У ўқитувчи.

Лекин: Il est le professeur de mon fils. У ўғлимнинг ўқитувчиси.

Il est un bon professeur. У яхши ўқитувчи.

13) ўзларидан кейин **de** предлогини талаб қилувчи феълнинг ўтган замон сифатдоши ва сифатлардан сўнг ҳам отлар олдида артикль қўйилмайди:

Феъллар: couvrir – қопламоқ, orner – безамоқ, entourer – ўраб олмоқ, border – ҳошияламоқ, planter – ўтқазмоқ (кўчат), remplir – тўлдирмоқ, pleurer – йиғламоқ (бирор нарсадан), mourir – ўлмоқ (бирор нарсадан), avoir besoin – (бирор нарсага) муҳтож бўлмоқ, plein – тўла ва ҳ.к.:

La terre est couverte de neige. Ер қор билан қопланган.

Elle pleure de joie. У хурсандчилигидан йиғлаяпти.

Tu as besoin d'argent. Сен пулга муҳтожсан.

Les rues sont pleines de monde. Кўчалар одамлар билан тўла.

Эслатма : Агар отнинг ёнида аниқловчиси ёки тўлдирувчиси бўлса, артикль сақланиб қолади:

La bouteille est pleine d'un vin rouge. Шиша қизил винога (вино билан) тўла.

Elle pleure de la joie de me voir. У мени кўриб, хурсанд бўлганлигидан йиғлаяпти.

Il a besoin de l'aide de ses amis. У дўстларининг ёрдамига муҳтож.

Сифат (Adjectif)

Ҳозирги замон француз тили грамматикасида қуйидаги сифат турлари мавжудлиги таъкидланади: **аслий, нисбий, кўрсатиш, эгалик, сўроқ ва ноаниқ** сифатлар.

Аслий ва нисбий сифатлар

Аслий сифатлар тўғридан-тўғри жонли ва жонсиз предметларнинг белгисини, хусусиятини ва сифатини билдиради: grand – *катта*, rond – *думалоқ*, blanc – *оқ*, froid – *совуқ*, adroit – *чаққон* каби.

Нисбий сифатлар эса жонли ва жонсиз предметларнинг белгисини тўғридан-тўғри билдирмасдан, бошқа бирор бир предмет, тушунчалар орқали ва уларга нисбатан билдиради, шунинг учун ҳам улар нисбий сифатлар деб аталади:

national – *миллий*, scolaire – *мактабга оид*, enfantin – *болаларга оид*, petrolier – *нефтга оид*, grammatical – *грамматикага оид*, matinal – *эрталабки* каби.

Аслий сифатлар нисбий сифатлардан фаркли ўлароқ гапда кесим вазифасида келиши ва сифат даражаларига эга бўлиши мумкин.

Сифатларда род (Genre des adjectifs)

1. Мужской родда ўқилмайдиган **-е** ҳарфига тугаган сифатлар женский родда ўзгармайди:

un devoir difficile – *қийин вазифа*

une tâche difficile – *қийин топшириқ*

Бундай сифатларга **-ible, -able, -uble, -ique, -aire** суффиксларига тугайдиган сифатлар ҳам киради:

comestible – *еб бўладиган, ширин, мазали*

capable – *қобилиятли*

soluble – *эрийдиган*

militaire – *ҳарбий*

Родда ўзгармайдиган сифатларга яна бошқа сўз туркумларидан ҳосил бўлган сифатлар ҳам киради:

un homme bien – *яхши одам*

un femme bien – *яхши аёл*

un velours marron – *жигарранг бархат*

une étoffe marron – *жигарранг мато (материал)*

2. Баъзи бир сифатлар фақат битта от билан қўлланилади, у от билан турғун бирикма ҳосил қилади. Бундай сифатлар бирикма ҳосил қилган отлар қайси родда бўлса, ўша родда қўйилади:

un nez aquilin – *қирғий бурун*

un hareng saur – *дудланган селедка*

une porte cochère – *дарвоза*
bouche bée – *ҳайратдан очилиб қолган оғиз.*

Сифатларда женский роднинг ҳосил бўлиши (Formation du féminin des adjectifs)

I. Одатда сифатларда женский род мужской род шаклига ўқилмайдиган **-е** ҳарфини қўшиш йўли билан ҳосил бўлади, бунда қуйидаги ҳоллар учрайди:

1. Мужской родда ўқиладиган унли ёки ундошга тугаган сифатларга ўқилмайдиган **-е** ҳарфини қўшиб женский род ҳосил қилинганда, талаффузда ўзгариш рўй бермайди:

poli, polie – *хушмуомала*

vrai, vraie – *ҳақиқий*

fier, fière – *мазрур*

loyal, loyale – *қонунга риоя қиладиган, виждон билан.*

Эслатма: қатор сифатлар талаффузда фарқ қилмасада, ёзувда фарқ қилади:

а) **-el, -eil, -l, -et** га тугаган сифатларда охиридаги ўқилмайдиган **-l** дан олдин **-l, -t** ҳарфлари икки марта такрорланади:

cruel, cruelle – *баджаҳл*

pareil, pareille – *-га ўхшаш*

nul, nulle – *ҳеч қандай*

net, nette – *равшан (аниқ)*

б) мужской родда **-с** ҳарфига тугаган сифатлар женский родда **-с** ҳарфи ўқилмайдиган **-е** дан олдин **qu** га айланади:

turc, turque – *туркиялик*

public, publique – *жамоатчилик*

Grec (*грециялик*) – сифати женский родда **grecque** деб ёзилади:

в) **-gu** га тугаган сифатлар женский родда **-е** ҳарфи устига трема (**-ë**) белгисини олади:

aigu, aiguë – *ўткир*

contigu, contiguë – *аралаш (қўшилган)*

2. Мужской родда ўқилмайдиган ундошга тугаган сифатларда женский родда ўқилмайдиган **-е** ҳарфи қўшилганда, талаффузда ва ёзувда баъзи бир ўзгаришлар рўй беради:

а) охирги ундош ўқила бошлайди, аммо ундан олдинги унлининг сифати ўзгармайди:

grand, grande – *катта*

petit, petite – *кичик (кичкина, майда)*

Эслатма: **-s** ва **-et** га тугаган қатор сифатлардаги женский родда ўқилмайдиган **-е** дан олдин ундошлар такрорланади:

gras, grasse – *ёғли*

muet, muette – *гунг*

Аммо куйидаги сифатларда ундошларнинг такрорланиши ҳодисаси рўй бермайди:

inquiet, inquiète; concret, concrète; secret, secrète; complet, complète; discret, discrète; désuet, désuète; replet, replète

б) баъзи сифатларда женский родда ундошнинг ўқилиши туфайли ундан олдинги унлининг талаффузида ўзгариш рўй беради, яъни ёпиқ унли очик унли бўлиб талаффуз қилинади.

sot, sotté – *аҳмоқ, тентак, жинни*

manchot, manchote – *бир қўлли*

idiot, idiote – *ақли заиф*

léger, légère – *енгил*

dernier, dernière – *охирги, сўнгги*

в) женский родда **-n** ундоши ўқилиши натижасида бурун товуши ўз хусусиятини йўқотади:

plan, plane – *текис*

brun, brune – *жигарранг*

lointain, lointaine – *узоқлашган*

Эслатма: куйидаги сифатларда **-n** ҳарфи женский родда такрорланади:

bon, bonne – *яхши*

italien, italienne – *италиялик*

paysan, paysanne – *деҳқонга оид*

г) **-x** ҳарфига тугаган сифатлар женский родда **-x** ҳарфини **-sse**, **-ce**, **-se** га ўзгартиради:

faux, fausse – *қалбаки*

doux, douce – *юмшоқ*

heureux, heureuse – *бахтли*

jaloux, jalouse – *рашкчи*

3. Баъзи бир сифатларда **-e** ҳарфи қўшилиши натижасида охирги ундош ҳарфи ўзгариб кетади, яъни **-f** ҳарфи **-v** ҳарфига, **-c** ҳарфи **-ch** ҳарф бирикмасига айланади:

actif, active – *фаол*

sec, seche – *қуруқ*

II. Мужской родда **-eur** қўшимчасига тугаган сифатлар женский родда **-euse** га ўзгаради.

menteur, menteuse – *ёлгон(чи)*

trompeur, trompeuse – *алдамчи*

(қуйидаги сифатлар бундан мустасно: *pecheur, pêcheresse; vengeur, vengeresse; antérieur, antérieure; postérieur, postérieure; citerieur, citerieure; majeur, majeure; mineur, mineure; supérieur, supérieure; inférieur, inférieure; meilleur, meilleure*).

III. **-teur** қўшимчасига тугаган сифатлар **-trice** га ўзгаради:
conservateur – cosnervatrice
moteur – motrice

Эслатма: **-ter** қўшимчасига тугалланган феъллардан ҳосил бўлган сифатлардаги қўшимчаси женский родда **-teuse** га айланади:
flatteur, flatteuse – хуш ёқадиган
flatter – хушомат қилмоқ

IV. Қуйидаги бешта сифат мужской родда иккита шаклга эга:
beau, bel – чиройли, гўзал
nouveau, nouvel – янги
fou, fol – ақлсиз, ақл бовар қилмайдиган
mou, mol – юмшоқ
vieux, vieil – кекса, қария, эски

Биринчи қатордаги шакли ундош ҳарфи билан бошланувчи отлардан олдин ёки отлардан кейин қўлланади:
un beau monument – чиройли ёдгорлик
un nouveau livre – янги китоб

Иккинчи қатордаги шакли эса унли ҳарфлар билан ёки ўқилмайдиган **h** ҳарфи билан бошланадиган отлардан олдин қўлланади:
un bel édifice – чиройли иморат
le nouvel an – янги йил
un vieil habit – эски аёллар кўйлаги

Қуйидаги сифатларнинг женский роди иккинчи шаклидан ҳосил бўлади:
une belle maison – чиройли уй
une nouvelle école – янги мактаб
une vieille amie – эски (қадрдон) дугона

Қуйидаги сифатларда женский род қоидага риоя қилмайдиган тарзда ҳосил бўлади:

long, longue – узун
hébreu, hébraïque – қадимги яҳудийча
bénin, bénigne – юмшоқ, яхши сифатли
malin, maligne – жаҳлдор, айёр

frais, fraîche – *тоза, соф* (кўпинча ҳаво тўғрисида)
tiers, tierce – *учдан бир*
jumeau, jumelle – *ўхшаш, бир кўринишга эга*

Сифатларда кўплик (сони)нинг ҳосил бўлиши (Formation du pluriel des adjectifs)

1. Барча женский роддаги аслий сифатларнинг ва кўп ҳолларда мужской роддаги сифатларнинг бирликдаги шаклига **-s** ҳарфини қўшиш йўли билан кўплик ҳосил бўлади:

un cheveu blanc, des cheveux blancs – *оқ (оралаган) сочлар*
une robe blanche, des robes blanches – *оқ кўйлақлар.*

2. Бирликда **-s, -x, -eau, -al, -eu** кўшимчаларига тугаган мужской роддаги сифатларда кўплик:

а) бирликда **-s, -x** ҳарфларига тугаган сифатлар кўпликда ўзгармайди:

un chapeau gris – *кулранг иляна*, des chapeaux gris – *кулранг иляналар*
un élève paresseux – *дангаса ўқувчи*, des élèves paresseux – *дангаса ўқувчилар;*

б) бирликда **-eau** ҳарф биримасига тугаган сифатлар кўпликда **-x** ҳарфини қабул қилади:

un beau jour, des beaux jours – *ажойиб кунлар*
un mot nouveau, des mots nouveaux – *янги сўзлар;*

в) бирликда **-al** ҳарф бирикмасига тугаган сифатлар кўпликда **-aux** кўшимчасини олади:

un conseil amical, des conseils amicaux – *дўстона маслаҳатлар*
un examen oral, des examens oraux – *оғзаки имтиҳонлар*

(**banal, bancal, fatal, final, glacial, naval, natal** сифатларига истисно тариқасида кўпликда **-s** ҳарфи қўшилади: des combats navals – *денгиз жанглари*, des résultats finals – *охирги натижалар*);

д) бирликдаги **bleu** сифати кўпликда **-s** ҳарфини **hébreu** сўзи эса **-x** ҳарфини олади:

des yeux bleus – *кўк кўзлар*
des livres hebreux – *қадимги яҳудий китоблари*

Сифатларнинг мослашуви (Accord des adjectifs)

1. Сифатлар ўзлари битишиб келаётган отлар ёки олмошлар билан род ва сонда мослашади:

une belle fille, de belle filles
un beau garçon, de beaux garçons

2. Агар сифатлар мужской роддаги ва женский роддаги бир неча отлар билан битишиб келган бўлса, у ҳолда сифатларнинг кўпликдаги мужской род шакли қўйилади:

Il avait la bouche et les yeux ouverts.

Унинг оғзи ва кўзлари очик эди.

3. Агар **vous** олмоши бир шахсни англатган бўлса, сифатлар бирликда қўйилади:

Vous êtes bien naïf, mon ami.

Дўстим, сиз жудаям соддадилсиз.

4. Одатда рангни билдирувчи сифатлар ҳам ўзи аниқлаб келаётган от ёки олмош билан род ва сонда мослашади:

un cahier vert – *яшил дафтар*

des jupes vertes – *яшил юбкалар*

Аммо от сифат тарзида қўлланилса, у ўзгаришсиз қолади:

une robe marron (=de la couleur du marron) – *жигар рангли кўйлак*

des souliers marron – *жигар рангли туфлилар.*

5. Иккита аслий сифатдан ташкил топган мураккаб сифатлар ўзи аниқлаб келаётган от билан иккаласи ҳам род ва сонда мослашади:

une fille sourde-muette (яъни **sourde et muette**) – *кар-соқов қиз*

des enfants sourds-muets – *кар-соқов болалар*

6. Қачонки иккита сифатдан биринчиси **-o** ёки **-i** ҳарфига тугаган бўлса, сифат ўзгармайди:

les rapports franco-ouzbeks – *француз-ўзбек алоқалари*

une scène tragi-comique – *трагикомик сахна*

7. Равиш ёки предлог ва сифатдан ташкил топган мураккаб сифатларда эса охирги сифат ўзгаради:

Il est arrivé avant-dernier. *У охиридан олдинда келди.*

Elle s'est classée avant-dernière. *У охиридан олдинги ўринни эгаллади.*

8. Равиш сифатида қўлланилган сифатлар родда ҳам, сонда ҳам ўзгармайди:

Ce livre ne coûte pas cher. *Бу китоб қиммат турмайди.*

Ces fleurs sentent bon. *Бу гуллар яхши (ёқимли) ҳид тарқатади.*

(равиш маъносини англатувчи **grand** ва **frais** сифатлари бундан мустасно, улар мослашади:

une porte grande ouverte (яъни **grandement**) – *кенг, катта, ланг очилган эшик*

une maison toute fraîche bâtie (яъни **récemment**) – *яқинда қурилган уй*)

9. **Nu** – яланг ва **demi** – ярим сифатлари отдан олдин равиш вазифасида келса, ўзи аниқлаб келаётган от билан мослашмайди:
Ne restez pas nu-tête au soleil. Яланг бош билан қуёшда қолманг.
Je vous ai attendu une demi-heure. Мен сизни ярим соат кутдим.

Агар бу сифатлар отдан кейин келса, **nu** от билан род ва сонда **demi** эса фақат родда мослашади:
Il a marché les jambes nues et la tête nue pendant deux heures et demie.
У икки ярим соат мобайнида оёқ яланг ва бош яланг юрди.

10. **Possible** сифати **le mieux, le plus, le moins, le pire, le meilleur** лардан кейин келса ўзгариш рўй бермайди:
Faites vos devoirs le mieux possible; Avoir les avions les plus rapides possible.

Аммо бошқа ҳолларда **possible** от билан фақат сонда мослашади:
Il m'a fait tous les ennuis possibles.

Аниқловчи сифатларнинг гапдаги ўрни (Place des adjectifs-épithètes dans la proposition)

Сифатлар аниқловчи ролида, одатда, отдан кейин қўйилади. Аммо қатор ҳолларда отдан олдин келиши ҳам кузатилади.

I. Сифатлар қуйидаги ҳолларда отлардан кейин қўйилади:

1) аслий сифатларни англатишда: *ранг, шакл, кўриниш* ва ҳоказо:
un toit rouge – қизил том
une planche carrée – квадрат тахта
une pente raide – тик қоя

2) нисбий сифатларни ифодалашда:
la zone tropicale – тропик зона
un peintre français – француз мусаввири
l'énergie nucléaire – ядро энергияси
la musique classique – мумтоз мусиқа

3) сифат функциясида қўлланилган феълнинг ўтган ва ҳозирги замон сифатдошларида:

des fleurs fanées – сўлиган гуллар
un livre amusant – қизиқтирадиган китоб

4) сифатлардан кейин тўлдирувчи келганда:
une ville pleine de bruit – шовқинли шаҳар

II. Бир ёки икки бўғиндан ташкил топган, тез-тез қўлланилиб турадиган қатор сифатлар отдан олдин қўйилади: *beau, bon, grand, gros, haut, joli, long, mauvais, petit, vilain.*
une belle robe – чиройли кўйлак

ce grand arbre – *бу – катта дарахт*

une grosse pierre – *катта тош*

III. Айрим сифатлар ўзи аниқлаб келаётган отдан олдин ёки кейин жойлашувига қараб маъносини ўзгартиради. Улар отдан кейин жойлашган бўлса, ўзининг асл маъносида, отдан олдин – кўчирма маънода қўлланади:

un écrivain méchant – *заҳархандали ёзувчи*

un méchant écrivain – *ёмон (қобилиятсиз) ёзувчи*

un homme brave – *жасур инсон (одам)*

un brave homme – *ёқимли (яхши) одам*

un métal dur – *қаттиқ металл*

un dur métier – *огир касб*

les mains propres – *тоза қўллар*

les propres mains – *ўз қўллари*

Аслий сифатларнинг даража мезони (Degrés de comparaison des adjectifs qualificatifs)

Аслий сифатлар француз тилида ҳам ўзбек ва рус тилларида ҳам учта даража мезонига эга: оддий (**positif**), қиёсий (**comparatif**) ва орттирма (**superlatif**).

1. Оддий даража (**le positif**)

2. Қиёсий даража (**le comparatif**) равишлар ёрдамида ҳосил бўлади, бунда **plus** сифатнинг юқори даражасини, **moins** қуйи даражасини, **aussi** эса тенг, барабар сифат даражасини билдиради ва булар сифатдан олдин, сифатдан кейин эса **que** боғловчиси қўйилади:

Il est plus capable que son frère. *У акасига нисбатан қобилиятлироқ.*

Il est moins capable que son frère. *У акасига нисбатан қобилиятсизроқ.*

Il est aussi capable que son frère. *У худди акасидек қобилиятли.*

Қиёсий даража **bien, beaucoup** анча, кўп равишлари ёрдамида кучайтирилиши мумкин:

Cette chambre est beaucoup plus claire que la tienne.

Бу хона сеникидан анча ёруғроқ.

3. Орттирма даража (**le superlatif**) **plus, moins** равишлари олдида **le, la, les** артиккларини қўйиш ёрдамида ҳосил бўлиб, артиклар аниқловчи отга нисбатан олинади. Тўлдирувчи орттирма даражага **de** предлоги орқали туташтирилади:

Cet étudiant est le plus appliqué de notre groupe.

Бу талаба гуруҳимизнинг энг ёқимтойи ҳисобланади.

Cette étudiante est la moins appliquée de notre groupe.

Бу гуруҳимизда энг ёқимсиз талаба ҳисобланади.

Эслатма: Сифатлар орттирма даражада ўзлари аниқлаб келаётган отдан олдин ёки кейин қўйилиши ҳам мумкин, бунда гапнинг маъноси ўзгармайди:

C'est la plus grande maison de notre ville.

Бу шаҳримиздаги энг катта уй.

C'est la maison la plus grande de notre ville.

Иккинчи ҳолатда аниқ артикль отдан ва сифатдан олдин икки марта қўлланилган. Баъзан бундай пайтда отдан олдин эгалик сифати қўлланилган бўлиши мумкин: *Son le plus fidèle. Унинг энг ишончли дўсти.*

Агар гапда бир неча сифат қиёсий ёки орттирма даражада бўлса, **plus** ёки **moins** равиши ҳар бир сифатдан олдин қайтарилади:

C'est la salle la plus haute et la plus claire. Бу энг баланд ва энг ёруғ зал.

4. Bon – яхши, mauvais – ёмон, petit – кичик сифатларида даража мезони махсус шаклга эга:

Оддий даража	Қиёсий даража	Орттирма даража
bon – яхши mauvais – ёмон petit – кичик	meilleure – яхшироқ pire – ёмонроқ (plus mauvais, moindre кўринишида ҳам бўлиши мумкин) plus petit – кичикроқ	le (la) meilleur,(e) – жуда (энг) яхши le (la) pire – жуда (энг) ёмон le (la) plus mauvais,(e); le (la) moindre; le (la) plus petit, (e) – жуда (энг) кичик

Эслатма: а) **mauvais** сифати икки шаклда қўлланилиши мумкин:

Votre écriture est pire que la mienne ёки

Votre écriture est plus mauvaise que la mienne. Сизнинг дастхатингиз (ҳуснихатингиз) меникига нисбатан ёмонроқ.

C'est le pire élève ёки

C'est le plus mauvais élève. Бу энг ёмон ўқувчи.

б) **moindre, le (la) moindre** сифатлари кўпинча абстракт (мавҳум) маъноларда қўлланади:

Ma douleur n'est pas moindre que la vôtre. Менинг оғригим сизникидан камроқ эмас.

De deux maux il faut choisir le moindre. Икки қийин йўлдан осонрогини танлаб олмоқ. (мақол)

Лекин:

Ce miroir est plus petit que le vôtre. Бу ойна сизникига нисбатан кичикроқ.

C'est la plus petite pièce de notre appartement. Бу хонадонимизнинг энг кичик хонаси ҳисобланади.

Баъзи сифатларнинг даражаси қиёсланмайди, улар қуйидагилар ёрдамида ифодаланиши мумкин:

а) префикслар (олд қўшимча) ёрдамида: **archi-, extra-, super-, sur-, hyper-, ultra-, hypo-, sous-:**

archi-plein, extra-fin, surhumain, hypersensible, sous-développé:

б) суффикслар **-ôt, -ard, -âtre, -et, -elet** ёрдамида: palôt, bleuâtre, rougeâtre, jaunâtre, aigrelet, joliet;

в) равишлар **bien, fort, si, tout, très, trop, remarquablement, extrêmement, assez, médiocrement, faiblement, insuffisamment, peu** ва ҳоказо:

très courageux, assez courageux, si, tellement courageux, extrêmement courageux, insuffisamment courageux, peu courageux.

Кўрсатиш сифатлари (Adjectifs démonstratifs)

1. Кўрсатиш сифатлари жадвали

сон	род	
	мужской	женский
бирлик	Ce, cet	Cette
кўплик	Ces	

Мужской роддаги кўрсатиш сифатларининг **cet** шакли унли ҳарф билан ва талаффуз қилинмайдиган **h** ҳарфи билан бошланувчи мужской род отларидан олдин қўлланилади; **h** нафас товуши билан бошланувчи отлардан олдин эса **ce** шакли қўлланилади:

ce livre – <i>бу китоб</i>	ces livres – <i>бу китоблар</i>
ce héros – <i>бу қаҳрамон</i>	ces héros – <i>бу қаҳрамонлар</i>
cet ouvrier – <i>бу ишчи</i>	ces ouvriers – <i>бу ишчилар</i>
cet homme – <i>бу одам</i>	ces hommes – <i>бу одамлар</i>
cette femme – <i>бу аёл</i>	ces femmes – <i>бу аёллар</i>
cette histoire – <i>бу тарих</i>	ces histoires – <i>бу тарихлар</i>
cet école – <i>бу мактаб</i>	ces écoles – <i>бу мактаблар</i>

2. Кўрсатиш сифатлари ҳар доим отлардан олдин, агар уларни аниқлаб келаётган сифатлар бўлса, улардан ҳам олдин қўйилади:

ce bon élève – *бу яхши ўқувчи*

3. Кўрсатиш сифатлари отдан кейин қўйиладиган **ci** ва **là** юкламалари билан кучайтирилиши мумкин:

cet arbre-ci – *бу (яқин маъносида) дарахт*

cette semaine-ci – *бу (шу) ҳафтада*

Эгалик сифатлари (Adjectifs possessifs)

Эгалик сифатлари жадвали

	Шахслар	Бирликдаги тобе предметлар олдида	Кўпликдаги тобе предметлар олдида
--	---------	--------------------------------------	--------------------------------------

		Мужской род	Женский род	Мужской род	Женский род
Эгалик сифатлари бирликда	1-шахс	mon	ma	mes	
	2-шахс	ton	ta	tes	
	3-шахс	son	sa	ses	
Эгалик сифатлари кўпликда	1-шахс	notre		nos	
	2-шахс	votre		vos	
	3-шахс	leur		leurs	

Эгалик сифатлари отнинг род ва сонини кўрсатиб, от билан ифодаланган предмет ёки шахснинг кимга қарашлилигини билдиради.

Эгалик сифатлари қуйидаги ҳолларда мослашади:

1) тобе предметни англатувчи от билан шахс ва сонда:

le livre – mon livre *китоб – менинг китобим*

la mère – ma mère *она – менинг онам*

les cahiers – mes cahiers *дафтарлар – менинг дафтарларим*

2) отни бир предметга ёки шахсга эгалик қилувчи от ёки олмош билан шахс ва сонда:

moi – ma carte – *менинг харитам*

nous – notre carte – *бизнинг харита*

les élèves – leurs cartes – *уларнинг хариталари*

3) унли ёки ўқилмайдиган **h** билан бошланувчи женский роддаги отлардан олдин бирликда эгалик сифатларининг мужской род шакли (**mon, ton, son**) қўлланилади:

mon amie (une amie) – *менинг дугонам*

ton histoire (une histoire) – *сенинг тарихинг*

son usine (une usine) – *унинг заводи*

4) француз тилида ўзбек тилидаги эгалик сифатлари ўз (**-имнинг, -ингнинг, -ининг, -имизнинг, -ингизнинг, -ларининг**; булар ўзбек тилида қўйилмаган тақдирда ҳам хато ҳисобланмайди) ёки рус тилидаги **свой, своя, свои** га мос келадиган шакли йўқ, улар ҳар бир шахс учун алоҳида шаклларга эга:

Je prends mon cahier (mes cahiers).

Мен ўз дафтаримни оляпман (ўз дафтарларимни).

Nous prenons notre cahier (nos cahiers).

Биз ўз дафтаримизни оляпмиз (ўз дафтарларимизни).

Il prend son cahier (ses cahiers).

У ўз дафтарини оляпти (ўз дафтарларини).

Il prennent leur cahier (leurs cahiers).

Улар ўз дафтарини оляптилар (ўз дафтарларини).

Француз тилида барча эгалик сифатлари ўзига қарам бўлган отлар билан род ва сонда мослашади:

sa mère – унинг онаси

son stylo – унинг ручкаси

Сўроқ сифатлари (Adjectifs interrogatifs)

Сўроқ сифатлари жадвали

Бирлик сон		Кўплик сон	
Мужской род	Женский род	Мужской род	Женский род
quel	quelle	quels	quelles

Француз тилида **quel, quelle, quels, quelles** сўроқ сифатлари кўчирма гапда ҳам, ўзлаштира гапда ҳам қўлланилади:

1) гапда аниқловчи вазифасида келадиган отлар олдида (бунда артиклар тушириб қолдирилади). Ўзбек тилига **қандай, қанақа, қайси** каби бўлиб таржима қилинади:

Quel livre lis-tu?

Қандай китоб ўқияпсан?

Je te demande quel livre tu lis?

Мен сендан қандай китобни ўқияпсан деб сўраяпман?

2) гапда от-кесим вазифасида қўлланилади. **Қандай, қанақа, қайси, неча, ким** деб ҳам ўзбек тилига таржима қилинади:

Quels sont ces animaux? *Булар қанақа ҳайвонлар?*

Quelle est ton opinion? *Сенинг фикринг қанақа?*

Quelle heure est-il? *Соат неча бўлди?*

Quels sont les principaux personnages de cette pièce?

Бу пьесанинг бош қаҳрамонлари кимлар?

Quel, quelle, quels, quelles сифатлари ундов гапларни ҳосил қилишда ундов сифатлари маъносида ҳам қўлланилади:

Quel caractère! *Қанақа характер!*

Quelle bonne nouvelle! *Қанақаям яхши янгилик!*

Ноаниқ сифатлар (Adjectifs indéfinis)

Ноаниқ сифатлар: **aucun (aucune), autre, certain (certaine), chaque, maint (mainte), même, nul (nulle), plusieurs, tel (telle), tout (toute), quelconque, quelque.**

Quelque (қандайдир, қандай бўлишидан қатъий назар) фақат бирликдаги отлардан олдин (бунда артикль отдан олдин тушириб қолдирилади) қўлланилади:

Donne-moi quelque livre interessant.

Менга қандайдир қизиқарли китоб бер.

Je l'écoutais avec quelque étonnement.

Мен уни аллақандай ҳис-ҳаяжон билан тингладим.

Эслатма. **Quelque** ўзбек тилида (**бир неча**) маъносида кўпликда қўлланилади:
Je prend quelques livres. *Мен бир неча китоб оляпман.*

Quelconque (қандайдир бир, қанақа бўлишидан қатъий назар) сифат билан биргаликда келаётган отлардан кейин қўлланилади (бунда от ноаниқ артикль билан келади):

Donnez-moi un journal quelconque.

Менга қандайдир бир газета беринг.

Оғзаки нутқда шу маънода кўпинча **n'importe quel (quelle)** ибораси қўлланилади:

Donnez-moi n'importe quel journal.

Менга, қандай бўлишидан қатъий назар, бир газета беринг.

Certain (маълум бир, айрим) сифатининг гапдаги ўрнига қараб родда, сонда ва гап маъносида ҳам ўзгариш рўй бериши мумкин.

Агар **certain** бирликда қўлланилган бўлса, унинг олдидан ноаниқ артикль қўйилади, кўпликда эса артиклсиз қўлланилади:

Il marche à une certaine distance de ses amis.

У дўстларидан маълум бир масофа оралиғида борар эди.

Certains quartiers de cette ville sont une sorte de musée.

Бу шаҳарнинг айрим (баъзи бир) мавзелари музейга ўхшайди.

Chaque (ҳар, ҳар бир) сифати род ва сонда ўзгармайди, фақат бирликда қўлланилади:

A chaque oiseau son nid est beau (proverbe).

Ҳар кимники ўзига ой кўринар кўзига (мақол).

Chaque été nous allons aux montagnes.

Ҳар ёз биз тоғларга борамиз.

Tout (ҳамма, барча) сифатининг маъноси биринчидан, ўзидан кейин, отдан олдин келадиган артиклнинг борлигига ва иккинчидан, артиклнинг аниқ ва ноаниқлигига боғлиқ.

Tout сифати ўзи билан биргаликда келаётган от билан род ва сонда мослашади ва **tout** (мужской род, бирлик), **toute** (женский род,

бирлик), **tous** (мужской род, кўплик), **toutes** (женский род, кўплик) кўринишларида бўлади:

Il veut savoir toute la vérité.

У барча ҳақиқатни билишни истайди.

Tous les étudiants de notre groupe font du sport.

Гуруҳимизнинг ҳамма талабалари спорт билан шугулланадилар.

Tout сифати ноаниқ артикль билан келган отдан олдин *бутун*, *бутун бир* маъноларида ҳам келади:

Je vous ai attendu toute une heure.

Мен сизни бутун бир соат мобайнида кутдим.

Tous ва **toutes** санок сонлар билан қўлланилиб, ҳам маъносини беради:

tous (toutes) les deux – *иккаласи ... ҳам*

tous (toutes) les trois – *уччаласи ... ҳам*

Вақтни ва масофани англатувчи отлардан олдин **tous** ва **toutes** ўзбек тилига *ҳар, ҳар бир* маъносида таржима қилинади:

tous les jours – *ҳар кун*

tous les dix pas – *ҳар бир ўн қадам*

toutes les cinq minutes – *ҳар беш минут*

Plusieurs (кўп, кўплаб) сифати иккала родда ҳам кўпликда қўлланилади:

La robe est abîmée en plusieurs endroits.

Кўйлакнинг кўп қисми ифлосланган.

J'ai lu ce livre plusieurs fois.

Мен бу китобни кўп марталаб ўқиб чиқдим.

Maint сифати **plusieurs** сифатининг синонимии ҳисобланади. Ҳозирги пайтда у асосан бир неча иборалардагина қўлланилади:

mainte(s) fois *бир марта эмас, кўп марта*

à mainte(s) reprise(s) *бир неча марта*

Aucun (aucune) (*ҳеч қандай, ҳеч қанақа*) одатда, отдан олдин қўлланилади, бунда артикльлар қўйилмайди. Бўлишсиз гапларда **aucun** сифати қўлланилганда, **ne** дан кейин қўйиладиган **pas, point** юкламалари қўлланилмайди, **aucun (aucune)** эса ҳар доим отдан олдин бирликда қўлланилади:

Elle n'a obtenu aucun résultat. *У ҳеч қандай натижага эришмади.*

Vous n'avez aucune patience. *Ҳеч қанақа тоқатингиз йўқ.*

Nul (nulle) (*бирорта ҳам, ҳеч қандай*). Бўлишсиз гапларда инкорни билдирувчи юкламанинг иккинчи қисми (**pas, point**) қўйилмайди:

Nulle étoile dans le ciel. *Осмонда бирорта ҳам юлдуз йўқ.*

Elle n'a reçu nul livre de lui. *У ундан бирорта ҳам китоб олмади.*

Autre (боиқа) отдан олдин келиб, ундан олдин артиклар келиши ҳам мумкин:

Donne-moi un autre livre.

Менга боиқа (бирорта) китоб беринг.

Tel (telle) (шундай, шунақа, ўхшаш) гапдаги ўрнига қараб турли хил маъноларда келиши мумкин:

1) **tel** отдан олдин ноаниқ артикль билан келганда, **si fort** (шунақаям кучли), **si grand** (шунақаям катта) сифатлари маъносини англатади, отнинг маъносини кучайтиради:

Il faisait une telle chaleur que nous avons dû ouvrir toutes les fenêtres.
Шунақаям кучли иссиқ бўлганидан барча деразаларни очишга мажбур бўлдик.

2) **tel** кўрсатиш сифати кўрсатиш маъносида ҳам келиши мумкин. Ўзбек тилига бундай, бунга ўхшаш каби таржима қилинади:

Un tel courage est digne d'admiration.

Бундай жасурлик мақтовга сазовордир.

3) **tel ou tel** ибораси у ёки бу маъносини беради:

De telle ou telle manière. *У ёки бу йўл билан.*

4) мақолларда **tel** артикльсиз қўлланилганда, қандай бўлса шундай маъносини беради.

Tel arbre, tel fruit. *Қандай дарахт бўлса, шундай мева беради.*

Même сифатнинг маъноси отдан олдин ёки кейин келишига қараб ўзгаради.

Même отдан олдин қўлланилганда, ўша битта, яккаю ягона маъносини беради:

Nous faisons le même travail.

Биз ўша битта ишни бажарамиз.

Même отдан ёки олмошдан кейин келганда эса ўз+эгаллик қўшимчалари маъносини англатади:

Cet hôpital se trouve dans la ville même.

Бу касалхона шаҳарнинг ўзида жойлашган.

Cette femme est la bonté même.

Бу аёл – гўзалликнинг ўзгинаси (тимсол маъносида).

Je le ferai moi-même. *Мен буни ўзим бажараман.*

Сонлар

Сонлар икки хил бўлади: *саноқ сонлар* (adjectifs numéraux cardinaux) ва *тартиб сонлар* (adjectifs numéraux ordinaux).

Саноқ сонлар (Adjectifs numéraux cardinaux)

1. Саноқ сонларнинг шакли оддий: **quatre** – *тўрт* ва мураккаб, яъни сонлар бир-бири билан қўшилиши натижасида ҳосил бўлади: dix-sept – *ўн етти* ёки кўпайтириш йўли билан: quatre-vingts (*тўртта йигирма*) – *саксон*, ёки ҳам кўпайтириш, ҳам қўшиш йўли билан: quatre-vingt-onze (*тўртта йигирма ва ўн бир*) – *тўқсон бир*.

Саноқ сонлар жадвали (Tableau des adjectifs numéraux cardinaux)

1 un	26 vingt six	51 cinquante-et-un	76 soixante seize
2 deux	27 vingt sept	52 cinquante deux	77 soixante-dix-sept
3 trois	28 vingt huit	53 cinquante trois	78 soixante-dix-huit
4 quatre	29 vingt neuf	54 cinquante quatre	79 soixante-dix-neuf
5 cinq	30 trente	55 cinquante cinq	80 quatre-vingt
6 six	31 trente-et-un	56 cinquante six	81 quatre-vingt-et-un
7 sept	32 trente deux	57 cinquante sept	82 quatre-vingt-deux
8 huit	33 trente trois	58 cinquante huit	83 quatre-vingt-trois
9 neuf	34 trente quatre	59 cinquante neuf	84 quatre-vingt-quatre
10 dix	35 trente cinq	60 soixante	85 quatre-vingt-cinq
11 onze	36 trente six	61 soixante-et-un	86 quatre-vingt-six
12 douze	37 trente sept	62 soixante deux	87 quatre-vingt-sept
13 treize	38 trente huit	63 soixante trois	88 quatre-vingt-huit
14 quatorze	39 trente neuf	64 soixante quatre	89 quatre-vingt-neuf
15 quinze	40 quarante	65 soixante cinq	90 quatre-vingt-dix
16 seize	41 quarante-et-un	66 soixante six	91 quatre-vingt-onze
17 dix-sept	42 quarante deux	67 soixante sept	92 quatre-vingt-douze
18 dix-huit	43 quarante trois	68 soixante huit	93 quatre-vingt-treize
19 dix-neuf	44 quarante quatre	69 soixante neuf	94 quatre-vingt-quatorze
20 vingt	45 quarante cinq	70 soixante onze	95 quatre-vingt-quinze
21 vingt-et-un	46 quarante six	71 soixante onze	96 quatre-vingt-seize
22 vingt deux	47 quarante sept	72 soixante douze	97 quatre-vingt-dix-sept
23 vingt trois	48 quarante huit	73 soixante treize	98 quatre-vingt-dix-huit
24 vingt quatre	49 quarante neuf	74 soixante quatorze	99 quatre-vingt-dix-neuf
25 vingt cinq	50 cinquante	75 soixante quinze	100 cent

2. Умуман олганда, сонлар ўзгармайди:
Dix mille livres. *Ўн минг китоб.*

Лекин:

а) **un** сони женский родда **une** шаклини олади:
trente et une personne – *ўттиз бир киши*

б) **vingt** йигирма ва **cent** кўпликда **-s** қўшимчасини олади, агар улардан кейин бошқа бир сон келмаса, албатта:

deux cent francs – *икки юз франк*

quatre vingts soums – *саксон сўм*

Лекин:

deux cents trois francs – *икки юз уч франк*

quatre vingt-deux francs – *саксон икки франк*

в) саналарда **mille** ўрнига **mil** шакли қўлланилади:

L'an mil neuf cent quarante-cinq.

Бир минг тўққиз юз қирқ бешинчи йил.

Nous sommes en mil neuf cent soixante-dix-neuf.

Биз бир минг тўққиз юз етмиш тўққизинчи йилдамиз.

г) **million**, **milliard**, **billion** от бўлганлиги сабабли сонда ўзгаради:

sept millions d'habitants – *етти миллион аҳоли*

deux milliards de franc – *икки миллиард франк*

3. Санок сонларнинг талаффузи қатор хусусиятларга эга:

а) агар **six** [sis], **huit** [yit], **dix** [dis] сонларидан кейин ундош товуши билан бошланувчи отлар келадиган бўлса, ушбу сонлардаги охирги ундош талаффуз қилинмайди:

six jours [sizʊ:r] – *олти кун*

huit francs [yi frâ] – *саккиз франк*

dix tables [di tabl] – *ўнта стол*

уланиш пайтида эса **six** ва **dix** [siz],[diz] бўлиб талаффуз қилинади:

dix huit [diz-yit], six heures [sizœ:r], dix-neuf сонда **dix** [diz] бўлиб талаффуз қилинади;

б) **vingt** одатда [vê] бўлиб ўқилади, vingt-deux [vêtdø], vingt-trois [vê'trwa] сонларида эса [vêt] бўлиб талаффуз қилинади.

Neuf [nœf] сондаги охирги **f** унли ёки ўқилмайдиган **h** билан бошланувчи сўзлардан олдин **v** га айланади:

neuf heures [nœvœ:r]

Тартиб сонлар (Adjectifs numéraux ordinaux)

Тартиб сонлар санок сонларга **–ième** суффиксини қўшиш ёрдамида ҳосил бўлади (**premier**, **second** бундан мустасно):

Тартиб сонлар жадвали (Tableau des adjectifs numéraux ordinaux)

1-er premier	26-e vingt-sixième	51-e cinquante-et-unième	76-e soixante seizième
2-e deuxième	27-e vingt-septième	52-e cinquante-deuxième	77-e soixante-dix-septième

3-e troisième	28-e vingt-huitième	53-e cinquante troisième	78-e soixante-dix-huitième
4-e quatrième	29-e vingt-neuvième	54-e cinquante quatrième	79-e soixante-dix-neuvième
5-e cinquième	30-e trentième	55-e cinquante cinquième	80-e quatre-vingtième
6-e sixième	31-e trente-unième	56-e cinquante sixième	81-e quatre-vingt-et-unième
7-e septième	32-e trente-deuxième	57-e cinquante septième	82-e quatre-vingt-deuxième
8-e huitième	33-e trente-troisième	58-e cinquante huitième	83-e quatre-vingt-troisième
9-e neuvième	34-e trente-quatrième	59-e cinquante neuvième	84-e quatre-vingt-quatrième
10-e dixième	35-e trente-cinquième	60-e soixantième	85-e quatre-vingt-cinquième
11-e onzième	36-e trente-sixième	61-e soixante-et-unième	86-e quatre-vingt-sixième
12-e douzième	37-e trente-septième	62-e soixante deuxième	87-e quatre-vingt-septième
13-e trezième	38-e trente-huitième	63-e soixante troisième	88-e quatre-vingt-huitième
14-e quatorzième	39-e trente-neuvième	64-e soixante quatrième	89-e quatre-vingt-neuvième
15-e quinzième	40-e quarantième	65-e soixante cinquième	90-e quatre-vingt-dixième
16-e seizième	41-e quarante-unième	66-e soixante sixième	91-e quatre-vingt-onzième
17-e dix-septième	42-e quarante-deuxième	67-e soixante septième	92-e quatre-vingt-douzième
18-e dix-huitième	43-e quarante-troisième	68-e soixante huitième	93-e quatre-vingt-treizième
19-e dix-neuvième	44-e quarante-quatrième	69-e soixante neuvième	94-e quatre-vingt-quatorzième
20-e vingtième	45-e quarante-cinquième	70-e soixante dixième	95-e quatre-vingt-quinzième
21-e vingt-unième	46-e quarante-sixième	71-e soixante et onzième	96-e quatre-vingt-seizième
22-e vingt-deuxième	47-e quarante-septième	72-e soixante douzième	97-e quatre-vingt-dix-septième
23-e vingt-troisième	48-e quarante-huitième	73-e soixante treizième	98-e quatre-vingt-dix-huitième
24-e vingt-quatrième	49-e quarante-neuvième	74-e soixante quatorzième	99-e quatre-vingt-dix-neuvième
25-e vingt-cinquième	50-e cinquantième	75-e soixante quinzième	100-e centième

1. Ўқилмайдиган **-е** ҳарфи билан тугаган санок сонларга **-ième** суффикси қўшилганда **-е** ҳарфи тушириб қолдирилади:
quatr(e) – тўрт

quatrième – *тўртинчи*

2. **Cinq** сонига **-u** қўшилади (*cinquième*), **neuf** сонига эса **-f** ҳарфи **-v** ҳарфига ўзгаради:

neuf – *neuvième*

3. **Unième** *биринчи* сони фақат мураккаб сонларда қўлланилади. **Vingt et unième fois**. *Йигирма биринчи марта*. Бошқа ҳолларда *premier* қўлланилади.

4. **Deux** *икки* санок сонига **deuxième** ва **second** *иккинчи* тартиб сонлари маъноси ўзгармаган ҳолда тўғри келади. Агар мактаб ёки транспорт тўғрисида сўз борганда, кўпинча **second** сўзи ишлатилади: **Voyager en seconde classe** (ёки **en seconde**).

Иккинчи классда саёҳат қилмоқ.

Il est élève de seconde.

У иккинчи синф ўқувчиси.

5. **Premier** ва **second** сонлари ўзлари қўшилиб келаётган отлар билан род ва сонда мослашади:

le premier jour – *биринчи кун*

les premières années – *биринчи йиллари*

la seconde classe – *иккинчи синф*

le second étage – *иккинчи этаж*

Санок сонларнинг тартиб сонлар ўрнида қўлланилиши

Санок сонлар қуйидаги ҳолларда тартиб сонлар ўрнида қўлланилади:

а) саналарни билдиришда:

l'an mil neuf cent dix-sept – *бир минг тўққиз юз ўн еттинчи йил*

le sept avril – *еттинчи апрел*

б) китоб бетларини, томларини, параграфларини, бўлимларини ва уй номерларини кўрсатишда:

page quatre – *тўртинчи бет*

tome six – *олтинчи том*

chapitre trois – *учинчи бўлим*

paragraphe trente – *ўттизинчи параграф*

Il habite rue Navoï 22.

У Навоий кўчаси 22-уйда яшайди.

в) декадаларни билдиришда:

les années vingts – *йигирманчи йиллар*

г) давлат бошқарувчиларини номлашда:

Henri quatre – *Генрих тўртинчи*

Catherine deux – *Екатерина иккинчи*

Аммо, шу билан бир қаторда мустасно сифатида **un** сони ўрнига **premier** сони қўлланилади:

le premier septembre – *биринчи сентябрь*

chapitre premier – *биринчи қисм*

Pierre premier – *Пётр биринчи*

Олмошлар (Pronoms)

Француз тилида қуйидаги олти гуруҳ олмошлар мавжуд:

1) кишилик, 2) кўрсатиш, 3) эгалик, 4) сўроқ, 5) нисбий ва 6) ноаниқ олмошлардир.

Кишилик олмошлари (Pronoms personnels)

Француз тилида кишилик олмошлари тизими икки шаклдан иборат:

1) феъл олди урғусиз кишилик олмошлари (pronoms conjoints atones)

2) мустақил урғули кишилик олмошлари (pronoms indépendants toniques).

Феъл олди урғусиз кишилик олмошлари жадвали (Tableau des pronoms conjoints atones)

Шахс	Эга (Sujet)	Воситасиз тўлдирувчи (Complément direct)	Воситали тўлдирувчи (Complément indirect)
	Бирлик		
1 шахс	je – мен	me – мени	me – менга
2 шахс	tu – сен	te – сени	te – сенга
3 шахс	il – у (м.род) elle – у (ж.род)	le – уни (м.род) la – уни (ж.род)	lui – унга (м.род) lui – унга (ж.род)
	Кўплик		
1 шахс	nous – биз	nous – бизни	nous – бизга
2 шахс	vous – сиз	vous – сизни	vous – сизга
3 шахс	ils – улар (м.род) elles – улар (ж.род)	les – уларни (м.род) les – уларни (ж.род)	leur – уларга (м.род) leur – уларга (ж.род)

Бу шаклларга шахси номаълум **on** ва **en**, **у** каби кишилик олмошларини ҳам қўшиш мумкин. Унли ёки ўқилмайдиган **h** билан бошланувчи феъллардан ва **en**, **у** дан олдин **je**, **me**, **te**, **le**, **la** олмошларидаги охирги унлиларни тушириб қолдириш ҳолати рўй беради, уларнинг ўрнига апостроф (') белгиси қўйилади:

j'écris; il m'appelle; elle t'aime; je l'ouvre; j'en suis content; j'y pense.

Феъл олди урғусиз кишилик олмошларининг вазифаси

I. Гапда эга вазифасида келадиган кишилик олмошлари:

1. Феъл олди кишилик олмошлари **je, tu, il, elle, nous, vous, ils, elles** гапда эга вазифасини бажаради:

Je parle. *Мен гапиряпман.*

Vous lisez. *Сиз ўқияпсиз.*

Il chante. *У куйлаяпти.*

Ils causent. *Улар суҳбатлашаптилар.*

2. II олмоши шахсиз ибораларда ҳам эга вазифасини ўтайди:

il faut *керак*

Il pleut. *Ёмғир ёғаяпти.*

Il fait froid. *Совуқ.*

il est nécessaire *зарур*

Il est venu quelques personnes. *Бир неча одам келди.*

II. Гапда воситасиз тўлдирувчи вазифасида келадиган олмошлар:

1. Феъл олди кишилик олмошлари **me, te, le, la, nous, vous, les** гапда воситасиз тўлдирувчи вазифасида келади:

Je la vois. *Мен уни кўряпман.*

Il nous appelle. *У бизни чақиряпти.*

2. **Me, te, le, la, nous, vous, les** олмошлари **voici, voilà** сўзларидан олдин қўлланилганда, ўзбек тилига *мана мен, мана сен, мана у, мана биз, мана сиз(лар), мана улар* каби таржима қилинади.

Où est le professeur? *Ўқитувчи қани?*

Le voici. *Мана у.*

3. **Le** олмоши қуйидаги ҳолларда ҳам келиши мумкин:

а) алоҳида сўз, сўз бирикмалари ва бутун бир гап ўрнида (бунда у ўзбек тилига *уни, буни* бўлиб таржима қилинади):

Savez-vous cela? *Буни биласизми?*

Oui, je le sais bien (le=cela). *Ҳа, мен буни биламан.*

Savez-vous qu'il est malade? *Унинг касал эканлигини биласизми?*

Oui, je le sais (le=qu'il est malade). *Ҳа, мен буни биламан.*

б) артиклсиз от билан ифодаланган кесимдаги от ўрнида, сифат ёки сифатдош ўрнида қўлланилади (бу ҳолатда **le** таржима

қилинмайди ёки ўша сўзнинг ўзи бўлиб ўзбек тилига таржима қилинади):

Etes-vous étudiante? *Сиз талабамисиз(ж.р.)?*

Oui, je le suis (le=étudiante). *Ҳа, мен талабаман.*

Sont-ils contents? *Улар хурсандмилар?*

Non, ils ne le sont pas (le=contents). *Йўқ, улар хурсандмаслар.*

в) **le** олмоши **plus que, moins que, mieux que** иборалари билан қиёсловчи гапларда ҳам қўлланилади, бунда у ўзбек тилига таржима қилинмайди:

Il est plus gai qu'il ne l'était hier.

У кечагига қараганда хушчақчақроқ.

Tu parles français mieux, que je le croyais.

Сен мен ўйлаганимдан кўра француз тилида яхшироқ гаплашар экансан.

III. Гапда воситали тўлдирувчи вазифасида келадиган олмошлар:

1. Феъл олдида **me, te, lui, nous, vous, leur** олмошлари воситали тўлдирувчи вазифасида қўлланилади:

Je lui rends son livre.

Мен унга китобини қайтариб беряман.

Elle nous montre ses photos.

У бизга расмларини кўрсатяпти.

2. Француз тилида воситали тўлдирувчи вазифасида келган олмошлар ҳар доим ҳам жўналиш келишиги маъносида келвермайди. **Acheter** – *сотиб олмоқ*, **demander** – *сўрамоқ*, **emprunter** – *қарз олмоқ*, **prendre** – *олмоқ* феъллари билан келганда, ўзбек тилида бошқа маънода ҳам келиши мумкин. Яъни *мендан, менда, сендан, сенда, ундан, унда* ва ҳоказо.

Je lui ai pris mon dictionnaire. *Мен ундан лугатимни олдим.*

Il nous demande pardon. *У биздан кечирим сўради.*

Apercevoir – *кўрмоқ*, **connaître** – *билмоқ*, **découvrir** – *пайқамоқ*, **trouver** – *топмоқ* ва қатор бошқа феъллар билан келганда, ўзбек тилига *унда, ундан, сенда* ва ҳоказо бўлиб таржима қилинади:

Je ne lui trouve rien d'intéressant.

Мен унда ҳеч бир қизиқарли нарса топмадим.

Феъл олди олмошларининг гапдаги ўрни

I. Эга вазифасида келадиган олмошнинг гапдаги ўрни:

1. Бу олмошлар одатда феълдан олдин қўйилади (мураккаб замонларда эса ёрдамчи феълдан олдин):

J'écris. Мен ёзяпман.

J'ai écrit une lettre. Мен хат ёздим.

2. Баъзан эга вазифасида келадиган олмошлар феълдан кейин ҳам келиши мумкин, бунда инверсия, яъни эга билан кесимнинг ўрни алмашиш ҳолати, сўроқ гапларда сўроқ шакли юз беради:

а) сўроқ гапларда:

Fait-elle cet exercice? У бу машқни бажаряптими?

A-t-elle fait cet exercice? У бу машқни бажардимми?

б) кўчирма нутқнинг кириш сўзларида:

Oui, dit-il, je viendrai. Ҳа, - деди у, - мен келаман.

в) қуйидаги равишлар билан бошланувчи гапларда: **à peine** – зўрға, **ainsi** – шундай қилиб, **aussi** – мана нима учун, **du moins** – йўқ деганда, **encore** – тагин, яна, **en vain** – мукаммал, **peut-être** – бўлиши мумкин, **toujours** (**toujours est-il que** иборасида) – ҳеч бўлмаганда:

Peut-être refusera-t-il.

Эҳтимол у эътироз билдириши мумкин.

Les enfants étaient en retard, aussi la mère était-elle inquiète.

Болалар кеч қолишардилар, мана шунинг учун она хавотир оларди.

Je ne sais s'il est fâché au malade; toujours était-il que je ne le vois pas.

Билмадим, унинг жаҳли чиқдимми ёки касалми, нима бўлганда ҳам, мен уни бошқа кўрмаяман.

II. Тўлдирувчи вазифасида келадиган олмошларнинг гапдаги ўрни:

1. Воситали ва воситасиз тўлдирувчи вазифасида келадиган олмошлар тўғридан-тўғри феълдан (кесимдан) олдин қўйилади, мураккаб замонларда эса ёрдамчи феълдан олдин жойлашади. (феъл буйруқ майлининг бўлишли шакли бундан мустасно).

Воситасиз тўлдирувчи вазифасида:

Il me voit. У мени кўряпти.

Il ne me voit pas. У мени кўрмаяпти.

Me voit-il? Мени кўряптими?

Воситали тўлдирувчи вазифасида:

Il lui répond. Унга жавоб беряпти.

Il ne lui a pas répondu. Унга жавоб бермади.

Lui réponds-tu? Унга жавоб беряпсанми?

Ne lui réponds pas! Унга жавоб берма!

Аммо:

Regarde-le. *Унга қара!*
Donne-lui ce livre! *Унга бу китобни бер!*

Эслатма. **me, te** олмошлари буйруқ майлининг бўлишли шаклида воситасиз тўлдирувчи ва воситали тўлдирувчи вазифаларида келганда урғули **moi, toi** олмошлари билан ўрин алмашади:

Regarde moi! *Менга қара!*

Lave-toi les mains! *Қўлларингни юв!*

Donne-moi ton livre! *Китобингни менга бер!*

2. Агар олмош феълнинг ноаниқ шаклига тўлдирувчи бўлиб келса, бунда феълнинг ноаниқ шакли бошқа бир феълга тўлдирувчи бўлиб келади ва олмош феълнинг ноаниқ шаклидан олдин қўйилади:
Je dois lui dire la vérité.

Мен унга ҳақиқатни айтмоғим керак.

Nous ne pouvons plus les aider.

Биз уларга бошқа ёрдам бера олмаймиз.

Je tâcherai de ne pas les oublier.

Мен уларни эсдан чиқармасликка ҳаракат қиламан.

Бундан ташқари, олмошлар Futur immédiat ва Passé immédiat замонларида ҳам феълнинг ноаниқ шакли олдида жойлашади:

Il va lui téléphoner. *У ҳозир унга қўнғироқ қилади.*

Il vient de me dire. *У ҳозир мен билан гаплашди.*

Қачонки феълнинг ноаниқ шакли **laisser, envoyer, faire** феъллари ёрдамида ишлатилса, ва шунингдек, инфинитив гапларда (**voir, regarder, entendre** ва ҳ.к феъллари билан) олмошлар феълларнинг ноаниқ шаклидан олдин эмас, уларни олиб кирувчи феъллардан олдин қўйилади:

Je le ferai venir. *Мен уни чақиртираман.*

Je l'entends crier. *Унинг бақирлишини эшитяпман.*

Аммо буйруқ майлида қуйидагича ифодаланади:

Fais-le venir! *Уни чақир!*

Entends-le crier! *Унинг бақирлишини эшит!*

3. Гапда ҳам воситали ва ҳам воситасиз тўлдирувчи вазифасида келадиган иккита феъл олди олмошлари келиши мумкин, бунда, агар иккала олмош ҳам III шахсга тааллуқли бўладиган бўлса, эгадан кейин биринчи ўринда воситасиз тўлдирувчи, иккинчи ўринда эса воситали тўлдирувчи жойлашади:

Tu le lui montres. *Сен уни унга кўрсатяпсан.*

Бу гапда иккала олмош ҳам **le, lui** III шахсга тааллуқлидир, **le**

воситасиз тўлдирувчи вазифасида, **lui** эса воситали тўлдирувчи бўлиб келяпти.

Агар воситали тўлдирувчи вазифасида келаётган олмош ҳар хил шахсга тааллуқли бўладиган бўлса, унда воситали тўлдирувчи воситасиз тўлдирувчидан олдин жойлашади. Қуйидаги жадвалга эътибор беринг:

Эга	Воситали тўлдирувчи		Воситасиз тўлдирувчи				Кесим
	I шахс	me	III шахс	le	III шахс	lui	
	II шахс	te	III шахс	la			
	I шахс	pous	III шахс	les	III шахс	leur	
	II шахс	vous					
			Воситали тўлдирувчи		Воситасиз тўлдирувчи		

C'est son livre. Бу унинг китоби

Il le lui montre. У уни унга кўрсатяпти.
 Il ne le leur donnera pas. У уни уларга бермайди.
 Le lui as-tu rendu? Сен уни унга қайтариб бердингми?
 Ne le leur montrez pas! Уни уларга кўрсатманг!

C'est son livre. Бу унинг китоби.

Il te le montre. У сенга уни кўрсатяпти.
 Il ne nous le donnera pas. У бизга уни бермайди.
 Vous-l'a-t-il promis? У сизга уни ваъда қилдими?
 Ne me le montre pas! Менга уни кўрсатма!

4. Буйруқ майлининг бўлишли шаклида иккала олмош феълдан кейин келади, уларнинг қайси шахсга қарашлилигидан қатъий назар воситали тўлдирувчи вазифасида келадиган олмош воситасиз тўлдирувчи вазифасида келадиган олмошдан кейин қўйилади:

	Воситасиз тўлдирувчи	Воситали тўлдирувчи
Феъл-кесим	le	moi
	la	lui
	les	pous
		leur

C'est son livre. Бу унинг китоби. Donne-le moi! Уни менга бер!

Donnez-le-leur! Уни уларга беринг!

Эслатма. а) Агар воситасиз тўлдирувчи I ёки II шахсга, воситали тўлдирувчи эса III шахсга тааллуқли бўлган олмошлардан ифодаланган бўлса, воситасиз тўлдирувчи вазифасида келган олмош феълдан олдин, воситали тўлдирувчи эса урғули кишилиқ

олмоши шаклида предлог билан феълдан кейин жойлашади:

On te présente à lui. *Сени у билан таништиришади.*

On nous présente à eux. *Бизни улар билан таништиряптилар.*

б) Агар иккала тўлдирувчи ҳам I ёки II шахсга тааллуқли бўлса, воситасиз тўлдирувчи вазифасида келган олмош феълдан олдин воситали тўлдирувчи эса феълдан кейин қўйилади:

On t'a présenté à moi. *Сени мен билан таништиришди.*

On vous a présenté à nous. *Сизни биз билан таништиришдилар.*

в) Буйруқ майлининг бўлишли шаклида иккала олмош ҳам феълдан кейин қўйилади, воситасиз тўлдирувчи вазифасида ги олмош воситали тўлдирувчи олдида жойлашади ва улар ўртасига дефис чизикча қўйилади:

Présente-le-moi. *Уни мен билан таништир!*

Présente-le-lui. *Уни у билан таништир!*

Мустақил урғули кишилиқ олмошлари

I. Урғули кишилиқ олмошлари жадвали

	I шахс	II шахс	III шахс		Ўтимсиз шакли
			Мужской род	Женский род	
Бирлик	moi	toi	lui	elle	soi
кўплик	nous	vous	eux	elles	

II. Мустақил урғули кишилиқ олмошларининг қўлланилиши

1) от ёки урғусиз кишилиқ олмошлари билан ифодаланган гапнинг эгасини, воситасиз ва воситали тўлдирувчиларни ажратиб кўрсатишда:

Moi, je pars pour Samarkand, toi, tu restes ici.

Мен Самарқандга жўнаб кетаман, сен эса шу ерда қоласан.

Poulate, lui, nous rejoindra plus tard.

Пўлат эса бизга кечроқ келиб қўшилади.

On la cherche, elle.

Уни қидиришмоқда.

On leur donne ce livre, à eux.

Бу китобни уларга беришмоқчи.

Эслатма. а) Агар **moi, toi, nous, vous, elle, elles** олмошлари феълдан олдин қўлланилса, улар феъл олдида урғусиз кишилиқ олмошлари **je, tu, me, te, nous, vous, elle, elles** кўринишида такрорланишлари шарт:

Toi, tu le feras. *Сен буни бажарасан.*

Toi, on te cherche. *Сени қидиришмоқда.*

Nous, ses amis, nous l'aiderons. *Биз унинг дўстларимиз, унга ёрдам берамиз.*

Lui, eux эга вазифасида **il, ils** олмошларисиз қўлланилиши мумкин:

Lui viendra, eux ne viendront pas.

У келади, улар эса келмайди.

б) Махсус урғули шаклга эга бўлмаган **nous, vous** олмошлари баъзан ажратиб кўрсатиш мақсадида **autre** сифати билан қўлланилиши мумкин:

Vous partez? Nous autre, nous restons.

Сиз жўнаб кетяпсизми? Биз эса қоляпмиз.

2) эга ёки тўлдирувчи вазифасида от ёки олмош билан бириккан ҳолда:

Lui et moi, nous aimons la musique classique.

У ва мен мумтоз муסיқаларни яхши кўрамиз.

Je les ai vus hier, lui et sa mère.

Мен кеча уни ва унинг онасини кўрдим.

3) эга ёки тўлдирувчи вазифасида феълсиз эллиптик гапларда:

Qui pourra les aider? Ким уларга ёрдам бера олиши мумкин?

Moi. Мен.

Qui appelle-t-on? Кимни чақиряпмиз?

Lui. Уни.

4) ундов гапларда:

Moi! Partir! Je ne veux pas!

Мен! Жўнашни! Мен хоҳламайман.

Lui ici! У шу ерда!

5) қиёслашда:

Je les connais mieux qu'elle.

Мен уларни унга нисбатан яхши биламан.

6) ажратиб кўрсатувчи ибораларда **c'est...qui, c'est...que;**

C'est à lui que je parle.

Мен у билан гаплашяпман.

C'est à eux que je pense.

Мен улар тўғрисида ўйлаяпман.

7) ибораларда:

C'est moi. Бу мен.

C'est vous. Бу сизлар.

Ce sont eux. Булар улар.

8) **même, seul** сўзлари билан:

Ils l'ont fait eux-mêmes.

Улар ўзлари бунга бажардилар.

Lui seul pourra vous répondre.

Фақат у сизга жавоб бера олади.

9) воситали тўлдирувчи вазифасида келадиган предлоглар билан:

Je suis sûr de lui. Менинг унга ишончим комил.

Je pars avec eux. Мен улар билан жўнаб кетяпман.

Je ne pars pas avec eux. *Мен улар билан жўнаб кетмаяпман.*
Venez chez moi! *Меникига келинглар!*
Ne comptez pas sur eux! *Уларга суянманг!*

Эслатма. 1. Одатда воситали тўлдирувчи вазифасидаги олмошлар тўғридан-тўғри феълдан олдин қўйилади. Улар **à** предлоги билан келган от ўрнида келади:
Je téléphone à ma soeur. *Мен опамга қўнғироқ қиляпман.*
Je lui téléphone. *Мен унга қўнғироқ қиляпман.*
Аммо: **penser à, songer à, tenir à, renoncer à** феълларидан кейин урғули кишилик олмошларини **à** предлоги билан қўллаш тақозо қилинади:
Je pense à mon ami. *Дўстим тўғрисида ўйлаяпман.*
Je pense à lui. *У тўғрисида ўйлаяпман.*
Je tiens à elle. *Мен уни қадрлайман.*
Je renonce à eux. *Мен уларга рад қиламан.*
Бундай бирикмалар **s'adresser à, s'habiter à, s'intéresser à** олмошли феъллари учун қўлланилади:
Je m'adresse à lui. *Мен унга мурожаат қиляпман.*
Il s'intéresse à eux. *У улар билан қизиқяпти.*
2. Агар олмошлар жонсиз предметлар ўрнида қўлланилса, урғули кишилик олмошлари **à** предлоги ўрнига **у** олмоши, **de** предлоги билан келган бўлса, **en** олмоши қўлланилади:
Avez-vous un crayon. *Қаламингиз борми?*
Oui, j'en ai un. *Ҳа, (ундан) битта бор.*
Vous intéressez-vous à la peinture? *Ранг тасвир билан қизиқасизми?*
Oui, je m'y intéresse. *Ҳа, у билан қизиқаман.*

Soi урғули кишилик олмоши

Soi олмоши **lui, elle** урғули олмошлари ўрнида қўлланилади:

1) **on, chacun, personne, nul, tout le monde** шахси ноаниқ олмошлари эга вазифасида келганда:

On n'est bien que chez soi. *Фақат уйда яхши бўлади.*

2) феълнинг шахсиз ибораларидан кейин:

Il est honteux de ne penser qu'à soi.

Фақат ўзи тўғрисида ўйлаш уят.

3) умуммаънода олинган отлар эга вазифасида бўлса:

L'égoïste ne pense qu'à soi.

Эгоист (худбин) фақат ўзи тўғрисида ўйлайди.

Аммо: Ce garçon ne pense qu'à lui.

Бу бола фақат ўзи тўғрисида ўйлайди.

Cette fille ne pense qu'à elle.

Бу қизалоқ фақат ўзи тўғрисида ўйлайди.

Soi олмоши бошқа урғули олмошлар каби **soi-même** шаклида ҳам бўлиши мумкин:

L'important est de rester soi-même.

Муҳими ўзи билан ўзи қолиш.

On олмоши

Шахси номаълум кишилик олмоши **on** урғусиз, феъл олди олмоши ҳисобланади. У фақат эга вазифасида қўлланилади. Феълнинг **on** олмошида тусланиши 3-шахс бирликда (**il, elle**) тусланиши билан бир кўринишга эга.

On олмошининг ўзбек тилида эквиваленти йўқ, бу олмош билан келган жумлалар маъносига қараб ҳар хил таржима қилинади.

1. **On** олмоши алоҳида шахсни англатмасдан умумий маънода қўлланилиши мумкин:

а) 3-шахс кўкликда келган феъл билан:

On sonne. Кўнғироқ чалмоқдалар.

On dit que... ... деб айтмоқдалар.

б) 3-шахс бирликда келган феъл билан:

On ne sait jamais ce qui peut arriver.

Нима содир бўлишини ҳеч қачон била олмайсан.

в) феълнинг мажҳул нисбатларида:

On sent l'approche de l'orage.

Момақалдироқ бўлиши сезиляпти.

On vend beaucoup de livres. Кўплаб китоблар сотиляпти.

Махсус ҳолларда:

on peut – мумкин

on voit – кўриняпти

on entend – эшитяпти

on sait que... – ...аниқ

Эслатма: Асосан ёзувда, баъзан эса оғзаки нутқда **et, ou, si** лардан кейин талаффузнинг жарангдорроқ чиқиши мақсадида **l'on** шакли қўлланилади.:

... et l'on vous dira;

Si l'on veut ...

L'endroit où l'on va ...

2. **On** олмоши исталган шахс ўрнида қўлланилиши ҳам мумкин, аммо бу ҳолат оғзаки нутққа хос:

On = je:

Déjà levé? – Oui, on est matinal.

Аллақачон турдингми? – Ҳа, мен барвақт турдим.

On = nous:

Salim et moi, on s'entend bien.

Салим ва мен, биз бир-биримиз билан яхши тил топишамиз.

On = tu:

Comment va-t-on ce matin?

Эрталаб ўзингни қандай ҳис қиляпсан?

On = il (elle, ils, elles):

Cette petite ne s'est même pas excusée.

Бу кичкинтой кечирим ҳам сўрамади.

On est trop fière pour ça.

Бу учун у жудаям мағрур.

Voilà ce que j'ai demandé.

Мана, бу ўша мен сўраган нарса.

Mais on s'est contenté(s,es) de sourire.

Унга жавобан менга тиржайиб қўйди.

En ва у олмошлари

En олмошининг қўлланилиши:

1) **de** предлоги билан келган от воситали тўлдирувчи ўрнида:

As-tu besoin de ce livre?

Сенга бу китоб керакми?

Non, je n'**en** ai pas besoin. (**en** = de cette livre)

Йўқ, у менга керак эмас.

J'aime cette ville.

Мен бу шаҳарни яхши кўраман.

J'**en** connais toutes les rues (**en** = de cette ville).

Мен унинг барча кўчаларини биламан.

2) бирлик ва кўпликда ноаниқ артикл билан воситасиз тўлдирувчи вазифасида келган отлар ёки қисмни билдирувчи артиклар ўрнида ҳамда предлог билан келган отлар ўрнида (бўлишсиз гапларда):

Avez-vous un crayon?

Сизда қалам борми?

Oui, j'**en** ai un. (= j'ai un crayon).

Ҳа, (менда ундан битта бор). (= Ҳа, менда қалам бор).

Non, je n'**en** ai pas (= je n'ai pas de crayon).

Йўқ. (менда ундан йўқ). (= менда қалам йўқ).

Connait-il des étudiants de la 3^e année?

У 3-босқич талабаларини танийдимми?

Il **en** connaît (**en** = des étudiants).

Танийди. (уларни = талабаларни)

Y a-t-il du sucre dans le sucrier?

Шакар соладиган идишда шакар борми?

Oui, il y **en** a (**en** = du sucre).

Ҳа, (ундан = шакардан) бор.

3) олдида саноқ сон, равиш ёки сонни билдирувчи сўз турган отлар ўрнида:

Combien de soeurs avez-vous?

Сизда нечта опа-сингил бор?

J'**en** ai trois. (j'ai trois soeurs)

Учта.

Y a-t-il beaucoup d'étudiants à la faculté?

Факультетда талабалар кўпми?

Il y en a beaucoup. (**en** = beaucoup d' étudiants).

Кўп. (улар = кўп талабалар).

4) **de** предлоги билан тўлдирувчи вазифасида келган бутун бир гап ўрнида ҳам қўлланилади. Бунда **en** олмоши **de** предлоги билан келган **cela** олмоши маъносини беради:

Son fils a bien subi ses examens, elle **en** est contente (**en** = de ce qu'il a bien subi ses examens).

Унинг ўғли имтиҳонларни яхши топширди, у ундан хурсанд.

У олмошининг қўлланилиши

Феъл олди у олмоши қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

1. **à** предлоги билан келган от воситали тўлдирувчи ўрнида:

Vous interessez-vous à la peinture?

Ранг тасвирга қизиқасизми?

Oui, je m'y interesse (**y** = à la peinture).

Ҳа, мен (унга = ранг тасвирга) қизиқаман.

2. **à** предлоги билан тўлдирувчи вазифасида келган бутун бир гап ўрнида қўлланилади. Бунда у олмоши **à** предлоги билан келган **cela** олмоши маъносини англатади:

A-t-il consenti à faire ce rapport?

У бу маърузани бажаришга рози бўлдими?

Oui, il y a consenti (**y** = à cela = à faire ce rapport).

Ҳа, у рози бўлди (бунга = бунга = бу маърузани бажаришга).

En ва у олмошларининг гапдаги ўрни

I. Барча феъл олди олмошлари каби **en** ва **у** олмошлари ҳам феълдан олдин қўйилади (буйруқ майлининг бўлишли шакли бундан мустасно). Мураккаб замонларда улар ёрдамчи феъл олдига қўйилади. Агар гапда бошқа бир олмош-тўлдирувчи бўлса, **en** ва **у** ундан кейин жойлашади:

Il **en** parle. *У бу тўғрисида гапиряпти.*

Il n'**en** parle pas. *У бу тўғрисида гапирмаяпти.*

En parle-t-il? *У бу тўғрисида гапиряптими?*

N'**en** parlons pas! *Бу тўғрисида гапирмайлик!*

Il ne leur **en** parle pas. *Уларга бу тўғрисида гапирмаяпти.*

J'**y** pense. *Мен бу тўғрисида ўйлаяпман.*

Je n'**y** pense pas. *Мен бу тўғрисида ўйламаяпман.*

Y pense-t-il? *У бу тўғрисида ўйлаяптими?*

N'**y** pense pas! *Бу тўғрида ўйлама!*

Je les **y** aide. *Мен уларга бунда ёрдам беряпман.*

II. Буйруқ майлининг бўлишли шаклида **en** ва **у** олмоши феълдан кейин жойлашади:

Parlons-**en**! *Бу тўғрисида гаплашиб олайлик!*

Parlez-lui-**en**! *У билан бу тўғрисида гаплашиб кўринг!*

Pensez-**y**! *Бу тўғрисида ўйлаб кўринг!*

Aidez-lez-**y**! *Бу (бирор нарса) тўғрисида уларга ёрдам беринг!*

Эслатма: 1. Агар 1-гуруҳ феъллари 2-шахс бирликдаги шаклидан кейин **en** ёки **у** олмошлари келадиган бўлса, **s** ҳарфи ўз ўрнида қолади:

Profites-**en**! *Булардан фойдалан!*

Penses-**y**! *Бу тўғрисида ўйлаб кўр!*

2. **en** ёки **у** олмошларидан олдин урғули кишилиқ олмошлари **moi** ёки **toi** келадиган бўлса, уларнинг шакли **me** ва **te** га айланади, 2-шахс бирликдаги феълдан кейин эса **s** ҳарфи тушириб қолдирилади:

Parle-m'**en**! *Мен билан бу тўғрисида суҳбатлаш!*

Prépare-t-**y**! *Бунга тайёргарлик кўр!*

Кўрсатиш олмошлари (Pronoms démonstratifs)

Француз тилида отдан олдин аниқловчи вазифасида қўлланиладиган **ce**, **cet**, **cette**, **ces** кўрсатиш сифатларидан ташқари отларсиз қўлланиладиган кўрсатиш олмошлари ҳам мавжуд.

Кўрсатиш олмошлари жадвали

	Бирлик			Кўплик	
	Мужской род	Женский род	Средний род	Мужской род	Женский род
Оддий	Celui	Celle	Ce, c'	Ceux	Celles
Мураккаб	Celui-ci	Celle-ci	Ceci	Ceux-ci	Celles-ci
	Celui-là	Celle-là	Cela, ça	Ceux-là	Celles-là

Эслатма. С' - шакли унли билан бошланувчи **être** феъли шаклидан олдин қўйилади.

Кўрсатиш олмошларининг қўлланилиши

1. Оддий кўрсатиш олмошлари **celui, celle, ceux, celles** одатда, аниқловчи эргаш гаплар билан бирга қўлланилади:

Regardez ces livres et choisissez celui qui vous plaira.

Бу китобларга қаранг ва ўзингизга ёққанини танланг. (сўзма-сўз таржима қилганда: Бу китобларга қаранг ва ўша китобни танланг, қайсики сизга ёқади.)

Cette photo n'est pas celle dont je vous ai parlé.

Мен сизга гапириб берган расм бу эмас. (Бу расм у эмас, қайсики тўғрисида мен сизга гапириб бердим.)

2. **De** предлоги билан келган тўлдирувчи – от ўрнида:

Sa chambre est plus claire que celle de son frère.

Акасининг хонасига қараганда, унинг хонаси ёруғроқ.

Montrez-moi vos cahiers et ceux de vos camarades.

Менга дафтарларингизни ва ўртоқларингизнинг дафтарларини кўрсатинг.

3. Средний роддаги кўрсатиш олмоши **ce** қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

а) **être** феъли билан келганда эга вазифасида (баъзан **devoir + être, pouvoir + être, sembler** феъл ва феъл бирикмалари билан):

C'est facile. *Бу осон.*

Ce sont mes amis. *Булар менинг дўстларим.*

Ce doit être très intéressant. *Бу жуда қизиқ бўлиши керак.*

Ce pourrait être grave. *Бу жиддий бўлиши мумкин.*

Эслатма. Бошқа феъллар билан эга вазифасида **cela, ceci (ça)** олмошлари қўлланилади

б) нисбий олмошнинг антисиденти (ўрнида келувчи) сифатида:

Ce que vous dites est très curieux.

Ўша, сиз гапираётган, жуда галати.

Ce à quoi je pense ne peut t'intéresser.

Ўша, мен ўйлаётган, сени қизиқтириши мумкин эмас.

в) қатор турғун бирикмалар тизимига киради:

ce me semble (= à ce qu'il me semble) *менинг назаримда (менимча)*

ce dit-on (= dit-on) *айтишияпти, дейишияпти*

ce faisant (= en faisant cela) *буни бажараётиб*

sur ce (= sur ces mots) *бу сўзлар билан*

Мужской ва женский роддаги мураккаб кўрсатиш олмошлари тўлдирувчисиз мустақил равишда қўлланилади:

а) бир предметни бошқа бир предмет билан таққослашда ёки қарама-қарши қўйишда фойдаланилади, бунда **ci** равиши яқин турган предметга нисбатан, **là** равиши эса бироз узоқроқда жойлашган предметга нисбатан қўлланилади.

De ces deux étudiants celui-ci travaille mieux que celui-là.

Бу икки талабадан буниси унисига нисбатан яхшироқ ишлайди.

J'aime le théâtre et le cinéma, mais je préfère celui-ci (le cinéma) que celui-là (le théâtre).

Мен театр ва кинони яхши кўраман, аммо театрда нисбатан кинони афзал кўраман.

б) бирор бир предметни ажратиб кўрсатиш учун:

De tous ces livres je prends celui-ci (celui-là).

Мен барча китоблардан бунисини (унисини) оламан;

с) **celui-ci** мустақил равишда қўлланилганда, **ce dernier** маъносини англатади ва ўзбек тилига **у, бу, кейингиси, охиргиси** каби таржима қилинади:

Il s'approche de mon ami, mais celui-ci ne le voit pas.

У дўстига яқинлашди, у эса уни кўрмади.

Мураккаб кўрсатиш олмошлари **ceci** ва **cela** ўзбек тилидаги кўрсатиш олмошларига тўғри келади. **Се** олмошидан фарқли ўлароқ, улар барча феъллар билан бирга келиб, гапда эса воситасиз ва воситали тўлдирувчи вазифасида келади:

Cela (ceci) me plaît. *Бу менга ёқади (эга).*

Expliquez-moi cela (ceci).

Буни менга тушунтириб беринг (воситасиз тўлдирувчи).

Ne parlons pas de cela (ceci).

Бу тўғрида гапирмай қўя қолайлик (воситали тўлдирувчи).

Ceci va cela олмошларининг қўлланилиши

Бир хилдек туюлсада, **cela** олмоши **ceci** олмошига нисбатан кўпроқ ишлатилади. Шу билан бир қаторда, уларни бир-биридан фарқловчи икки ҳолат мавжуд:

а) **ceci** ва **cela** олмошлари **celui-ci**, **celui-là** олмошларига ўхшаш тарзда таққосланади:

Ceci est plus facile que cela. Бу унга нисбатан осонроқ.

б) **ceci** содир бўладиган воқеага нисбатан, **cela** эса содир бўлган воқеага нисбатан:

Dites-lui ceci: je refuse.

Кейингиларни унга айтинг! Мен эътироз билдираман.

Je refuse, dites-lui cela.

Мен эътироз билдираман, унга буни айтинг;

с) **cela** нинг қисқартирилган шакли **ça** оғзаки нутқда кенг қўлланилади:

Comment ça va? Ишлар қалай?

Ça va bien. Ҳамаси яхши. (ҳаммаси жойида)

Ça me plaît. Бу менга ёқади.

Ça m'est égal. Менга барибир.

Ça y est! Ҳаммаси жойида! Тайёр!

Ça ne fait rien. Ҳечқиси йўқ (қўрқинчли эмас, хавотир олманг).

Эгалик олмошлари (Pronoms possessifs)

Француз тилида отлардан олдин қўлланиладиган эгалик сифатларидан ташқари отлар ўрнида уни ифодалаб, мустақил равишда қўлланиладиган эгалик олмошлари ҳам мавжуд.

Эгалик олмошлари жадвали

	Шахслар	Битта предмет		Кўп предметлар	
		Мужской род	Женский род	Мужской род	Женский род
Эгалик килувчи бирликда	1-шахс	le mien	la mienne	les miens	les miennes
	2-шахс	le tien	la tienne	les tiens	les tiennes
	3-шахс	le sien	la sienne	les siens	les siennes
Эгалик килувчи кўпликда	1-шахс	le notre	la notre	les nôtres	
	2-шахс	le votre	la votre	les vôtres	
	3-шахс	le leur	la leur	les leurs	

Жадвалдан кўриниб турибдики, эгалик олмошлари уларнинг ўрнида келаётган отлар билан мослашади:

а) ўрнида келаётган отлар билан род ва сонда;

б) эгалик қилувчи билан эса шахс ва сонда мослашади.

Эгалик олмошларидан олдин ҳар доим аниқ артикль қўйилади:

Je donne mon stylo au professeur.

Ручкамни ўқитувчига беряпман.

Donne-lui le tien.

Унга ўзингникини (ручкангни) бер.

Notre chambre est plus grande que la leur.

Бизнинг хона уларникига (хонасига) қараганда каттароқ.

Prenez vos livres et les leurs.

Китобларингизни олинг ва уларникини (китобларини) ҳам.

Le, les артикллари эгалик олмошлари таркибида келганда **à, de** предлоглари билан тутшиб кетади:

Je te parle de mon voyage et toi tu me parlera du tien.

Мен сенга саёҳатим тўғрисида гапириб бераман, сен эса ўзингники (саёҳатинг) тўғрисида менга гапириб берасан.

Сўроқ олмошлари (Pronoms interrogatifs)

Француз тилида қуйидаги сўроқ олмошлари мавжуд:

1) оддий: *qui, que, quoi, qui est-ce qui, qui est-ce que, qu'est-ce qui, qu'est-ce que;*

2) мураккаб: *lequel, laquelle, lesquels, lesquelles.*

Оддий сўроқ олмошлари жадвали

Гапдаги вазифаси	Жонли предметга	Жонсиз предметга
	Мужской ва женский родга нисбатан	Средний родга нисбатан
Эга	qui qui est-ce qui	qu'est-ce qui
Воситасиз тўлдирувчи	qui qui est-ce que	que qu'est-ce que
Воситали тўлдирувчи	à (de, chez, par, avec) qui à (de, chez, par, avec) qui est-ce que	à (de, chez, par, avec) quoi à (de, chez, par, avec) qu'est-ce que

I. Оддий сўроқ олмошларининг қўлланилиши:

1. **Qui** сўроқ олмоши фақат шахсларга нисбатан берилади, шунингдек, сўроқ гапларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

а) эгага нисбатан:

Qui entre? *Ким кирапти?*

б) кесимнинг от қисмига нисбатан:

Qui sont-ils? *Улар кимлар (ким)?*

в) воситасиз тўлдирувчи қисмига нисбатан:

Qui cherchez-vous? *Кимни қидириясиз?*

г) воситали тўлдирувчи қисмига нисбатан:

De qui parlez-vous? *Ким тўғрисида гапирясиз?*

Avec qui allez-vous au cinéma? *Ким билан кинога борясиз?*

Sur qui comptez-vous? *Сиз кимга суянасиз?*

Qui эгага сўроқ берилганда, *qui est-ce qui* сўроқ иборасига мос келади. *Qui* ва *qui est-ce qui* лардан кейин феъл доим 3-шахс бирликда қўйилади:

Qui est-ce qui entre? *Ким кирапти?*

Qui кесимнинг от қисмига, воситасиз ва воситали тўлдирувчи қисмларига сўроқ берилганда, *qui est-ce que* сўроқ иборасига мос келади. *Qui* дан кейин эга билан кесим ўрин алмашуви, яъни инверсия қилинади. *Qui est-ce que* дан кейин эса гапда тўғри сўз тартиби сақланиб қолади:

Qui êtes-vous? *Кимсиз?*

Qui est-ce que vous cherchez? *Кимни қидириясиз?*

Avec qui est-ce que vous allez au cinéma? *Ким билан кинога борасиз?*

2. **Que** сўроқ олмоши жонсиз предметга ва мавҳум тушунчани англатувчи отларга нисбатан берилади ва қуйидаги кўринишда бўлади:

а) воситасиз тўлдирувчи:

Que cherchez-vous? *Нимани қидириясиз?*

б) шахссиз феъл тўлдирувчиси:

Qu'y a-t-il dans cette serviette? *Бу портфель ичида нима бор?*

в) кесимнинг от қисмига:

Que devient-il? *У нима бўлди?*

Барча ҳолларда *que* олмоши *qu'est-ce que* сўроқ иборасига мос келади, *qu'est-ce que* сўроқ иборасидан кейин инверсия қилинмайди:

Qu'est-ce que vous cherchez? *Нимани қидириясиз?*

Qu'est-ce qu'il y a dans cette serviette? *Бу портфель ичида нима бор?*

Гапнинг эгасига нисбатан жонсиз предмет ёки мавҳум тушунчани англатувчи от бўлганда, *qu'est-ce qui* сўроқ ибораси қўлланилади:

Qu'est-ce qui l'empêche de travailler?

Унга ишлашига нима халақит беряпти?

Qu'est-ce qui se passe ici?

Бу ерда нималар бўляпти?

3. **Quoi** орқали фақат жонсиз предметларга ва мавҳум тушунчаларни англатувчи отларга сўроқ берилади:

а) одатда предлоглар билан воситали тўлдирувчиларга:

De quoi parlez vous? *Нима (лар) тўғрисида гапиряпсиз?*

A quoi vous interessez-vous? *Сиз нималар билан қизиқасиз?*

Quoi предлоглар билан келганда *à, de quoi est-ce que* сўроқ иборасига мос келади:

б) **Quoi** феълсиз гапларда эгага ёки воситасиз тўлдирувчига нисбатан берилиши ҳам мумкин:

Quoi de nouveau?

Нима янгилик (бор)?

Je veux vous dire une chose.

Мен сизга бир нарсани айтмоқчиман.

Quoi donc?

Нима экан у?

Мураккаб сўроқ олмошлари жадвали

Гапдаги вазифаси	Бирлик		Кўплик	
	Мужской род	Женский род	Мужской род	Женский род
Эга воситасиз тўлдирувчи	lequel	laquelle	lesquels	lesquelles
Воситали тўлдирувчи	auquel duquel avec, par ва ҳ.к. lequel	à laquelle de laquelle avec, par ва ҳ.к. laquelle	auxquels desquels avec, par ва ҳ.к. lesquels	auxquelles desquelles avec, par ва ҳ.к.lesquelles

II. Мураккаб сўроқ олмошларининг қўлланилиши

Мураккаб сўроқ олмошлари жонли ва жонсиз предметлар ўрнида қатор шахс ва предметлардан бирини танлашда қўлланилади. Улар гапда куйидаги вазифаларда келади:

а) эга вазифасида:

Lequel de ces stylos est à vous?

Бу ручкалардан қайси бири сизники?

б) воситасиз тўлдирувчи вазифасида:

Lequel de ces livres prends-tu?

Бу китоблардан қайси бирини оласан?

в) воситали тўлдирувчи вазифасида:

Auquel de tes amis écris-tu?

Дўстларингдан қайси бирига ёзяпсан?

Ils ont deux fils, duquel parlez-vous?

Уларнинг иккита ўғли бор, қайси бири тўғрисида гапиряпсиз?

Нисбий олмошлар (Pronoms relatifs)

Француз тилида икки хил нисбий олмошлар мавжуд: оддий ўзгармайдиган ва мураккаб, яъни родда ва сонда ўзгарувчи олмошлар.

Нисбий олмошлар жадвали

Оддий шакли	Мураккаб шакли			
Qui, que, quoi, dont, où	Бирлик		Кўплик	
	Мужской род	Женский род	Мужской род	Женский род
	lequel	laquelle	lesquels	lesquelles
	auquel duquel	à laquelle de laquelle	auxquels desquels	auxquelles desquelles

I. Оддий нисбий олмошларнинг қўлланилиши

Qui (*қайсики*) нисбий олмоши аниқловчи эргаш гапларда, қайси родда ва сонда бўлишидан қатъий назар, жонли ва жонсиз предметлар ўрнида келиб, эга вазифасида қўлланилади:

Voici un livre qui l'intéresse.

Мана уни қизиқтираётган китоб (Мана китоб, қайсики уни қизиқтиради).

Donne-moi la revue qui est sur table.

Столнинг устидаги журнални менга бер (Журнални менга бер, қайсики столнинг устида турибди).

Qui предлоглар билан (*à qui, de qui, avec qui, chez qui, sans qui*) фақат шахслар ўрнида, воситали тўлдирувчи вазифасида қўлланилади:

L'employé à qui je me suis adressé m'a donné tous les renseignements nécessaires.

Мен мурожаат қилган хизматчи менга барча зарур маълумотларни берди (хизматчи, кимга мен мурожаат қилдим, менга барча зарур маълумотларни берди).

Voici les étudiants avec qui j'ai voyagé l'été passé.

Мана ўтган йили ёзда мен билан бирга саёҳат қилган талабалар (Мана талабалар, кимлар билан мен ўтган йили саёҳат қилган).

Que жонли ва жонсиз предметлар ўрнида келиб, қайси родда ва сонда бўлишидан қатъий назар, воситасиз тўлдирувчи вазифасида қўлланилади:

La jeune fille que vous voyez est ma soeur.

Сиз кўриб турган қиз – менинг опам (Қиз, кимни сиз кўриб турибсиз, менинг опам).

L'article que vous lisez est écrit par mon ami.

Сиз ўқиётган мақола менинг дўстим томонидан ёзилган (Мақола, нимани сиз ўқияпсиз, менинг дўстим томонидан ёзилган).

Quoi предлоглар билан воситали тўлдирувчи вазифасида келади.

Quoi олмоши *ce, rien, quelque chose* ёки бутун бир гапдан кейин қўлланилади:

Ce de quoi elle parle me semble bien intéressant.

Ўша сиз гапирётган воқеа менинг назаримда жуда қизиқарли (Ўша, нима тўғрисида сиз гапирётган бўлсангиз, менинг назаримда жуда қизиқарли).

Je ne vois rien à quoi je puisse m'intéresser.

Мен қизиқишим мумкин бўлган ҳеч нарсани кўрмаяман.

Quoi кўпинча *voici, voilà* сўзларидан кейин қўлланилади:

Voilà à quoi je pense.

Ана, мен ўйлаётган нарса.

Voilà par quoi je vais commencer.

Мен нимадан бошламоқчи бўлиб турган нарса мана.

Dont предлог **de** билан келадиган жонли ва жонсиз предметлар (отлар) ўрнида қўлланилади (қайси родда ва сонда бўлишидан қатъий назар). Гапда отга, сифатга ва феълга тўлдирувчи бўлиб келади:

Voici le professeur dont les élèves travaillent bien (les élèves du professeur).

Ўқувчилари яхши шугулланадиган ўқитувчи мана (ўқитувчининг ўқувчилари).

C'est une auto dont je suis content (être content d'une auto).

Бу машинадан менинг кўнглим тўқ. Бу машинадан мен хурсандман (машинадан хурсанд бўлмоқ, кўнгли тўлмоқ).

Je voudrais voir le film dont on parle beaucoup (parler du film).

Кўпчилик гапирётган фильмни кўрмоқчи эдим (фильм тўғрисида гапирмоқ).

Dont сонга ёки ноаниқ олмошга тўлдирувчи бўлиб ҳам келиши мумкин, бунда **dont** ўзбек тилига (қайси) лардан, ичидан бўлиб таржима қилинади:

J'ai des livres dont je peux vous prêter trois (trois des livres).

Менда китоблар бор, улардан учтасини сизга бериб туришим мумкин.

Dont предлог билан келган отга тўлдирувчи бўлиб келмаслиги ҳам мумкин, бунда dont ўрнида маъно жиҳатидан тенг бўлган *de qui, duquel, de laquelle, desquels, desquelles* олмошлари қўлланилади:

Mes amis sans l'aide de qui je n'aurai pas fait ce travail (sans l'aide de mes amis).

Бу ишни дўстларимнинг ёрдамисиз қила олмаган бўлар эдим.

Le parc dans les allées duquel je me promène (dans les allées du parc).

Мен хиёбонларида сайр қиладиган парк (паркнинг хиёбонларида).

Qui, que, dont олмошлари средний родда ҳам бўлиши мумкин, бунда улар кўрсатиш олмоши **ce** дан кейин қўйилади:

Il ne fait pas attention à ce qui se passe autour de lui.

У атрофида содир бўлаётган воқеаларга эътибор бермаяпти.

Je te donne ce que j'ai.

Менда бор нарсани сенга беряпман.

C'est ce dont je me plains.

Бу ўша мен шикоят қиладиган нарса.

Où равиши нисбий олмош сифатида ҳам қўлланилиши мумкин, бунда у фақат жонсиз предметлар ўрнида келади. Гапда эса у ўрин ёки пайт ҳоли вазифасида келади.

Où ўрин ҳоли вазифасида келганда, маъно жиҳатидан **dans** предлоги билан **lequel (laquelle** ҳ.к.) олмошларига мос келади:

Je veux aller au village où je suis né (dans lequel).

Мен ўзим тузилган қишлоғимга бормоқчиман.

Où предлог **de** ва **par** билан бирга ҳам қўлланилиши мумкин:

Le village d'où je viens.

Мен туғилиб ўсган қишлоқ.

Voici la cour par où j'ai passé.

Мана мен катта бўлган ҳовли.

Où пайт ҳоли вазифасида келганда, ўзбек тилига қуйидагича таржима қилинади:

C'est le jour où elle ne travaille pas.

Бу у ишламайдиган кун (бу кун, қачонки у ишламайди).

Je suis venu chez lui au moment où il allait partir.

Мен уникига у кетишига отланаётган пайтда келдим (мен уникига келдим, қачонки у кетишига отланаётган эди).

II. Мураккаб нисбий олмошларнинг қўлланилиши

Мураккаб нисбий олмошлар жонли ва жонсиз предметлар ўрнида қўлланилади. Кўпинча улар *à, avec, sur, sans, pour, contre, vers* ва ҳ.к. предлоглар билан бирга ишлатилади ва гапда воситали тўлдирувчи вазифасида келади:

La maison vers laquelle nous nous dirigeons.

Биз қараб бораётган уй (уй қайсингаки биз қараб боряпмиз).

Le train par lequel il arrive à dix minutes de retard.

У келаётган поезд ўн дақиқага кеч қолиб келмоқда.

C'est la lettre à laquelle je n'ai pas encore répondu.

Бу мен ҳали жавоб ёзмаган хат (бу хат, қайсингаки мен ҳали жавоб ёзмадим).

Агар жониворлар ёки предметлар тўғрисида сўз бораётган бўлса, мураккаб нисбий олмошларнинг қўлланилиши шарт:

Le crayon avec lequel j'ai écrit.

Мен ёзаётган қалам (қалам, қайси биланки мен ёзяпман).

Voici le chien auquel j'ai donné cette viande.

Мана, мен бу гўштни берган ит (ит қайсингаки мен бу гўштни бердим).

Аммо шахслар тўғрисида сўз бораётган бўлса, **qui** олмошининг предлоглар билан қўлланилиши мақсадга мувофиқ:

Le camarade avec qui (avec lequel) je cause.

Мен суҳбатлашаётган ўртоқ (ўртоқ, ким билан мен суҳбатлашяпман).

Voici le garçon à qui (auquel) j'ai donné ce livre.

Мана, мен бу китобни берган бола (бола, кимга мен бу китобни бердим).

Шу билан бир қаторда, агар олмош ўзи ўрнида келаётган отдан кейин тўғридан-тўғри келмаса, род ва сонни билдирувчи мураккаб нисбий олмошларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади:

La femme du voisin auquel (à la quelle) je parle.

Мен гаплашаётган киши қўшимнинг хотини (қўшимнинг хотини, ким билан мен гаплашяпман).

Ноаниқ олмошлар (Pronoms indéfinis)

Француз тилида қуйидаги ноаниқ олмошлар мавжуд: *quelqu'un (quelqu'une), quelques-uns (quelques-unes), tout, personne, rien, l'autre (les autres), tel (telle), quiconque, quelque chose, certains (certaines), plusieurs, aucun (aucune), chacun (chacune), nul (nulle)*

Ноаниқ олмошларнинг қўлланилиши

Quelqu'un (кам ҳолларда) *кимдир, кимнидир, ҳеч ким* маъносида:
Quelqu'un crie. *Кимдир бақиряпти.*

Je cherche quelqu'un de plus modeste.

Мен камтаринроқ кишини (кимнидир) қидиряпман.

Қачонки ушбу олмош от ўрнида келганда, **quelqu'un** ёки **quelqu'une** шакли ўша отнинг родидан келиб чиққан ҳолда олинади:

Si vous rencontrez quelqu'une de ces difficultés...

Агар сиз бу қийинчиликлардан қандайдир бирортасини учратсангиз (дуч келсангиз)...

Quelques-uns (quelques-unes) олмоши *баъзи бир, бир неча, айримлари* маъносида:

Voici quelques-unes de ses vers.

Мана унинг шеърларидан баъзи бирлари.

Tout олмоши *бирликда, ҳамма, барча* маъносида:

Tout est calme. *Ҳамма(си) тинч (жойида, сокин).*

Il a tout compris. *У ҳаммасини тушунди.*

Tous [tus] (**toutes**) олмоши от ўрнида келганда, у билан родда мослашади ва ўзбек тилида *ҳаммаси* маъносида келади:

Ces livres sont tous pour vous.

Бу китобларнинг ҳаммаси сизлар учун.

J'ai invité chez moi plusieurs amies, toutes sont venues.

Мен уйимга бир неча дугоналаримни таклиф қилдим, уларнинг ҳаммаси келишди.

Tous le savent.

Ҳаммалари буни биладилар.

Tous бу маънода келганда, **tout le monde** ибораси билан тенг маънога эга (синоним) ҳисобланади, фарқи шундаки **tout le monde** иборасидан кейин феъл 3-шахс бирликда қўйилади:

<i>Таққосланг:</i>	}	<i>Ҳаммаси буни билади.</i>
Tous le savent		
Tout le monde le sait		

Aucun (aucune), nul (nulle) *ҳеч ким, бирорта ҳам* маъносида қўлланилади. Шу олмошлар иштирок этган гапларда бўлишсиз шаклни билдирувчи **ne-pas** юкламасининг **pas (point)** қисми тушириб қолдирилади:

Aucun ne voudrait être à ta place.

Ҳеч ким сенинг ўрнингда бўлишни хоҳламаган бўлар эди.

Aucune d'elles ne le connaît.

Улардан ҳеч ким уни танимайди.

De ses amis, nul ne peut t'aider.

Унинг дўстларидан бирортаси ҳам сенга ёрдам бера олмайди.

Personne - ҳеч ким, rien - ҳеч нима олмошлари

Бу олмошлар қатнашган бўлишсиз гапларда ҳам инкор юкламасининг иккинчи қисми тушириб қолдирилади.

Je ne vois personne.

Ҳеч кимни кўра олмаяпман.

Je n'entends rien.

Ҳеч нимани эшитмаяпман.

Je ne vois rien d'intéressant.

Қизиқарли ҳеч нимани кўрмаяпман.

Personne, rien олмошлари эллиптик гапларда ҳам кенг қўлланилади:

Qui t'appelle? *Ким сени чақиряпти?*

Personne. *Ҳеч ким.*

Qu'est-ce qu'il dit? *У нима деяпти?*

Rien. *Ҳеч нима.*

Сўроқ ва эргаш гапларда шубҳа, инкорни англатувчи **personne** – кимдир, бирорта (бирор киши) **rien** – биронта (бирор нарса) маъносида келади:

Je doute que personne vienne.

Кимдир (бирортасининг) келишига шубҳаланаяпман.

Avez-vous vu rien de plus beau?

Бирорта чиройлироқ нарсани кўрдингизми?

Autre олмоши ҳар доим артикль билан келади. **Une autre** – бошқа биров (бирор киши), кимдир бошқаси, **d'autre** - бошқалари маъносида келади:

Un autre vous aidera peut-être.

Кимдир бошқа бирортаси сизга ёрдам берар.

Votre pomme n'est pas bonne, prenez-en une autre.

Сизнинг олмангиз яхши эмас, бошқасини олинг.

D'autres pourront faire cette traduction.

Бошқалар бу таржимани қила олишлари мумкин.

L'autre олмоши кўпинча, **l'un** олмоши билан биргаликда қўлланилади: *l'un...l'autre, ni l'un ni l'autre, l'un ou l'autre, les uns...les autres* ва ҳ.к.:

J'ai apporté deux carte: l'une pour toi, l'autre pour Abbos.

Мен иккита харита олиб келдим: биттаси сен учун, бошқаси эса Аббос учун.

Ni l'un ni l'autre ne veulent partir.

Унису ҳам, бунису ҳам кетишни хоҳламайпти.

De tous les livres que vous demandez, les uns sont donnés, les autres sont vendus.

Сиз сўраётган китоблардан айримлари тарқатилган, бошқалари эса сотилган.

L'un l'autre, les uns les autres ҳаракат бирлигини ифодалайди ва ўзбек тилига *бир-бири (бирлари)* бўлиб таржима қилинади:

Ils s'aident les uns les autres.

Улар бир-бирларига ёрдам берадилар.

Ils se moquent l'un de l'autre.

Улар бир-бирларининг устидан кулмоқдалар.

Tel олмош сифатида фақат бирликда қўлланади ва кўрсатиш маъносини англатади:

Tel qui rit vendredi, dimanche pleurera.

Кўп кулган бир йиғлайди (Кимки (у) жума куни кулса, якшанба куни йиғлайди).

Un tel шакли атоқли от ўрнида қўлланилади, агар атоқли от сир тутилса ёки ўз оти билан айтиш керак бўлмаганда:

Monsieur un tel. *Жаноб шунақа.*

Madame une telle. *Хоним шунақа.*

Adressez-vous à un tel *га мурожаат қилинг.*

Quiconque олмоши фақат мужской родда қўлланилади ва ўзбек тилида *у, ўша, ким бўлишидан қатъий назар* маъносини беради:

Je le comprends mieux que quiconque.

Мен уни ундан (ким бўлишидан қатъий назар) яхшироқ биламан.

Quelque chose сўз бирикмаси ноаниқ олмош маъносини англатади ва ўзбек тилига *бирор нарса* маъносида таржима таржима қилинади:

Dites quelque chose! *Бирор нарса денг!*

Certains (certaines) – баъзи бирлар (*кимлардир*) фақат кўпликда қўлланилади:

Certains sont incapables de garder un secret.

Баъзи бирлар сир сақлаш қобилиятига эга эмаслар.

Certaines de ses amies la désapprouvent.

Унинг дугоналаридан баъзи бирлари уни айбламоқдалар.

Plusieurs – кўпчилик, бир нечтаси фақат кўпликда қўлланилади ва иккала род учун ҳам бир шаклда бўлади:

Plusieurs de mes amis ont quitté leur ville natale.

Дўстларимдан кўпчилиги (бир нечтаси) она шаҳрини ташлаб кетдилар.

Chacun (chacune) – ҳар ким (ҳар бир киши), олмоши кўплик шаклига эга эмас, ҳар доим бирликда қўлланилади. Бу олмош асосан маъно жиҳатидан шахсларга мансуб ва фақат мужской род шаклида қўлланилади:

Chacun peut se tromper.

Ҳар ким (ҳар бир киши) хато қилиши мумкин.

Агар **chacun** от ўрнида келадиган бўлса, у билан родда мослашади:

Remettez ces livres chacun à sa place.

Бу китобларнинг ҳар бирини ўз жойига қўйинг.

Ces robes coûtent 100 euros chacune.

Бу кўйлақларнинг ҳар бири 100 евродан туради.

Феъл (Verbe)

Француз тилида феъллар аниқлик майлининг ҳозирги замонда тусланиши жиҳатидан ва ноаниқ шакли кўшимчасига қараб учта гуруҳга бўлинади.

1-гуруҳга ноаниқ шаклда (инфинитив) **-er** кўшимчасига эга бўлган барча феъллар киради (**aller** ва **envoyer** бундан мустасно). Бундай феъллар француз тилида 5000 га яқинни ташкил қилади.

2-гуруҳга инфинитивда **-ir** кўшимчасига эга бўлган, феъл ўзаги ва ҳозирги замон кўшимчалари ўртасида кўпликдаги барча шахсларда **-iss** суффиксини оладиган феъллар киради. Бу гуруҳга тахминан 3000 та феъллар киради.

3-гуруҳга эса тусланишда умум қоидага эга бўлмаган, яъни бирор қоидага бўйсунмайдиган феъллар киради. Уларни нотўғри феъллар деб ҳам аташади. Бу феъллар сон жиҳатдан камчиликни ташкил қилади. Ушбу гуруҳга **-ir** кўшимчасига тутаган феъллар ҳам киради, аммо улар ҳозирги замон кўпликда тусланганда, **-iss** суффиксини олмайди.

Француз тилида феъллар майллар, замонлар, нисбатлар, шахслар ва сонлар каби грамматик категорияларга эга.

Майллар (Modes)

Француз тилида феъллар ўзбек тилидаги каби тўртта майлга эга: аниқлик (mode indicatif), шарт (mode conditionnel), буйруқ (mode impératif) ва истак (mode subjonctif) майллари. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, рус тилида ҳам тўртта майл мавжуд: изъявительное, условное, повелительное ва сослагательное.

Аниқлик майли иш-ҳаракатнинг бўлганлигини, бўлаётганлигини ёки бўлишлигини одатда аниқ фактлар асосида кўрсатади:

J'ai un livre.

Менинг китобим бор.

J'avais un livre.

Менинг китобим бор эди.

J'aurais un livre.

Менинг китобим бўлади.

Шарт майли эса иш-ҳаракатнинг бирор шартга нисбатан содир бўлиши эҳтимолини англатади:

Je préférerais rester ici.

Мен шу ерда қолишни афзал кўрган бўлар эдим.

Буйруқ майли буюришни ёки илтимосни англатади.

Lisez le livre!

Китобни ўқинг!

Donnez-moi le livre.

Китобни менга беринг.

Истак майли бошқа майллардан фарқли ўлароқ, эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг ўзини эмас, балки шу иш-ҳаракатга муносабатни англатади. Subjonctif ёрдамида гапираётган киши ўзининг ҳис-ҳаяжонини, шубҳасини ва бошқа сезгиларининг бош гапдаги иш-ҳаракатига нисбатан ифода этади:

Je doute qu'il vienne.

Мен унинг келишига шубҳаланаянман.

Мустақил гапларда subjonctif истак, буйруқ, ҳис-ҳаяжонни билдиради:

Qu'il vienne! *Майли кела қолсин!*

Soyez heureux! *Бахтли бўлсинлар!*

Замонлар (Temps)

Замон категорияси феъл билан ифодаланган иш-ҳаракатнинг ҳозирги, ўтган ёки келаси замонларнинг қайси пайтига тааллуқли эканлигини билдиради.

Замонларнинг категорияси феълларнинг оддий ва мураккаб шакллари билан ифодаланади:

Je dine. *Мен тушлик қиляпман.*

Je dînais. *Мен тушлик қилардим.*

Мураккаб замонлар **avoir** ёки **être** ёрдамчи феъллари ва тусланувчи феълнинг ўтган замон сифатдоши (**participe passé**) ёрдамида ҳосил бўлади:

J'ai dit. *Мен айтдим (дедим).*

Je suis entré. *Мен кирдим.*

Бундан ташқари, замонларнинг ўта мураккаб шакли ҳам мавжуд. Бунда ёрдамчи **avoir** феъли бирорта мураккаб замонлардан бирида қўйилади ва унга тусланувчи феълнинг ўтган замон сифатдоши (**participe passé**) қўйилади.

Бундай бирикма **être** ёрдамчи феъли билан жуда кам учрайди.

Le livre que nous avons eu lu.

Биз ўқиб чиққан китоб.

Оддий замонларнинг ҳосил бўлиши (Formation des temps simples)

Феълнинг ноаниқ шаклига (infinitif) қўшимчалар қўшиш йўли билан:

1. **Оддий келаси замон (Futur simple):** инфинитивга (феълнинг ноаниқ шакли) Futur simple қўшимчаларини (**-ai, -as, -a, -ons, -ez, -ont**) қўшиш йўли билан:

Je parlerai. *Мен гапираман.*

Nous parlerons. *Биз гапирамиз.*

2. **Шарт майлининг ҳозирги замони (Conditionnel présent):**

инфинитив + қўшимчалар **-ais, -ais, -ait, -ions, -iez, -aient**:

Je parlerais. *Мен гапирган бўлар эдим.*

Nous parlerions. *Биз гапирган бўлар эдик.*

Феълнинг ўзагига қўшимчалар қўшиш йўли билан ҳосил бўладиган оддий замонлар:

1. Аниқлик майлининг ҳозирги замони (Présent de l'indicatif):

а) биринчи гуруҳ феъллари учун:

феъл ўзагига **-e, -es, -e, -ons, -ez, -ent** қўшимчалари қўшилади:

Je parle. *Мен гапиряпман.*

Nous parlons. *Биз гапиряпмиз.*

б) иккинчи гуруҳ феъллари учун:

феъл ўзагига **-is, -is, -it, -issons, -issez, -issent** қўшимчалари қўшилади:

Je finis. *Мен тугатяпман.*

Nous finissons. *Биз тугатяпмиз.*

2. Истак майлининг ҳозирги замони (Présent du subjonctif):

а) биринчи гуруҳ феъллари учун:

феъл ўзагига **-e, -es, -e, -ions, -iez, -ient** қўшимчалари қўшилади:

Que je parle. *Мен гапира қолай.*

Que nous parlions. *Биз гапира қолайлик.*

б) иккинчи гуруҳ феъллари учун:

феъл ўзагига **-isse, -isses, -isse, -issions, -issiez, -issent** қўшимчалари қўшилади:

Que je finisse. *Мен тугатиб қўя қолай.*

Que nous finissions. *Биз тугатиб қўя қолайлик.*

3. Содда ўтган замон (Passé simple):

а) биринчи гуруҳ феъллари учун:

феъл ўзагига **-ai, -as, -a, -âmes, -âtes, -èrent** қўшимчалари қўшилади:

Je regardai. *Мен қараганман.*

Nous regardâmes. *Биз қараган эдик.*

б) иккинчи гуруҳ феъллари учун:

феъл ўзагига **-is, -is, -it, -îmes, -îtes, -irent** қўшимчалари қўшилади:

Je finis. *Мен тугатганман.*

Nous finîmes. *Биз тугатганмиз.*

Эслатма. Учинчи гуруҳ феъллари ҳар хил махсус ўзакка эга бўлади.

Аниқлик майли ҳозирги замони (Présent de l'indicatif) 1-шахс кўпликда тусланган феълнинг асосига (**-ons** қўшимчаси тушириб

қолдирилган кўриниши) **-ais, -ais, -ait, -ions, -iez, -aient** қўшимчаларини қўшиш йўли билан яна бир оддий – ўтган замон тугалланмаган, яъни **Imparfait** замони ҳосил бўлади.

Je parlais. *Мен гапирар эдим.*

Nous parlions. *Биз гапирар эдик.*

Présent de l'indicatif (аниқлик майлининг ҳозирги замони) дан Impératif (буйруқ) майли ҳосил бўлади. Буйруқ майли учта кўринишда бўлади. 2-шахс бирлик ва 1-2-шахс кўплик, 2-шахс бирлик феълларидаги **-s** тушириб қолдирилади, уччала шахсда ҳам кишилик олмошлари қўлланилмайди.

Parle! *Гапир!*

Parlons! *Гапирайлик!*

Parlez! *Гапиринг(лар)!*

Passé simple замонидан Imparfait du subjonctif замони ҳосил бўлади, бунда 2-шахс бирликдаги **-s** қўшимчаси ўрнига **-sse, -sses, -ât,(-ît, -ût), -ssions, -ssiez, -ssent** қўшимчаларини шахсларга мослаб қўйиш йўли билан шаклланади:

Que je parlasse. *Мен гапирган бўлар эдим.*

Qu'ils parlassent. *Улар гапирган бўлар эдилар.*

Шахс (Personne)

Француз тилида учта кишилик олмошларига мувофиқ учта шахс мавжуд. Шахс белгилари феълга қўшилган қўшимчаларда намоён бўлади, уларни шахс қўшимчалари деб аташ қабул қилинган. Бу борада айтиб ўтиш лозимки, 1-2-3-шахс бирликдаги қўшимчалари талаффуз қилинмайди, фақат бир неча шахслар учун бир хил бўлган асоси (ўзаги) талаффуз қилинади:

Je pense. *Мен ўйлаяпман.*

Tu penses. *Сен ўйлаяпсан.*

Il pense. *У ўйлаяпти.*

Шахс категорияси (бирлик ёки кўплик) бир хил асос билан ифодаланади, аммо баъзи бир феълларда бирлик ва кўпликда асос ўзгариб кетади:

Je reçois. *Мен оляпман.*

Nous recevons. *Биз оляпмиз.*

Нисбат (Voix)

Француз тилида учта нисбат мавжуд: ҳақиқий (актив) (voix active), мажхул (voix passive), олмошли (voix pronominale). Актив нисбатда (voix active) эга феъл билан ифодаланган иш-ҳаракатни бажаради:
Le garçon lance la balle. *Бола тўпни ташлаяпти.*

Мажхул нисбат **être** феълнинг тусланиши ва унга тусланувчи феълнинг **participe passé** сини қўшиш йўли билан билан ҳосил бўлади, бунда иш-ҳаракати тўлдирувчи томонидан амалга оширилади, ҳақиқий нисбатдаги эга эса **par** ёки **de** предлоглари ёрдамида тўлдирувчи бўлиб ўтади:

La balle est lancée par le garçon.

Тўп бола томонидан ташланди.

Par предлоги билан киритилган тўлдирувчи асосан **de** предлоги билан киритилган тўлдирувчига нисбатан фаол ва мустақил бўлади. **De** предлоги кўпинча, сезги, ҳис-ҳаяжон маъноларини англатувчи феъллардан кейин қўйилади:

Il est aimé de ses amis, compris de tous.

Унинг дўстлари томонидан севимлилиги ҳаммага аён.

Феълнинг тур категорияси (Aspect)

Феълнинг тур категорияси иш-ҳаракатининг бошланганидан, то тугашигача бўлган характерни англатади:

il prend – *у оляпти*; il a pris – *у олди*; il prenait – *у олар эди*:

se mettre à ... – *бирор нарса қилишни бошламоқ*;

laisser+Infinitif – *имкон бермоқ*; **faire+Infinitif** – *бирор нарса қилишга ундамоқ*;

Elle se mit à pleurer. *У йиглаб юборди.*

Laissez-moi passer! *Ўтишимга рухсат беринг!*

Je me suis fait faire une robe. *Мен ўзим учун кўйлакка буюртма бердим.*

Феълларнинг шахсиз шакли (Verbes impersonnels)

Шахсиз шаклда феъллар фақат 3-шахс бирликда шахсиз олмоши ёрдамида тусланади. Бунда **il** от ўрнида келмайди, фақатгина

грамматик жиҳатидан эга ҳисобланади ва ўзбек тилига таржима қилинмайди. Бу шакл қуйидаги ҳолларда юз беради:

а) табиат ҳодисаларини билдиришда:

Il fait froid. *Ҳаво совуқ.*

Il fait nuit. *Тун (қоронғи тушган).*

Il pleut. *Ёмғир ёғяпти.*

б) предмет ва ҳодисаларнинг мавжудлигини билдиришда:

Il y a. *Бор.*

с) иш-ҳаракатнинг содир бўлишини билдиришда:

Il faut. *Керак.*

Il est possible. *Мумкин, эҳтимол.*

Être – бўлмоқ, **avoir** – эга бўлмоқ, **arriver** – содир бўлмоқ, **sembler** – назарда бўлмоқ, **faire** – бажармоқ феъллари ва бошқа феъллар ҳам шахсли, ҳам шахсиз шаклда қўлланилиши мумкин:

Il est arrivé beaucoup de touristes. *Кўплаб сайёҳлар келишди.*

Il sont arrivés hier. *Улар кеча келдилар.*

Ёрдамчи феълларнинг тусланиши (Conjugaison des verbes auxiliares)

Avoir			
Аниқлик майли (Indicatif)			
Оддий замонлар (Temps simples)		(Temps composés)	
Présent de l'indicatif		Passé composé	
J'ai	Nous avons	J'ai eu	Nous avons eu
Tu as	Vous avez	Tu as eu	Vous avez eu
Il a	Ils ont	Il a eu	Ils ont eu
Elle a	Elles ont	Elle a eu	Elles ont eu
Futur		Futur antérieur	
J'aurai	Nous aurons	J'aurai eu	Nous aurons eu
Tu auras	Vous aurez	Tu auras eu	Vous aurez eu
Il aura	Ils auront	Il aura eu	Ils auront eu
Elle aura	Elles auront	Elle aura eu	Elles auront eu
Imparfait		Plus-que-parfait	
J'avais	Nous avions	J'avais eu	Nous avions eu
Tu avais	Vous aviez	Tu avais eu	Vous aviez eu
Il avait	Ils avaient	Il avait eu	Ils avaient eu
Elle avait	Elles avaient	Elle avait eu	Elles avaient eu
Passé simple		Passé antérieur	
J'eus	Nous eûmes	J'eus eu	Nous eûmes eu
Tu eus	Vous eûtes	Tu eus eu	Vous eûtes eu
Il eut	Ils eurent	Il eut eu	Ils eurent eu
Elle eut	Elles eurent	Elle eut eu	Elles eurent eu
Conditionnel			

Présent		Passé 1 ^{re} forme			
J'aurais Tu aurais Il aurait Elle aurait	Nous aurions Vous auriez Ils auraient Elles auraient	J'aurais eu Tu aurais eu Il aurait eu Elle aurait eu	Nous aurions eu Vous auriez eu Ils auraient eu Elles auraient eu		
		Passé 2 ^e forme			
		J'eusse eu Tu eusses eu Il eût eu Elle eût eu	Nous eussions eu Vous eussiez eu Ils eussent eu Elles eussent eu		
Subjonctif					
Présent		Passé			
que j'aie que tu aies qu'il ait qu'elle ait	que nous ayons que vous ayez q'ils aient qu'elles aient	que j'aie eu que tu aies eu que il ait eu que elle ait eu	que nous ayons eu que vous ayez eu que ils aient eu que elles aient eu		
Imparfait		Plus-que-parfait			
que j'eusse que tu eusses qu'il eût qu'elle eût	que nous eussions que vous eussiez q'ils eussent qu'elles eussent	que j'eusse eu que tu eusses eu que il eût eu que elle eût eu	que nous eussions eu que vous eussiez eu que ils eussent eu que elles eussent eu		
Infinitif					
Présent		Passé			
Avoir		Avoir eu			
Participe					
Présent		Passé		Passé composé	
Ayant		Eu		Ayant eu	
Impératif					
Présent			Passé		
Singulier 2 ^e personne Aie Pluriel 1 ^{re} personne Ayons Pluriel 2 ^e personne Ayez			Singulier 2 ^e personne Aie eu Pluriel 1 ^{re} personne Ayons eu Pluriel 2 ^e personne Ayez eu		

Être			
Temps simples		Temps composés	
Indicatif			
Présent		Passé composé	
Je suis	Nous sommes	J'ai été	Nous avons été
Tu es	Vous êtes	Tu as été	Vous avez été
Il est	Ils sont	Il a été	Ils ont été
Elle est	Elles sont	Elle a été	Elles ont été
Imparfait		Plus-que-parfait	
J'étais	Nous étions	J'avais été	Nous avions été
Tu étais	Vous étiez	Tu avais été	Vous aviez été
Il était	Ils étaient	Il avait été	Ils avaient été
Elle était	Elles étaient	Elle avait été	Elles avaient été
Passé simple		Passé antérieur	

Je fus Tu fus Il fut Elle fut	Nous fûmes Vous fûtes Ils furent Elles furent	J'eus été Tu eus été Il eut été Elle eut été	Nous eûmes été Vous eûtes été Ils eurent été Elles eurent été
Futur simple		Futur antérieur	
Je serai Tu seras Il sera Elle sera	Nous serons Vous serez Ils seront Elles seront	J'aurai été Tu auras été Il aura été Elle aura été	Nous aurons été Vous aurez été Ils auront été Elles auront été
Conditionnel			
Présent		Passé 1 ^e forme	
Je serais Tu serais Il serait Elle serait	Nous serions Vous seriez Ils seraient Elles seraient	J'aurais été Tu aurais été Il aurait été Elle aurait été	Nous aurions été Vous auriez été Ils auraient été Elles auraient été
Passé 2 ^e forme			
J'eusse été Tu eusses été Il eût été Elle eût été		Nous eussions été Vous eussiez été Ils eussent été Elles eussent été	
Subjonctif			
Présent		Passé	
que je sois que tu sois qu'il soit qu'elle soit	que nous soyons que vous soyez qu'ils soient qu'elles soient	que j' aie été que tu aies été qu'il ait été qu'elle ait été	que nous ayons été que vous ayez été qu'ils aient été qu'elles aient été
Imparfait		Plus-que-parfait	
que je fusse que tu fusses qu'il fût qu'elle fût	que nous fussions que vous fussiez qu'ils fussent qu'elles fussent	que j'eusse été que tu eusses été qu'il eût été qu'elle eût été	que nous eussions été que vous eussiez été qu'ils eussent été qu'elles eussent été
Infinitif			
Présent		Passé	
Être		Avoir été	
Participe			
Présent		Passé	
Etant		Ayant été	
Impératif			
Présent		Passé	
Singulier 2 ^e personne Sois Pluriel 1 ^{re} personne Soyons Pluriel 2 ^e personne Soyez		Singulier 2 ^e personne Aie été Pluriel 1 ^{re} personne Ayons été Pluriel 2 ^e personne Ayez été	

Тўғри феълларнинг тусланиши (Cojugaison des verbes réguliers)

I гуруҳ феъллари

Parler

Аниқлик майли (Indicatif)			
Оддий замонлар (Temps simples)		(Temps composés)	
Présent de l'indicatif		Passé composé	
Je parle Tu parles Il parle Elle parle	Nous parlons Vous parlez Ils parlent Elles parlent	J'ai parlé Tu as parlé Il a parlé Elle a parlé	Nous avons parlé Vous avez parlé Ils ont parlé Elles ont parlé
Futur		Futur antérieur	
Je parlerai Tu parleras Il parlera Elle parlera	Nous parlerons Vous parlerez Ils parleront Elles parleront	J'aurai parlé Tu auras parlé Il aura parlé Elle aura parlé	Nous aurons parlé Vous aurez parlé Ils auront parlé Elles auront parlé
Imparfait		Plus-que-parfait	
J'parlais Tu parlais Il parlait Elle parlait	Nous parlions Vous parliez Ils parlaient Elles parlaient	J'avais parlé Tu avais parlé Il avait parlé Elle avait parlé	Nous avions parlé Vous aviez parlé Ils avaient parlé Elles avaient parlé
Passé simple		Passé antérieur	
J'parlai Tu parlas Il parla Elle parla	Nous parlâmes Vous parlâtes Ils parlèrent Elles parlèrent	J'eus parlé Tu eus parlé Il eut parlé Elle eut parlé	Nous eûmes parlé Vous eûtes parlé Ils eurent parlé Elles eurent parlé
Conditionnel			
Présent		Passé 1 ^{re} forme	
Je parlerais Tu parlerais Il parlerait Elle parlerait	Nous parlerions Vous parleriez Ils parleraient Elles parleraient	J'aurais parlé Tu aurais parlé Il aurait parlé Elle aurait parlé	Nous aurions parlé Vous auriez parlé Ils auraient parlé Elles auraient parlé
Passé 2 ^e forme			
J'eusse parlé Tu eusses parlé Il eût parlé Elle eût parlé		Nous eussions parlé Vous eussiez parlé Ils eussent parlé Elles eussent parlé	
Subjonctif			
Présent		Passé	
que je parle que tu parles qu'il parle qu'elle parle	que nous parlions que vous parliez q'ils parlent qu'elle parlent	que j'aie parlé que tu aies parlé que il ait parlé que elle ait parlé	que nous ayons parlé que vous ayez parlé que ils aient parlé que elles aient parlé
Imparfait		Plus-que-parfait	
que je parlasse que tu parlasses qu'il parlât qu'elle parlât	que nous parlussions que vous parlussiez q'ils parlissent qu'elle parlissent	que j'eusse parlé que tu eusses parlé que il eût parlé que elle eût parlé	que nous eussions parlé que vous eussiez parlé que ils eussent parlé que elles eussent parlé
Infinitif			
Présent		Passé	
Parler		Avoir parlé	
Participe			

Présent	Passé	Passé composé
Parlant	Parlé	Ayant parlé
Impératif		
Présent	Passé	
Singulier 2 ^e personne Parle	Singulier 2 ^e personne Aie parlé	
Pluriel 1 ^{re} personne Parlons	Pluriel 1 ^{re} personne Ayons parlé	
Pluriel 2 ^e personne Parlez	Pluriel 2 ^e personne Ayez parlé	

II гурух феъллари

Finir			
Аниқлик майли (Indicatif)			
Оддий замонлар (Temps simples)		(Temps composés)	
Présent de l'indicatif		Passé composé	
Je finis	Nous finissons	J'ai fini	Nous avons fini
Tu finis	Vous finissez	Tu as fini	Vous avez fini
Il finit	Ils finissent	Il a fini	Ils ont fini
Elle finit	Elles finissent	Elle a fini	Elles ont fini
Futur		Futur antérieur	
Je finirai	Nous finirons	J'aurai fini	Nous aurons fini
Tu finiras	Vous finirez	Tu auras fini	Vous aurez fini
Il finira	Ils finiront	Il aura fini	Ils auront fini
Elle finira	Elles finiront	Elle aura fini	Elles auront fini
Imparfait		Plus-que-parfait	
Je finissais	Nous finissions	J'avais fini	Nous avions fini
Tu finissais	Vous finissiez	Tu avais fini	Vous aviez fini
Il finissait	Ils finissaient	Il avait fini	Ils avaient fini
Elle finissait	Elles finissaient	Elle avait fini	Elles avaient fini
Passé simple		Passé antérieur	
Je finis	Nous finîmes	J'eus fini	Nous eûmes fini
Tu finis	Vous finîtes	Tu eus fini	Vous eûtes fini
Il finit	Ils finirent	Il eut fini	Ils eurent fini
Elle finit	Elles finirent	Elle eut fini	Elles eurent fini
Conditionnel			
Présent		Passé 1 ^{re} forme	
Je finirais	Nous finirions	J'aurais fini	Nous aurions fini
Tu finirais	Vous finiriez	Tu aurais fini	Vous auriez fini
Il finirait	Ils finiraient	Il aurait fini	Ils auraient fini
Elle finirait	Elles finiraient	Elle aurait fini	Elles auraient fini
		Passé 2 ^e forme	
		J'eusse fini	Nous eussions fini
		Tu eusses fini	Vous eussiez fini
		Il eût fini	Ils eussent fini
		Elle eût fini	Elles eussent fini
Subjonctif			
Présent		Passé	
que je finisse	que nous finissions	que j'aie fini	que nous ayons fini
que tu finisses	que vous finissiez	que tu aies fini	que vous ayez fini
qu'il finisse	qu'ils finissent	qu'il ait fini	qu'ils aient fini

qu'elle finisse	qu'elles finissent	qu'elle ait fini	qu'elles aient fini
Imparfait		Plus-que-parfait	
que je finisse que tu finisses qu'il finît qu'elle finît	que nous finissions que vous finissiez q'ils finissent qu'elles finissent	que j'eusse fini que tu eusses fini que il eût fini que elle eût fini	que nous eussions fini que vous eussiez fini qu'ils eussent fini qu'elles eussent fini
Infinitif			
Présent		Passé	
Finir		Avoir fini	
Participe			
Présent	Passé		Passé composé
Finissant	Fini		Ayant fini
Impératif			
Présent		Passé	
Singulier 2 ^e personne Finis Pluriel 1 ^{re} personne Finissons Pluriel 2 ^e personne Finissez		Singulier 2 ^e personne Aie fini Pluriel 1 ^{re} personne Ayons fini Pluriel 2 ^e personne Ayez fini	

Ўтимли ва ўтимсиз феъллар (Verbes transitifs et intransitifs)

Феъл билан ифодаланган иш-ҳаракатини эга бажаради, аммо феълнинг иш-ҳаракати эгага эмас, бошқа бир предметга ўтади, бундай феълларни ўтимли феъллар деб атаймиз:

Je connais ce garçon. *Мен бу болани биламан (танийман).*

Ce garçon écrit la lettre. *Бу бола хат ёзган.*

Агар феъл билан ифодаланган иш-ҳаракати воситасиз тўлдирувчига ўтса, бундай феълларни воситасиз ўтимли феъллар (Verbes transitifs direct) деб атаймиз, аксинча, иш-ҳаракати воситали тўлдирувчига ўтса, уни воситали ўтимли феъл (Verbes transitifs indirect) деб атаймиз:

Pensez à votre famille. *Ойлангиз тўғрисида ўйланг.*

Агар феъл билан ифодаланган иш-ҳаракати тўлдирувчиларга (воситали ва воситасиз) ўтмасдан гапнинг эгасига қайтса, бундай феълларни ўтимсиз феъллар деб атаймиз. Бундай феъллар ўрин, пайт ва ҳолат ҳоллари билан тўлдирилади:

Nous sommes revenus hier. *Биз кеча қайтиб келдик.*

Il vient souvent. *У тез-тез келиб туради.*

Мураккаб замонларда ёрдамчи **avoir** феъли ёрдамида қуйидаги феъллар тусланади:

а) барча ўтимли феъллар (олмошли феъллардан ташқари);

б) баъзи бир *marcher* – юрмоқ, *voler* – учмоқ, *sauter* – сакрамоқ, *nager* – сузмоқ, *courir* – югурмоқ, *attérir* – ерга қўнмоқ феълларига ўхшаган ўтимсиз феъллар.

Қуйидаги ўтимсиз феъллар мураккаб замонларда ёрдамчи **être** феъли ёрдамида тусланади:

entrer – кирмоқ, *naître* – туғилмоқ, *venir* – келмоқ, *partir* – жўнаб кетмоқ, *éclore* – туғилмоқ, *descendre* – тушмоқ, *aller* – бормоқ, *sortir* – чиқмоқ, *mourir* – вафот этмоқ, *monter* – кўтарилмоқ, *arriver* – келмоқ, *tomber* – йиқилмоқ, *rester* – қолмоқ;

Exemple: Il est rentré tard. У кеч қайтиб келди.

Sortir, entrer, monter, descendre феъллари мураккаб замонларда **avoir** ёрдамида ҳам тусланиши мумкин, бунда уларнинг иш-ҳаракати воситасиз тўлдирувчига ўтади:

Je suis sorti.

Мен чиқдим.

J'ai sorti mon mâchoir de la poche.

Мен чўнтагимдан дастрўмолча(м)ни чиқардим.

Il est entré à l'Ecole Normale.

У педагогика ўқув юртига ўқишга кирди.

J'ai entré ma bicyclette chez moi.

Мен велосипедимни уйимга киритиб қўйдим.

Je suis monté aux 6^{ème} étage.

Мен олтинчи қаватга кўтарилдим.

J'ai monté la malle au 5^{ème} étage.

Мен чемоданни бешинчи қаватга кўтариб чиқдим.

Мажхул нисбатда феълларнинг тусланиш намунаси

Être obligé мажбур бўлмоқ			
Temps simples		Temps composés	
Mode indicatif			
Présent		Passé composé	
Je suis obligé	Nous sommes obligés	J'ai été obligé	Nous avons été obligés
Tu es obligé	Vous êtes obligés	Tu as été obligé	Vous avez été obligés
Il est obligé	Ils sont obligés	Il a été obligé	Ils ont été obligés
Elle est obligée	Elles sont obligées	Elle a été obligée	Elles ont été obligées
Imparfait		Plus-que-parfait	
J'étais obligé	Nous étions obligés	J'avais été obligé	Nous avions été obligés
Tu étais obligé	Vous étiez obligés	Tu avais été obligé	Vous aviez été obligés
Il était obligé	Ils étaient obligés	Il avait été obligé	Ils avaient été obligés
Elle était obligée	Elles étaient obligées	Elle avait été obligée	Elles avaient été obligées
Passé simple		Passé antérieur	
Je fus obligé	Nous fûmes obligés	J'eus été obligé	Nous eûmes été obligés

Tu fus obligé Il fut obligé Elle fut obligée	Vous fûtes obligés Ils furent obligés Elles furent obligées	Tu eus été obligé Il eut été obligé Elle eut été obligée	Vous eûtes été obligés Ils eurent été obligés Elles eurent été obligées
Futur simple		Futur antérieur	
Je serai obligé Tu seras obligé Il sera obligé Elle sera obligée	Nous serons obligés Vous serez obligés Ils seront obligés Elles seront obligées	J'aurai été obligé Tu auras été obligé Il aura été obligé Elle aura été obligée	Nous aurons été obligés Vous aurez été obligés Ils auront été obligés Elles auront été obligées
Mode Conditionnel			
Présent		Passé	
Je serais obligé Tu serais obligé Il serait obligé Elle serait obligée	Nous serions obligés Vous seriez obligés Ils seraient obligés Elles seraient obligées	J'aurais été obligé Tu aurais été obligé Il aurait été obligé Elle aurait été obligée	Nous aurions été obligés Vous auriez été obligés Ils auraient été obligés Elles auraient été obligées
Mode Impératif			
Sois obligé! Soyons obligés! Soyez obligés!			
Mode Subjonctif			
Présent		Passé	
que je sois obligé que tu sois obligé qu'il soit obligé qu'elle soit obligée	que nous soyons obligés que vous soyez obligés qu'ils soient obligés qu'elles soient obligées	que j' aie été obligé que tu aies été obligé qu'il ait été obligé qu'elle ait été obligée	que nous ayons été obligés que vous ayez été obligés qu'ils aient été obligés qu'elles aient été obligées
Imparfait		Plus-que-parfait	
que je fusse obligé que tu fusses obligé qu'il fût obligé qu'elle fût obligée	que nous fussions obligés que vous fussiez obligés qu'ils fussent obligés qu'elles fussent obligées	que j' eusse été obligé que tu eusses été obligé qu'il eût été obligé qu'elle eût été obligée	que nous eussions été obligés que vous eussiez été obligés qu'ils eussent été obligés qu'elles eussent été obligées
Infinitif			
Présent		passé	
Être obligé		Avoir été obligé	
Participe			
Présent		Passé composé	
Etant obligé		Ayant été obligé	

Олмошли феъллар (Verbes pronominaux)

Олмошли феъллар ўзбек тилида ўзлик олмошига эга бўлган феъллар деб ҳам юритилади. Булар бир шахсининг ўзида иккита олмош ёрдамида тусланади, бири эга вазифасини бажарса, иккинчиси эса тўлдирувчи вазифасини бажаради. Француз тилида

тўлдирувчи-олмош шахсга қараб ўзгаради, оддий замонларда тусланувчи феълан олдин, мураккаб замонларда эса ёрдамчи феълан олдин қўйилади. Барча олмошли феъллар мураккаб замонларда **être** ёрдамчи феъли билан тусланади.

Se laver – ювинмоқ олмошли феълнинг оддий ва мураккаб замонларда тусланиши

Présent de l'indicatif		
Forme affirmative	Forme négative	Forme interrogative
Je me lave	Je ne me lave pas	Est-ce-que je me lave?
Tu te laves	Tu ne te laves pas	Te laves-tu?
Il se lave	Il ne se lave pas	Se lave-t-il?
Elle se lave	Elle ne se lave pas	Se lave-t-elle?
Nous nous lavons	Nous ne nous lavons pas	Nous lavons-nous?
Vous vous lavez	Vous ne vous lavez pas	Vous lavez-vous?
Ils se lavent	Ils ne se lavent pas	Se lavent-ils?
Elles se lavent	Elles ne se lavent pas	Se lavent-elles?
Passé composé		
Forme affirmative	Forme négative	Forme interrogative
Je me suis lavé	Je ne me suis pas lavé	Me suis-je lavé?
Tu t'es lavé	Tu ne t'es pas lavé	T'es-tu lavé?
Il s'est lavé	Il ne s'est pas lavé	S'est-il lavé?
Elle s'est lavée	Elle ne s'est pas lavée	S'est-elle lavée?
Nous nous sommes lavés	Nous ne nous sommes pas lavés	Nous sommes-nous lavés?
Vous vous êtes lavés	Vous ne vous êtes pas lavés	Vous êtes-vous lavés?
Ils se sont lavés	Ils ne se sont pas lavés	Se sont-ils lavés?
Elles se sont lavées	Elles ne se sont pas lavées	Se sont-elles lavées?

Олмошли феъллардаги фарқ:

а) феълнинг иш-ҳаракати тўғридан-тўғри эгага қайтиб, ундаги тўлдирувчи-олмош воситасиз тўлдирувчи бўлиб келади (verbe réfléchi):

Il se lave. *У ювиняпти.*

б) иш-ҳаракатини бажаришда бир неча субъект қатнашади, шунинг учун ҳам эгага қайтган иш-ҳаракати субъектлар орасида ўзаро бажарилишини тақозо этади (verbes réciproques):

Les gamins se sont disputés.

Болалар ўзаро баҳслашишди.

с) мажхул нисбат маъносида келадиган феъллар (**se lire** – ўқилмоқ, **se vendre** – сотилмоқ):

Ce livre se lit facilement.

Бу китоб енгил ўқилади.

д) ўтимсиз феъллар олмошли феъл шаклида (**se repentir** – *пушаймон бўлмоқ, афсусланмоқ, s'évanouir* – *ҳушдан кетмоқ*):

Elle s'est sincèrement repentie.

У чин дилдан пушаймон бўлди.

Феълларнинг сўроқ шакли (Forme interrogative des verbes)

Феълнинг сўроқ шакли ёки **est-ce que** ибораси ёрдамида ёки инверсия (эга билан кесимнинг ўрин алмашуви) йўли билан ҳосил бўлади:

Est-ce que tu as? Сенда борми?

Parla-t-il? У гапирдими?

Бундай гапларда кесим билан эга орасига чизикча қўйилади, қачонки кесим ўқилмайдиган **-е** га ёки **-а** га тугаган бўлса, талаффузнинг жарангдор бўлиши учун улар орасига **-t-** иккита чизикча билан қўйилади:

va-t-il; parla-t-il

Французларда 1-шахс бирликда инверсия йўли билан сўроқ шакли ҳосил қилиш қабул қилинмаган, шунга қарамасдан **être, avoir, pouvoir, dire, savoir, devoir** феъллари билан 1-шахсда бирликда ҳам инверсия қилинади:

suis-je, ai-je, puis-je, dis-je, sais-je, dois-je

Қолган барча феълларда сўроқ шакли 1-шахс бирликда **est-ce que** сўроқ ибораси ёрдамида амалга оширилади:

Est-ce que j'ouvre? Очяпманми?

Est-ce que je travaille? Ишляпманми?

Est-ce que je ris? Куляпманми?

Агар гап қандайдир бир сўроқ сўзи билан бошланса (**où** *қаерга, қаерда; comment* *қандай; combien* *қанча* ва ҳ.к.), эга кесимдан кейин қўйилади:

Où irons-nous? Биз қаерга борамиз?

Quand partez-vous? Қачон жўнаб кетяпсиз?

Агар гапнинг эгаси от билан ифодаланган бўлса, унда у (от билан ифодаланган гапнинг эгаси) сўроқ сўзидан олдин ёки кейин қўйилиб, кесимдан кейин от ўрнидаги олмош 3-шахсда қўйилади:

Votre voisin où est-il allé?

Қўшинингиз қаерга кетди?

Quand vos soeurs sont-elles revenues?

Опаларингиз (сингилларингиз) қачон қайтиб келишди?

Мураккаб замонларда инверсия қилинганда, эга билан ёрдамчи феъл ўрин алмашади:

Comment avez-vous passé le temps?

Вақтни қандай ўтказдингиз?

Феълларнинг бўлишсиз шакли (Formes négative des verbes)

Феълларнинг бўлишсиз шаклда тусланиши **ne...pas, ne...point** ва кам қўлланиладиган **ne...plus, ne...guère, ne...jamais** каби бўлишсиз иборалари ёрдамида амалга оширилади. Барча оддий замонларда феъл-кесим биринчи ва иккинчи бўлишсиз иборалари оралиғида жойлашади:

Je ne lis pas. Мен ўқимаяман.

Il ne comprend point. У ҳеч нарсани тушунмаяпти.

Je ne suis guère fatigué. Мен унчалик чарчамадим.

Il ne sort plus le soir. У кечқурун бошқа чиқмайди.

Феъл олди олмоши бўлишсиз шаклда иборанинг биринчи бўлагидан, яъни **ne** дан кейин жойлашади:

Je ne le rencontre jamais. Мен уни ҳеч қачон учратмайман.

Personne, rien, aucun, nul олмошлари ва **jamais, aucunement, nullement, nulle part** каби бўлишсизлик маъносида келадиган равишлар бўлишсиз иборанинг иккинчи бўлаги ўрнида келади:

Je ne le vois nulle part.

Мен уни ҳеч қаерда кўрмаяпман.

Il n'est nullement fatigué.

У ҳеч ҳам чарчамади.

Je ne trouve aucun livre intéressant.

Мен ҳеч қанақа қизиқарли китобни топмадим.

Il ne cherche personne.

У ҳеч кимни қидираётгани йўқ.

Cet élève ne sait rien.

Бу ўқувчи ҳеч нарса билмайди.

Мураккаб замонларда ёрдамчи феъл бўлишсиз иборалар орасида жойлашади:

Elle n'a pas rencontré ses amies.

У дугоналарини учрата олмади.

Агар бўлишсизликнинг иккинчи бўлаги **personne, aucune, nul** каби олмошлар билан ифодаланган бўлса, унда булар Participe passé дан кейин қўйилади:

Elle n'a aperçu personne.

У ҳеч кимни пайқамади.

Феълнинг шахсиз формасида Infinitif présent бўлишсиз иборасининг иккала қисми ҳам феълдан олдин қўйилади:

Ne pas crier. *Бақирманг.*

Агар инкорнинг иккинчи қисми **aucun, nul, personne** олмошлари билан ифодаланган бўлса, унда умумий қоида бўйича бўлишсиз форма ҳосил бўлади:

Ne voir personne. *Ҳеч кимни кўрмаслик.*

Ne craindre aucun danger. *Ҳеч қандай хавфдан қўрқмаслик.*

Аниқлик майли (Mode indicatif)

Présent

Қўлланилиши:

1. Иш-ҳаракатнинг айнан нутқ жараёнида ёки доимий равишда бажарилиб туришини ифодалайди:

Il écrit une lettre. *У хат ёзаяпти.*

La terre tourne. *Ер айланиб туради.*

2. Яқин ўтган ёки яқин келаси замон маъносида:

Il sort d'ici à l'instant. *У ҳозиргина шу ердан чиқди.*

Attendez-moi, je viens. *Мени кутиб туринг, мен келаман.*

3. Одатий, яъни такрорланиб турадиган иш-ҳаракатни ифодалашда:

On dine chez nous à 6 heures. *Бизда соат 6 да тушлик қилинади.*

4. **Si** боғловчисидан кейин гипотетик гапларда Futur simple замони ўрнида қўлланилади:

S'il vient demain, nous irons en ville.

Агар у эртага келса, биз шаҳарга борамиз.

Futur simple

1. Ҳозирги замонга нисбатан иш-ҳаракатнинг келгусида содир бўлишини билдиради:

Il promet qu'il viendra dans une semaine.

У бир ҳафтадан кейин қайтиб келишига ваъда бераяпти.

2. Бу замон модал тусини олиб қўлланилиши ҳам мумкин:

а) юмшоқроқ тарзда илтимос қилишда:

Je vous prierai de prêter attention à mes paroles.

Мен сиздан сўзларимга эътибор беришингизни илтимос қиламан.

б) қатъий буйруқ маъносида:

Tu sortiras le dernier!

Сен охиргиси бўлиб чиқасан!

в) ўтган замонда фараз қилиш маъносида:

Elle n'est pas venue, elle sera malade.

У келмади, балки у касал бўлиб қолгандир.

Futur antérieur

1. Futur antérieur иш-ҳаракатининг келгусида бошқа бир иш-ҳаракатидан олдин бажарилишини билдиради:

Quand tu reviendras j'aurai déjà fini mon travail.

Сен қайтиб келганингда, мен алақачон ишимни тугатган бўламан.

2. Иш-ҳаракатининг аниқ бир муддатда бажарилишини билдиради:

Dans deux mois les étudiants auront fini leurs études.

Икки ойдан кейин талабалар машғулотларини тугатадилар.

3. Баъзан иш-ҳаракати ўтган замонда бажарилиши фараз қилинади ва ўзбек тилига *балки, эҳтимол, бўлиши мумкин, эҳтимоли бор* деб таржима қилинади:

Je ne trouve pas mon manuel, je l'aurais laissé chez moi.

Мен дарслигимни топа олмаяпман, эҳтимол, мен уни уйда қолдиргандирман.

Passé composé

Қўлланилиши:

1. Ҳозирги замон билан боғлиқ бўлган ва алоҳида ўтган тугалланган иш-ҳаракатини билдиради:

Je vous rends le livre que j'ai pris hier.

Мен сизга кеча олган китобни қайтариб беряпман.

2. Иш-ҳаракатнинг чегараланган вақтда бўлиб ўтганини ифодалайди:

Il a passé six jours à Tachkent.

У Тошкентда олти кунни ўтказди.

Passé composé замони оғзаки нутқда, матбуот ва бадиий асарларда кўп қўлланилади.

Passé simple

Passé simple – бу замон ўтган тугалланган вақтда чегараланган, лекин ҳозирги замон билан боғлиқ бўлмаган иш-ҳаракатини

ифодалашда хизмат қилади. Passé simple бўлиб ўтган тарихий воқеаларни ёзувда баён қилишда фойдаланилади:

L'hiver de 1941 fut très rigoureux.

1941 йилнинг қишида жудаям қаттиқ совуқ бўлган эди.

Кўпинча Passé simple 3-шахс бирлик ва кўпликда қўлланади:

Ils se mirent à table à six heures.

Улар соат олтида стол атрофига ўтирдилар.

Imparfait

Imparfait ўтган тугалланмаган, маълум бир пайтда, вақтда чегараланмаган ҳолда такрорланиб турган иш-ҳаракатини ифодалайди ва қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

1. Тасвирлашда:

Il pleuvait, le ciel était gris. Ёмғир ёғиб турар эди, осмон қулранг эди.

2. Одатда содир бўладиган иш-ҳаракатнинг ва унинг қайтарилиб турилишини ифодалашда:

Chaque jeudi mon ami venait chez nous et nous passions gaiement la journée.

Ҳар пайшанба менинг дўстим бизникига келиб туради ва кунни биз хушчақчақ ўтказамиз.

3. Иш-ҳаракатнинг ўтган замонда бошқа бир ўтган замон билан бир вақтда содир бўлаётганлигини ифодалашда:

Je dormais pendant que vous lisiez.

Сиз ўқиётганингизда мен ухлаб ётар эдим.

4. Ўзлаштирма гапда агар бош гапдаги феъл ўтган замонда турган бўлса, эргаш гапда Imparfait ҳозирги замон ўрнида қўлланилади:

Il m'a dit qu'il lisait un livre intéressant.

У менга қизиқарли китоб ўқиётганлигини айтди.

Шарт майлидаги гапларда, Imparfait эргаш гапда **si** (агар) боғловчисидан кейин қўлланилади:

Nous ferions un tour dans le parc si le vent était moins fort.

Биз бу боғни айланган бўлардик, агар шамол бунчалик кучли бўлмаганда (Агар шамол бунчалик кучли бўлмаганда, биз боғни айланган бўлардик).

Plus-que-parfait

Plus-que-parfait иш-ҳаракатининг ўтган замонда бошқа бир ўтган замондан олдин содир бўлганлигини ифодалайди:

Nous étions déjà rentrés chez nous quand l'orage éclata.

Момақалдироқ гумбурлаган пайтда, биз алақачон уйга қайтган эдик.

Après que, quand, lorsque, dès que боғловчиларидан кейин пайт эргаш гапларда Plus-que-parfait замони қўлланилади, бош гапда эга Imparfait замонида олинади, бунда Plus-que-parfait ўтган замонда такрорланиб борадиган иш-ҳаракатни билдиради:

Dès que les jeunes filles avaient fini leur travail elles quittaient l'atelier.

Қизлар ишларини тугатиб бўлгач, устахонадан чиқиб кетишардилар.

Plus-que-parfait **si** боғловчисидан кейин гипотетик жумлаларда ўтган замонда бажарилиши фараз қилинган иш-ҳаракатини ифодалашда қўлланилади:

S'il l'avait supposé, il aurait pris des mesures.

Агар у буни фараз қилганда эди, чорасини кўрган бўларди.

Plus-que-parfait **si** боғловчисидан кейин мустақил гапларда хоҳишни, мойилликни ифодалайди:

Ah! S'il avait pu le prévoir. *Оҳ! У буни олдиндан кўра олганда эди.*

Passé antérieur

1. Passé antérieur асосан эргаш гапларда **quand, dès que, à peine...que** каби боғловчилардан кейин қўлланилади.

Dès que l'homme eût aperçu le gamin il l'appela.

Одам (киши) болани кўриши биланоқ уни чақирди.

2. Мустақил гапларда Passé antérieur иш-ҳаракатининг тезда содир бўлишини билдиради.

On apporta de la viande et un instant l'animal l'eut avalé.

Гўшт олиб келишди ва бир лаҳзада ҳайвон уни ютиб юборди.

Оғзаки нутқда Passé antérieur қўлланилмайди.

Шарт майли (Conditionnel)

Conditionnel да 2 та замон мавжуд: Présent ва Passé. Conditionnel présent бош гапда ҳам, эргаш гапда ҳам қўлланилади:

1. Ҳозирги ва келаси замонда бажарилиш шартига қарам бўлган иш-ҳаракатини ифодалайди: Бунда Conditionnel présent бош гапда қўлланилади, эргаш гапда эса **si** боғловчисидан кейин Imparfait замони олинади:

Je serais content s'il venait ce soir.

Мен хурсанд бўлган бўлар эдим, агар у бугун кечқурун келган бўлганда.

2. Иш-ҳаракат бажарилишининг мумкинлиги фараз қилинганда қўлланилади:

Si le temps devenait meilleure, nous irions demain à la campagne.

Агар об-ҳаво яхши бўлганда эди, биз эртага шаҳардан ташқарига чиққан бўлардик.

3. Амалга ошириб бўлмайдиган иш-ҳаракатини ифодалашда:

Si cette rivière étaient moins large, on pourrait la franchir à la nage.

Агар бу дарё кенг бўлмаганда эди, уни сузиб ўтиш мумкин бўларди.

Мустақил гапларда шарт майли (Conditionnel) қуйидаги ҳолларда ифодаланади:

а) тилаклар билдириш, илтимос, юмшатиш маънода тасдиқлаш ёки буйруқ беришда Conditionnel сўроқ формада:

Ne pourriez-vous pas me passer le journal?

Менга газетани узатиб юбора олмайсизми?

Je voudrais vous parler.

Мен сиз билан гаплашиб олишим керак.

б) ҳайратланиш, ҳайрон қолиш маъносида:

Quoi? Oserait-il vous refuser ce service!

Нима? Қандай қилиб у сизга бу хизматда эътироз билдиришга журъат қила олди!

с) гапираётган киши тўғрилигига кафиллик бера олмайдиган фактни, далилни баён қилишда. Бу асосан матбуотда қўлланилади.

L'arrestation du criminel ne serait qu'une question d'heures.

Жиноятчини қамоққа олиш – бу, эҳтимол, бир неча соатлик муаммодир.

Conditionnel passé мураккаб замондир, у икки хил шаклга эга:

1-шакл **j'aurais dû**

2-шакл **j'eusse dû**

Истак майлининг Plus-que-parfait замонида **que** боғловчиси қўлланилмайди.

Conditionnel passé ўтган замонда амалга оширилиши аниқ бир шартга боғлиқ бўлган иш-ҳаракатини ифодалайди:

Si ce jeune homme avait mieux connu les mathématiques il n'aurait pas échoué à l'examen.

Агар бу йигит математикани яхшироқ билганида эди, у имтиҳондан ўтмаган бўларди.

Бундан ташқари, Conditionnel passé худди Conditionnel présent каби иш-ҳаракатининг ёки ҳозирги замонда, ёки келаси замонда тугалланган бўлишини билдириши ҳам мумкин.

Si j'en avais eu la possibilité j'aurais achevé mon instruction en moins d'un an.

Агар менда имконият бўлганда эди, бир йилдан озроқ вақт ичида маълумотли бўлардим.

Шарт эргаш гапларда Conditionnel passé ўрнини аниқлик майлининг Plus-que-parfait замони эгаллайди, иккинчи шаклда эса ўрин алмашиш рўй бермайди:

S'il eût beaucoup voyagé il aurait (eût) beaucoup appris.

Агар у кўп саёҳат қилганда эди, кўп нарсаларни билиб олган бўларди.

Si боғловчиси билан келган шарт эргаш гапларининг хусусиятлари

Агар **si** боғловчисидан кейин эргаш гапда феъл-кесим Conditionnel майлида эмас Indicatif майлида қўйилган бўлса, бош ва эргаш гапларда замонлар қуйидагича қўлланилади:

Эргаш гап

Si...présent

S'il ne pleut pas demain,

Агар эртага ёмғир ёзмаса,

Si...imparfait

S'il ne pleuvait pas demain,

Агар эртага ёмғир ёзмаса эди,

Si...plus-que-parfait

S'il n'avait pas plu hier,

Агар кеча ёмғир ёзмаганда эди,

Бош гап

Futur simple

nous ferons une promenade.

биз сайр қиламиз.

Conditionnel présent

nous ferions une promenade.

биз сайр қилган бўлар эдик.

Conditionnel passé

nous aurions fait une promenade.

биз сайр қилган бўлар эдик.

Futur dans le passé

Conditionnel présent шакли эргаш гапларда келаси замон ўрнида келади ва бунда у ўтган замондаги келаси замонни билдиради. Бундай ҳолатда Conditionnel майл маъносига эмас, замон маъносига эга бўлади.

Қиёсланг:

Je pense qu'il partira demain.

Мен унинг эртага кетаётганлигини ўйлаяпман.

Je pensais qu'il partirait demain.

Мен уни эртага кетади деб ўйлабман.

Истак майли (Subjonctif)

Мустақил ва эргаш гапларда Subjontif майлининг қўлланилиши ва маъносини фарқлай олиш керак.

1. Мустақил гапларда Subjontif 3-шахс бирлик ва кўпликда буйрук майли вазифасини ўтаган ҳолда истак, буйрукни англатади:

Qu'il fasse son devoir! *Майли ўз бурчини бажарсин!*

Qu'elle sorte à l'instant! *У тезда чиқсин!*

Бундан ташқари, қаҳр-ғазаб, ажабланишни ҳам билдиради:

Que je le fasse! *Мен бун қилишим керакми! Jamais! Ҳеч қачон!*

2. Бош гап билан тўлдирувчи эргаш гап que боғловчиси орқали боғланиб, бош гаптаги феъл-кесим шубҳа, хавотирланиш, хоҳиш, истак, ажабланиш, ачиниш каби ҳисларни англатса, эргаш гапта Subjontif майли қўлланилади:

Je doute qu'elle vienne.

Унинг келишига шубҳаланаянман.

Il regrette que vous ne puissiez pas venir ce soir.

У сизнинг бугун кечқурун кела олмаслигингизга ачиняпти.

J'ai peur qu'il ne puisse pas partir immédiatement.

Унинг тез орада жўнаб кета олмаслигидан қўрқаянман.

Je crains que l'enfant ne tombe pas malade.

Боланинг касал бўлиб қолишидан қўрқаянман.

3. Зарурият, истак, эҳтимолликни билдирувчи шахссиз иборалардан кейин:

Il est possible que nous soyons libres toute la journée.

Эҳтимол, кун бўйи бўш бўлармиз.

Il est désirable que soyez ici à midi.

Сиз туш вақти шу ерда бўлсангиз яхши бўлар эди.

4. Фикр, мулоҳазаларни англатувчи қуйидаги феъллардан кейин
penser – ўйламоқ

croire – ишонмоқ

supposer – фараз қилмоқ

estimer – ҳисобламоқ (деб билмоқ)

être sûr – ишонмоқ (хотиржам бўлмоқ)

Фақат сўроқ ва бўлишсиз шаклларда:

Pense-tu qu'il vienne aujourd'hui?

Унинг бугун келиши тўғрисида ўйлаясанми?

Non, je ne pense pas qu'il vienne aujourd'hui.

Йўқ, мен унинг бугун келиши тўғрисида ўйлаётганим йўқ.

Je pense qu'il viendra demain. *Ўйлашимча, у эртага келади.*

5. Орттирма даражадан ва **l'unique** – *ягона*, **le premier** – *биринчи*, **le dernier** – *охирги* ибораларидан кейин:

C'est l'unique ami qu'il ait.

У унинг ягона дўсти.

6. Subjonctif қандайдир бир мақсад, истакни англатувчи эргаш гапларда қўлланилади:

Donne-moi un livre qui soit plus intéressant.

Менга қизиқроқ бўлган китобни бер.

Je cherche quelqu'un qui puisse me donner l'adresse de ce camarade.

Мен бу ўртоқнинг манзилини бера оладиган кимсани қидирияман.

Истак майлининг замонлари (Les temps du subjonctif)

Subjonctif майли тўртта замонга эга: Présent, Passé, Imparfait, Plus-que-parfait.

Présent ва Passé

1. Présent du subjonctif оддий замон ҳисобланади. Бош гапдаги феъл-кесим ҳозирги ёки келаси замонда бўлса ва иш-ҳаракатнинг эргаш гапдаги иш-ҳаракат билан бир вақтнинг ўзида ёки ундан кейин бажарилишини англатса, эргаш гапда Présent du subjonctif қўлланилади:

Veux-tu que je vienne chez toi ce soir?

Бугун кечқурун сеникига келишимни хоҳлайсанми?

Il faut qu'elle parte dans une semaine.

У бир ҳафтадан кейин кетган бўлиши керак.

Veillez me répondre.

Менга жавоб беришни лозим кўринг.

2. **Être, avoir, savoir, vouloir** феълларининг Présent du subjonctif да тусланиши шу феълларнинг Impératif шакли ҳисобланади:

Sachez que je ne serai libre qu'à six heures.

Билингки, мен соат олтидагина бўш бўламан.

Ayez un peu de patience!

Озгина сабр қилинг!

Sois donc plus attentif!

Эътиборлироқ бўлгин ахир!

Veillez agréer ma profonde gratitude!

Чуқур миннатдорчилигимни қабул қилишингизни сўрайман.

Passé du subjonctif нинг қўлланилиши Présent du subjonctif каби ҳолларда амалга оширилади, фақатгина фарқи Présent du subjonctif да иш-ҳаракати ҳозирги ёки келаси замонда ифодаланса, Passé du subjonctif да иш-ҳаракати ўтган замонда ёки иш-ҳаракатининг аниқ бир пайтда тугалланишини билдиради:

Nous doutons qu'ils soient partis hier.

Уларнинг кеча жўнаб кетганлигидан шубҳаланяймиз.

Je regrette qu'il ne m'ait pas averti de sa décision.

У ўз қарори тўғрисида мени огоҳлантирмаганлигидан афсусдаман.

Imparfait ва Plus-que-parfait

Imparfait ва Plus-que-parfait du subjonctif ларнинг маъноси Présent du subjonctif ва Passé du subjonctif дагидек, бирдан-бир фарқи шундаки, бош гапдаги феъл-кесим Présent ёки Futur да эмас, бош гапдаги феъл-кесим ўтган замонлардан бирида ёки Conditionnel да бўлгандагина Imparfait ва Plus-que-parfait du subjonctif қўлланилади:

Je voudrais que ce camarade partît demain.

Мен бу ўртоқнинг эртага жўнаб кетишини хоҳлаган бўлардим.

Je voudrais que ce camarade fût déjà parti.

Мен бу ўртоқнинг алақачон жўнаб кетганлигини хоҳлаган бўлардим.

Оғзаки нутқда эса бош гапда қандай замон шакли қўлланилганлигидан қатъий назар, эргаш гапда иш-ҳаракатни бир вақтнинг ўзида ёки ундан кейин бажарилишини билдириш учун Présent du subjonctif қўлланилади, иш-ҳаракатининг олдин бажарилганлигини билдириш учун эса Passé du subjonctif қўлланилади.

Буйруқ майли (Impératif)

Impératif буйруқ, маслаҳат, илтимос маъноларини англатиб, учта шаклга эгадир: 2-шахс бирлик ва 1-2-шахс кўплик:

Achète-moi du pain! *Менга нон сотиб ол!*

Ayons de la patience! *Сабр қилайлик!*

Ayez de la patience! *Сабрли бўлинг!*

Буйруқ ёки илтимос маъноларини англатишда, 3-шахс бирлик ва кўпликда Subjonctif présent қўлланилади.

Que personne n'entre dans cette pièce!

Бу хонага ҳеч кимса кирмасин!

Qu'ils reviennent dans deux heures!

Улар икки соатдан кейин келаверсинлар!

Impératif passé

Бу замон жуда кам қўлланилади. Буйруқ, маслаҳат, илтимос маъноларини билдиради, аммо иш-ҳаракатининг амалга оширилиши келаси замонга мансуб бўлади:

Ayez fini votre article pour demain soir.

Мақолангизни эртага кечга яқин тугатинг.

Феълнинг шахсиз (ноаниқ) шакли (Infinitif)

Ноаниқ майл ёки инфинитив (Infinitif) шахс ва сонни кўрсатмаган ҳолда ҳаракатни англатади. Бу феълнинг шахсиз шаклларида бири ҳисобланади. Ноаниқ майл ёки инфинитив икки замонни ўз ичига олади: ҳозирги (Infinitif présent) ва ўтган замон (Infinitif passé).

Infinitif présent

1-группа	2-группа	3-группа
parler trouver entrer donner	finir bâtir choisir	partir recevoir répondre rire

Инфинитив иш-ҳаракатининг ҳозирги, келаси ёки ўтган замонда бошқа бир ҳозирги, келаси ёки ўтган замонга боғлиқ бўлганлигини ифодалайди:

Je vois arriver (présent) le train.

Мен келаётган поездни кўряпман.

Je vous dirai quand je verrai arriver (futur) le train.

Келаётган поездни кўрсам сизга айтаман.

J'ai vu arriver (passé) le train.

Мен поезд келганлигини кўрдим.

Il marche sans s'arrêter (présent).

У тўхтамасдан борапти.

Il marchera sans s'arrêter (futur).

У тўхтамасдан боради.

Il a marché sans s'arrêter (passé).

У тўхтамасдан борди.

Infinitif passé **Мураккаб шакл**

Infinitif passé ёрдамчи феъллар **avoir** ёки **être** нинг Infinitif présent ва тусланувчи феълнинг Participe passé шаклидан ташкил топади.

1-группа	2-группа	3-группа	avoir	être
avoir parlé être arrivé	avoir fini	avoir pris être sorti	avoir eu	avoir été

Infinitif passé иш-ҳаракатининг ҳозирги, келаси ёки ўтган замондаги иш-ҳаракатларига нисбатан олдин тугалланганлигини билдиради:

Après avoir reçu la lettre il est parti.

У хатни олгандан кейин жўнаб кетди.

Après avoir reçu la lettre il part.

У хатни олгандан кейин жўнаб кетяпти.

Après avoir reçu la lettre il partira.

У хатни олгандан кейин жўнаб кетади.

Инфинитив гапда қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) эга:

Etudier est toujours profitable.

Ўрганмоқ доим фойдали.

2) кесимнинг бир қисми:

Vouloir c'est pouvoir!

Хоҳиш – бажара билмоқ демакдир!

3) инфинитивли гапларда кесим:

J'entends le train approcher.

Поезднинг яқинлашиб келаётганлигини эшитяпман.

4) воситасиз тўлдирувчи:

Il veut partir.

У жўнаб кетишни хоҳлаяпти.

5) воситали тўлдирувчи:

Je commence à lire.

Мен ўқишни бошладим.

6) ҳол:

Il est sorti sans fermer la porte.

У эшикни ёпмасдан чиқиб кетди.

7) отга ёки сифатга тўлдирувчи:

Je ne comptais pas sortir, mais je suis prêt à vous rendre ce service.

Мен чиқмоқчи бўлаётганим йўқ, ammo сизга бу ёрдамни кўрсатишга тайёрман.

Инфинитив гапларда **vouloir, pouvoir, penser, compter, croire, espérer, faire, laisser** ва ҳоказо феъллардан кейин предлогларсиз қўлланилади. Кўп ҳолларда инфинитив олдидан феълга тўлдирувчи сифатида **de** ёки **à** предлоглари қўлланилади.

Инфинитив мустақил гапларда қуйидаги маъноларда қўлланилиши мумкин:

1) ҳис-туйғу, ранжиш, завқ олиш ҳисларини ифодалашда:

Quoi! Offenser son ami! *Қандай қилиб! Ўз дўстини ҳақоратлаш!*

2) буйруқ майли ўрнида буйруқни билдиришда:

Ne pas faire de bruit!

Шовқин (тўполон) қилинмасин!

Voir, penser, croire, sentir феъллари бошқа феъллар билан бириккан ҳолда инфинитив гапни ҳосил қилади. Бу гапларда субъект бош гапдагидек ёки бошқача бўлиши мумкин:

Il pense avoir déjà vu cette femme.

Унинг назарида, у бу аёлни аллақачон кўрган.

Elle entendait le tonnerre gronder.

У момақалдиروқ гумбурлаганини эшитган эди.

Инфинитивнинг айрим предлоглар билан қўлланилишидаги хусусиятлари

1. Инфинитив **à** предлоги билан кўпинча бурч, масъулият, вазифа маъноларини англатади:

J'ai encore cet article à lire.

Мен ҳали бу мақолани ҳам ўқиб чиқишим керак.

2. Инфинитив **sans** предлоги билан бирга келганда, ўзбек тилидаги бўлишсиз шаклдаги равишдошни англатади:

Il sort sans dire un mot.

У бир сўз ҳам демасдан чиқиб кетди.

3. Инфинитив **après** предлоги билан келганда, ўзбек тилидаги ўтган замон равишдошини англатади:

Il est parti après avoir reçu votre lettre.

У хатингизни олгач, (олгандан кейин) жўнаб кетди.

Сифатдошлар (Participes)

Сифатдошда феъл ва от белгилари мавжуд бўлиб, у гапда аниқловчи вазифасида келади. Сифатдошнинг учта тури мавжуд:

1. Ҳозирги замон сифатдоши – Participes présent
2. Ўтган замон сифатдоши – Participes passé
3. Ўтган замон мураккаб сифатдоши – Participes passé composé.

Ҳозирги замон сифатдоши (Participes présent) феълнинг шахсиз шакли ҳисобланиб, сонда ва родда ўзгармайди, яъни мослашмайди. Participes présent ни ҳосил қилиш учун тусланувчи феълни Présent замонида олиб, 1-шахс кўпликдаги “**ons**” қўшимчаси тушириб қолдирилади ва ўрнига “**ant**” суффикси қўшилади:

prendre = nous prenons = prenant

lire = nous lisons = lisant

écouter = nous écoutons = écoutant

finir = nous finissons = finissant

Participes présent гапда феъл-кесим билан бир вақтнинг ўзида бажариладиган иш-ҳаракатини ифодалайди. Ўзбек тилига *олаётган, ўқиётган, эшитаётган, ёзаётган, тугатаётган* каби таржима қилинади:

Je vois l’homme lisant le journal.

Мен газета ўқиётган кишини кўряпман.

J’ai vu l’homme lisant le journal.

Мен газета ўқиётган кишини кўрдим.

Je verrai l’homme lisant le journal.

Мен газета ўқиётган кишини кўраман.

Participes présent билан тўлдирувчи ёки ҳол келиши ҳам мумкин:

Les trains arrivant le matin.

Эрталаб келаётган поездлар.

Феълдан ясалган сифат (Adjectif verbal)

Adjectif verbal ҳам Participes présent каби “**ant**” қўшимчаси билан тугалланади. Лекин уларда грамматик фарқ бор. Participes présent от билан боғланиб, иш-ҳаракатини ифодаласа, Adjectif verbal от билан боғланиб, унинг сифатини, белгисини аниқлайди. Participes présent ўзгармас бўлиб, аниқланаётган от билан шахс ва сонда мослашмайди. Adjectif verbal эса аниқланаётган от билан шахс ва сонда мослашади:

Таққосланг:

Les jeunes filles vendant des fleurs sont mes soeurs.

Гуллар сотаётган қизлар менинг сингилларим.

On nous a raconté des histoires amusantes.

Бизга қизиқарли ҳикоялар гапириб беришди.

Баъзи бир феълдан ясалган сифатлар орфографик ёзувда сифатдан фарқ қилади.

Масалан:

Participe présent	Adjectif	
convainquant	convaincant	<i>ишонтирадиган (ишончли)</i>
fatigant	fatigant	<i>чарчатувчи (чарчатадиган)</i>

Ўтган замон сифатдоши (Participe passé)

Француз тилида ўтган замон сифатдоши икки шаклга эга: оддий ва мураккаб.

Infinitif	Participe passé	Participe passé composé	
		forme active	forme passive
aimer	aimé (e,s,es)	ayant aimé	ayant été aimé (e,s,es)
Bâtir	bâti (e,s,es)	ayant bâti	ayant été bâti (e,s,es)
recevoir	reçu (e,s,es)	ayant reçu	ayant été reçu (e,s,es)
rester	resté (e,s,es)	étant resté (e,s,es)	
avoir	eu (e,s,es)	ayant eu	
Etre	été	ayant été	

Participe passé

1. Participe passé ёрдамчи феълсиз предметнинг белгисини билдиради, бу феълдан ясалган сифат ўзбек тилида феълнинг ўтган замон сифатдошига тўғри келади. У гапда аниқловчи бўлиб келиб, ўзи аниқлаб келаётган от билан род ва сонда мослашади:

C'est le jour fixé pour la rencontre.

Бу учрашув учун белгиланган кун.

2. Participe passé мураккаб замонлар таркибида **être**, **avoir** ёрдамчи феъллари билан бирга кесим бўлиб келади:

J'ai lu toute la journée, puis je suis sorti prendre l'air.

Мен кун бўйи ўқидим, кейин эса тоза ҳаводан нафас олиш учун чиқдим.

3. Мураккаб замонларда **être** билан тусланувчи ўтимсиз феълларнинг Participe passé си гапнинг эгаси билан род ва сонда мослашади:

Les jeunes gens sont venus à midi et sont restés chez nous jusqu'au soir.

Ёшлар туш пайти келишди ва кечгача бизникида қолишди.

4. Мураккаб замонда **avoir** билан тусланувчи ўтимсиз феълларнинг participe passé си ўзидан кейин воситасиз тўлдирувчига эга бўлмайди ва эга билан род ва сонда мослашмайди.

Cette valise m'a bien servi pendant mon voyage.

Саёҳатим пайтида бу чемодан менга яхши хизмат қилди.

5. Мураккаб замонларда ҳар доим **avoir** ёрдамида тусланувчи ўтимли феълларнинг Participe passé си феълдан олдин келган воситасиз тўлдирувчи билан род ва сонда мослашади, аксинча, воситасиз тўлдирувчи феълдан кейин келса, Participe passé ўзгармайди, яъни мослашмайди.

Ma soeur a reçu une lettre. *Синглим хат олди.*

La lettre que ma soeur a reçue. *Синглим олган хат.*

6. **Être** феълининг Participe passé си ҳеч қачон мослашмайди ва ўзгармайди.

Mes soeurs ont souvent été à Berlin.

Оналарим тез-тез Берлинда бўлиб турадилар.

7. Шахсиз феълларнинг Participe passé си ҳам ўзгармайди.

Par la chaleur qu'il a fait ...

Об-ҳаво иссиқ бўлганидан

8. Participe passé дан олдин **en** олмоши келганда:

De ces gâteaux combien en a-t-elle choisi?

У бу пирожнийлардан қанчасини танлади?

9. **Valoir, courir, peser** феълларининг Participe passé си ҳам ўзгармайди, чунки улар ўзининг асосий маъносида қўлланилганида, воситасиз тўлдирувчига эга бўлмайди:

C'est une robe qui a couté 12 dollars.

12 доллар турадиган кўйлак.

Кўчирма маънода қўлланганда эса, улар ўзидан кейин воситасиз тўлдирувчини олиши мумкин ва қоида бўйича мослашади:

Que de larmes cette fillette a coutées à sa mère.

Бу қизалоқ онасига қанчалар кўз ёши қилди.

Олмошли феъллар сифатдошининг мослашуви

1. Ҳақиқий олмошли феълларнинг Participe passé си эга билан род ва сонда мослашади:

Elle s'est moquée de lui.

У (қиз бола) унинг устидан кулди.

2. Ўтимли феъллардан ҳосил бўлган олмошли феълларнинг Participe passé си феълдан олдин келган воситасиз тўлдирувчи билан род ва сонда мослашади:

La forêt s'est remplie de voix.

Ўрмон товушлар билан тўлди.

3. Ўтимсиз феъллардан ҳосил бўлган олмошли феълларнинг Participe passé си ўзгармайди.

Elles se sont longuement parlé.

Улар узоқ гаплашдилар (суҳбатлашишди).

Қуйидаги феъллар ўтимли ва ўтимсиз шаклларда қўлланилиши мумкин, аммо ўтимсиз шаклда улар ўз маъноларини ўзгартирадилар ва уларнинг Participe passé си эга билан род ва сонда мослашадилар:

douter – *шубҳаланмоқ, шубҳа қилмоқ*

apercevoir – *кўриб қолмоқ, сезиб қолмоқ, пайқамоқ*

entendre – *эшитмоқ*

servir – *хизмат қилмоқ*

plaindre – *ачинмоқ, раҳми келмоқ*

taire – *индамай кетмоқ, яширмоқ*

ennuyer – *жонга тегмоқ, меъдага тегмоқ*

attendre – *кутмоқ*

saisir – *ушламоқ (тутмоқ)*

se douter de – *гумонсирамоқ*

s'apercevoir – *кўзга ташланмоқ*

s'entendre – *келишмоқ, ваъдалашмоқ*

se servir de – *фойдаланмоқ*

se plaindre – *нолимоқ, шикаят қилмоқ*

se taire – *жим турмоқ, сукут сақламоқ*

s'ennuyer – *зерикмоқ, сиқилмоқ, зиқ бўлмоқ*

s'attendre à – *қараб турмоқ, нигорон бўлмоқ*

se saisir de – *қўлга киритмоқ, эгаллаб олмоқ*

Равишдош – Герундий (Gérondif)

Gérondif ҳам феълнинг ўзгармас шакли бўлиб, гапда ўрин-пайт, сабаб, шарт ва равиш ҳоллари вазифасида келади. Уни яшаш учун Participe présent формаси олдида **en** юкламаси қўйилади. Gérondif бошқа бир ҳаракат билан бир вақтда содир бўладиган иш-ҳаракатни

билдиради. *Gérondif* ўзбек тилига равишдош бўлиб қуйидагича таржима қилинади: *чиқаётиб, келаётиб, ўқиётиб, гапираётиб* каби.

En sortant de la salle j'ai aperçu nos amis.

Залдан чиқаётиб дўстларимизни кўрдим.

En lisant les textes j'ai souligné des mots inconnus.

Матнларни ўқиётиб, нотаниш сўзларнинг тағига чиздим.

En passant par la rue nous avons aperçu les grévistes.

Кўчадан ўтаётиб, уш ташиловчиларни кўриб қолдик.

Avoir, être феълларининг *Gérondif* шаклида **en** юкламаси қўлланилмай, **ayant, étant** тарзида ишлатилади:

Ayant beaucoup d'amis il passait bien son temps.

Ўртоқлари кўп бўлганидан у вақтини яхши ўтказарди.

Etant fatigué mon père est resté à la maison.

Отам чарчаганлигидан (чарчаган бўлганидан) уйда қолди.

Аниқлик майли замонларининг мослашуви (Concordance des temps de l'indicatif)

1. Агар бош гапдаги феъл-кесим *Présent* ёки *Futur* да турган бўлса, эргаш гапдаги феъл-кесим қуйидаги замонларда бўлиши мумкин:

а) бош гапдаги иш-ҳаракати билан бир вақтда бажарилиши керак бўлган иш-ҳаракатини билдиришда эргаш гапда *Présent* қўлланилади:

Il dit que sa soeur part aujourd'hui.

У синглисининг бугун кетаётганлигини айтяпти.

Il dira que sa soeur part demain.

У синглисининг эртага жўнаб кетаётганлигини айтади.

б) бош гапдаги иш-ҳаракатидан олдин бажарилган иш-ҳаракатини билдириш учун эса эргаш гапда *Passé composé* қўлланилади:

Je sais qu'elle est partie. Мен унинг жўнаб кетганлигини биламан.

Je dirai qu'elle est partie.

Мен унинг жўнаб кетганлигини айтмоқчиман.

в) бош гапдаги иш-ҳаракатидан кейин бажариладиган иш-ҳаракатини билдириш учун эса эргаш гапда *Futur simple* замони қўлланилади:

Je sais qu'il partira demain.

Мен унинг эртага жўнаб кетишини биламан.

Je dirai qu'il partira dans deux jours.

Мен унинг икки кундан кейин жўнаб кетишини айтмоқчиман.

2. Агар бош гапда феъл-кесим ўтган замонлардан бирида турган бўлса, эргаш гапдаги феъл-кесим қуйидаги замонларда бўлиши мумкин:

а) бош гапдаги иш-ҳаракати билан бир вақтда бажарилиши керак бўлган иш-ҳаракатини билдиришда эргаш гапда Imparfait қўлланилади:

Je savais qu'il rentrait toujours à six heures.

Мен унинг соат олтида қайтишини билардим.

б) бош гапдаги иш-ҳаракатидан олдин бажарилган иш-ҳаракатини билдириш учун эргаш гапда Plus-que-parfait қўлланилади:

Je savais qu'il était déjà parti.

Мен унинг аллақачон жўнаб кетганлигини билардим.

в) бош гапдаги иш-ҳаракатидан кейин бажариладиган иш-ҳаракатини билдириш учун эса эргаш гапда Futur dans le passé ишлатилади:

Elle apprit qu'il arriverait au terme fixé.

У (ж.р) унинг (м.р) белгиланган муддатда етиб келишини биларди.

Агар бош гапдаги феъл-кесим Passé composé да турган бўлса, эргаш гапдаги иш-ҳаракати эса ўтган ёки ҳозирги замонга тааллуқли бўлса, у ҳолда бундай алмашиш рўй бериши шарт:

Il a dit hier qu'il reviendrait le jour même.

Кеча у ўша куниёқ қайтишини айтди.

Агар эргаш гапдаги феъл билан ифодаланган иш-ҳаракати келаси замонга тааллуқли бўлса, бундай алмашиш бўлиши шарт эмас:

Il a dit qu'il reviendra demain.

У эртага қайтишини айтди.

Истак майли замонларининг мослашуви (Concordance des temps du subjonctif)

1. Агар бош гапдаги феъл-кесим Présent de l'indicatif ёки Futur да турган бўлса, бир вақтнинг ўзида ёки ундан кейин содир бўладиган иш-ҳаракатини билдириш учун эргаш гапдаги феъл-кесим Présent du subjonctif да қўйилади. Олдин содир бўлган тугалланган иш-ҳаракатини билдириш учун эса Passé du subjonctif қўлланилади:

Je veux (je voudrai) qu'il vienne.

Мен унинг келишини хоҳлайман.

Je crains (je craindrai) qu'il n'ait manqué le train.

Мен унинг поездга кеч қолганлигидан қўрқяман.

2. Худди шу замонлар оғзаки нутқда ҳам ишлатилади, қачонки бош гапдаги кесим ўтган замонлардан бирида турган бўлса:

Je ne pensais pas qu'il vienne.

Мен унинг келишини ўйламаган эдим.

Je ne pensais pas qu'il soit déjà venu.

Мен унинг аллақачон келганлигини ўйламаган эдим.

3. Ёзувда, яъни китобий тилда, бош гапдаги феъл-кесим ўтган замонда турган бўлса, иш-ҳаракатининг бир вақтда бажарилишини билдириш учун эргаш гапда Imparfait du subjonctif қўлланилади ва иш-ҳаракатининг олдин бажарилганлигини билдириш учун Plus-que-parfait du subjonctif ишлатилади:

Nous doutions qu'il vînt.

Унинг келишидан шубҳаланардик.

Nous doutions qu'il fût venu.

Унинг келганлигидан шубҳаланардик.

4. Агар бош гапдаги кесим Conditionnel présent ёки Passé да турган бўлса, иш-ҳаракатининг кейин содир бўлишини билдириш учун эргаш гапда Présent du subjonctif ёки Imparfait du subjonctif ишлатилади. Эргаш гапдаги иш-ҳаракати бош гапдаги иш-ҳаракатидан олдин содир бўлганлигини билдириш учун эса эргаш гапда Passé du subjonctif ёки Plus-que-parfait du subjonctif қўлланилади.

Je voudrais qu'il prenne (qu'il prît).

Унинг олганлигини хоҳлаган бўлар эдим.

J'aurais voulu qu'il ait pris (qu'il eût pris).

Унинг олган бўлганлигини хоҳлаган бўлар эдим.

5. Оғзаки нутқда эргаш гапларда **avant que, jusqu'à ce que, en attendant que** боғловчиларидан кейин бош гапдаги кесим қайси замонда бўлишидан қатъий назар қоида бўйича Présent du subjonctif қўлланилади:

Il lisait le journal en attendant que son frère revienne.

У акасининг келишини кутиб, газета ўқиб ўтирар эди.

Равиш (Adverbe)

Равиш ўзгармайдиган гап бўлаги ҳисобланади ва феълнинг, сифатнинг ёки бошқа бир равишнинг маъносини тўлдириб келади:

1. Баъзи бир равишлар оддий шаклга эга: **ici** – *шу ерда*, **là** – *у ерда*, **hier** – *кеча* ва ҳоказо.

2. Бошқалари икки ёки ундан ортиқ сўзлардан ташкил топган бўлади: **peu à peu** – *секин-аста*, **tout à l'heure** – *шу заҳотиёқ* ва ҳоказо.

3. Бошқа бирлари эса махсус шаклга эга ва **-ment** суффикси ёрдамида сифатлардан ташкил топади:

joliment – *чиройли*, **sérieusement** – *жиддий*. Агар сифат мужской родда унлига тугаса, равиш ҳосил қилиш учун тўғридан-тўғри **-ment** суффикси қўшилади:

Joli	<i>чиройли</i>	joliment	<i>қўркам, гўзал</i>
facile	<i>енгил</i>	facilement	<i>осон, қулай</i>

4. Агар сифат мужской родда ундошга тугаса, у ҳолда сифатнинг женский род шаклига **-ment** суффикси қўшилади:

heureux – heureuse	<i>бахтли</i>	heureusement	<i>бахтиёр</i>
naïf – naïve	<i>соддадил</i>	naïvement	<i>соддагина</i>

5. Агар сифат **-ent** ва **-ant** қўшимчаларига тугаган бўлса, у ҳолда **-ant** ва **-ent** қўшимчаларини тушириб қолдириб, ўрнига **-emment** ва **-amment** қўшимчаларини қўшиш йўли билан равиш ҳосил қилинади:

prudent	<i>эҳтиёткор</i>	prudemment	<i>эҳтиёт қилиб</i>
evident	<i>аниқ, равшан, ойдин</i>	évidemment	<i>чамаси, афтидан</i>

Маъно жиҳатидан равишлар қуйидаги категорияларга бўлинади:

а) **пайт равиши** (Adverbes de temps)

Шулардан энг кўп қўлланиладиган равишлар:

Aujourd’hui	<i>бугун</i>	hier	<i>кеча</i>
toujours	<i>ҳар доим</i>	demain	<i>эртага</i>
après demain	<i>индинга</i>	jamais	<i>ҳеч қачон</i>
souvent	<i>тез-тез</i>	rarement	<i>аҳён-аҳёнда (кам)</i>
aussitôt	<i>дарҳол</i>	quelquefois	<i>баъзан</i>
parfois	<i>баъзан</i>	auparavant	<i>илгари, олдинлари</i>
longtemps	<i>узоқ (вақт)</i>	alors	<i>ўша пайтда</i>
Tôt	<i>барвақт, эрта</i>	tard	<i>кеч</i>

Булар **quand?** қачон? деган сўроққа жавоб беради.

б) **ўрин равиши** (Adverbes de lieu)

Où	<i>қаерда, қаерга</i>	d’où	<i>қаердан</i>
Ici	<i>шу ерда</i>	là	<i>у ерда</i>
Y	<i>у ерда, у ёққа</i>	ailleurs	<i>бошқа жойда</i>
partout	<i>ҳамма ерда</i>	nulle part	<i>ҳеч қаерда</i>
Près	<i>яқин</i>	loin	<i>узоқда</i>
devant	<i>олдида</i>	derrière	<i>орқада</i>
dedans	<i>ичида</i>	dehors	<i>ташқи тарафда</i>

Булар **où?**, **қаерда?**, **қаерга?**, **d'où?**, **қаердан?** сўроқларига жавоб беради.

в) ҳолат равиши (Adverbes de manière)

comment	қандай
Ainsi	шундай, шундай қилиб
Mal	ёмон
Vite	тез
ensemble	биргаликда
Bien	яхши
Pis	ёмонроқ

-ment қўшимчаси ёрдамида сифатдан ҳосил бўлган бошқа равишлар ҳам шунга киради ва **comment?**, **қандай?**, **de quelle manière?**, **қандай қилиб?** саволларига жавоб беради.

г) миқдорни билдирувчи равишлар (Adverbes de quantité)

beaucoup	кўп	peu	оз
assez	етарли(ча)	trop	ҳаддан ташқари (зиёд)
Tant	шунча	si	шундай
davantage	кўпроқ	très, fort, bien	жуда(ям)
seulement	фақат	plus	кўпроқ
moins	озроқ	aussi	шунингдек
combien	қанча	pe...que	фақат

Булар **combien?** **қанча?** сўроғига жавоб беради.

д) тасдиқни, инкорни ва сўроқни билдирувчи равишлар

Oui	ҳа
certainement	албатта
Non	йўқ
comment?	қандай?
combien?	қанча?
quand?	қачон?
Si	ҳа, шундай
probablement	балки, эҳтимол
nullement	батамом йўқ, умуман
pourquoi?	нима учун, нега?
où?	қаерда?

е) мураккаб равишлар (Locutions adverbiales)

à demi	ярмича	en haut	юқорида
à peu près	тахминан	en bas	пастиди
à présent	энди	pas à pas	қадамба қадам
à propos	айтганча	sans cesse	тўхтамасдан
au-dessous	пастиди, тагида,	peu à peu	оз-моз, секин-аста
au-dessus	остиди	tour à tour	галма-гал

d'abord	дастлаб	à droite	ўнгда
d'ordinaire	одатда	à gauche	чапда
de travers	қийишиқ, нишаб	tout à coup	бирданига, тўсатдан
de même	худди шундай	tout à fait	тамоман
de plus en plus	кўндан-кўн	tout à l'heure	ҳозир
de mieux en mieux	дабдурустдан, тўсатдан	à l'instant même	шу пайтнинг ўзида

Инкор равишлари (Adverbes de négation)

Француз тилида инкор икки сўз ёрдамида билдирилади, шулардан бири **ne** юкламаси феълдан олдин, иккинчиси эса **pas, point, plus, guère, jamais** феълдан кейин қўйилади. Инкор шаклида берилган сўроққа тасдиқловчи **oui** ўрнига **si** деб жавоб берилади:

N'avez-vous pas été au théâtre hier?

Кеча театрда бўлмадингизларми?

Si, nous y avons été.

Ҳа, биз у ерда бўлдик.

Инкор шаклида берилган сўроққа инкор маъносида жавоб берилса, **non** ишлатилади:

N'avez-vous pas été au théâtre hier?

Кеча театрда бўлмадингизларми?

Non, nous n'y avons pas été.

Йўқ, биз у ерда бўлмадик.

Бўлишсиз (инкор) гапларда **aussi** – ҳам ўрнига **non plus** – шунингдек йўқ, **tout à fait** – тамоман ўрнига эса **pas du tout** – батамом йўқ қўлланилади:

Il a appris cette poésie et moi aussi.

У бу шеърни ёдлаб олди ва мен ҳам (ёдлаб олдим).

Il n'iront pas au bord de la mer et notre famille non plus.

Улар денгиз бўйига бормайдилар ва бизнинг оиламиз ҳам умуман бормаиди.

L'enfant est tout à fait fatigué. Бола тамоман чарчаган.

Elle n'est pas du tout fatiguée. У бутунлай (умуман) чарчамаган.

Феълни ўраб турадиган **ne...que** ибораси бўлишсиз, инкор маъносини англатмайди, **фақат(гина)** маъносини билдиради:

Je n'ai pris que deux cahiers.

Мен фақатгина иккита дафтар олдим.

Равишнинг гапдаги ўрни (Places des adverbess)

Равиш асосан сифатдан олдин ёки бошқа бир равишдан олдин қўйилади:

Une très haut tour. *Жуда баланд минора.*

Il marche trop vite. *У жуда тез юряпти.*

Ўринни, ҳолатни, ўлчовни билдирувчи ва баъзи бир пайт равишлари феълдан кейин қўйилади:

Il habite loin. *У узоқда яшайди.*

Elle écoute attentivement. *У диққат билан тинглаяпти.*

Nous travaillons beaucoup. *Биз кўп ишлаймиз.*

Il se lève tard. *У кеч туради.*

Aujourd'hui, demain, hier, bientôt, quelque-fois равишлари гапларнинг бошида ёки феълдан кейин қўйилиши мумкин:

Aujourd'hui je me repose. *Бугун дам оламан.*

Nous viendrons demain. *Биз эртага келамиз.*

У – у ерда, у ерга ва **en** – у ердан равишлари ҳар доим феълдан олдин қўйилади:

Nous y allons. *Биз у ерга боряпмиз.*

Ils y sont. *Улар у ердалар.*

J'en reviens. *Мен у ердан қайтиб келяпман.*

Мураккаб замонларда қуйидаги равишлар ёрдамчи феъл ва Participe passé орасидан жой олади:

bien – яхши, **mal** – ёмон, **beaucoup** – кўп, **peu** – оз, **jamais** – ҳеч қачон, **souvent** – тез-тез, **toujours** – ҳар доим, **rarement** – аҳён-аҳёнда, **assez** – анча (етарли), **trop** – кўп ва бошқалар.

Nous avons bien travaillé.

Биз яхши ишладик.

Mon frère a mal récité sa leçon.

Менинг укам машгулотда ёмон жавоб берди.

Cet été nous nous sommes beaucoup promenés.

Бу йил ёзда биз кўп сайр қилдик.

L'année passé ils sont souvent allés au théâtre.

Ўтган йили улар тез-тез театрға бориб туришди.

Très равиши сифатдан ва равишдан олдин қўлланилади:

Le maître est très content de nous.

Ўқитувчи биздан жуда мамнун.

Аммо **beaucoup** – кўп равишидан олдин ҳеч қачон **très** – жуда равиши қўлланилмайди:

Nous aimons beaucoup notre Patrie.
Биз Ватанимизни жуда севамиз.

Равиш даражалари (Degrés de comparaison)

Равиш даражалари ҳам сифат даражалари каби ҳосил бўлади.
 Қиёсий даража учун **aussi, plus, moins** равишлари қўшилади:

Mon frère est aussi grand que moi.

Акам ҳам мендек катта.

Il court plus (moins) vite que moi.

У менга нисбатан тезроқ (секинроқ) югуради.

Il travaille moins bien que son frère.

У акасига нисбатан ёмонроқ ишлайди.

Орттирма даража учун эса **le plus, le moins, très bien, extrêmement** қўлланилади:

Ce portrait est le moins (le plus) réussi de tous.

Бу портрет барчасидан энг муваффақиятсиз(лиси) ҳисобланади.

Ce portrait est extrêmement réussi.

Бу портрет ўта (жуда) муваффақиятли ҳисобланади.

Bien, mal, peu, beaucoup равишлари нотўғри қиёслаш даражасига эга:

bien	<i>яхши</i>	mieux	<i>яхшироқ</i>
mal	<i>ёмон</i>	pis ёки plus mal	<i>ёмонроқ</i>
peu	<i>оз (кам)</i>	moins	<i>озроқ (камроқ)</i>
beaucoup	<i>кўп</i>	plus	<i>кўпроқ</i>
le mieux	<i>ҳаммасидан яхши</i>		
le pis ёки le plus mal	<i>ҳаммасидан ёмон</i>		
le moins	<i>энг (жуда) кам (оз)</i>		
le plus	<i>энг (жуда) кўп</i>		

Предлоглар (Prépositions)

Предлог ўзгармайдиган сўз туркуми ёрдамчи сўздир. Сўз бирикмаларининг бош бўлагига тобе бўлаги маъносига қараб бириктирилади ва тобе сўздан олдин қўйилади. Француз тилида келишиклар (падежлар) бўлмаганлиги сабабли, предлогларнинг маъноси бу тилда жуда муҳим ҳисобланади ва бошқа тилларда келишиклар (падежлар) ёрдамида бажариладиган муносабатларни предлоглар бажаради. Предлоглар оддий ва мураккаб бўлади.

Оддий предлоглар (Les prépositions simple)

de	-дан, нинг, ҳақида	entre	орасида, ўртасида
à	-га, -да	selon	бўйича
dans	ичида, -дан сўнг	parmi	орасида
en	-да	derrière	орқасида
pour	учун	chez	-да, -никида
contre	қаршисида, рўпарасида	pendant	пайтида, вақтида
sur	устидида	vers	-га (қараб)
sous	тагида	par	орқали
sans	-сиз	dès	-дан, бошлаб,
après	кейин, сўнг		-дан буён
avant	олдин	depuis	-дан бери
avec	билан	devant	олдида

Мураккаб предлоглар (Les locutions prépositives)

près de, auprès de	ёнида	au-dessous de	тагида, остидида
à côté de	яқинида, атрофида	au-dessus de	устидида
loin de	-дан узоқда	à cause de	сабабли
jusqu'à	-гача	au lieu de	ўрнида
en face de	рўпарасида	le long de	бўйлаб
quant à	-га келганда, -га келса	afin de	учун, -га
à travers	орқали	faute de	йўқлигидан
grâce à	туфайли (сабабли)	à l'aide	ёрдамида
autour de	атрофида		

Кўп предлогларнинг аниқ маъноси бутун бир гапнинг маъносидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Баъзи бир предлоглар бир неча маънони англатиши мумкин ва ўзбек тилидаги бир неча келишик қўшимчаларини бериши мумкин.

Un groupe de touristes est venu de Chakhrissabz.

Сайёҳларнинг бир гуруҳи Шаҳрисабздан келди.

А ва **de** предлоглари энг кўп қўлланилади ва улар ўзлари қатнашган сўз бирикмаларидан келиб чиққан ҳолда ҳар хил маънони билдиради.

А предлоги қуйидагича ифодаланади:

